


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ”



ТОШКЕНТ 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“Олий ҳамширалик иши” йўналиши**

**“ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ ЙЎНАЛИШИНинг РИВОЖЛАНИШ  
БОСҚИЧЛАРИ, МОДЕЛАРИ, ДОЛЗАРБ МУАМОЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

- Тузувчилар:** Х.Е.Рустамова –ТДСИ “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ва жисмоний маданият” кафедраси профессори, т.ф.д.
- Тақризчилар:** Разикова И.С. – ТМА Аллергология, клиник иммунология ва хамширалик иши кафедраси мудири, т.ф.д., профессор  
Мухамедханова Ш.Т. – ТошПМИ ОМХ факултети декани, т.ф.н., доцент

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

1. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
2. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	11
3. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	15
4. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	47
5. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	88
6. ГЛОССАРИЙ .....	91
7. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	92

# I ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

«Кадрлар» тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади юксак маънавий маданиятга ижобий фаолликка эга бўлган жамиятда эркин фикрлай оладиган ва ўз вазифаларини мустақил хал қила оладиган кадрларни тайёрлаш, шунингдек, дастурларни хар томонлама етук, мукаммал ўзлаштирган баркамол ёшларни тарбиялашди.

Халқаро тиббиёт талабларига жавоб бера оладиган тиббиёт мутахассислари тайёрлаш хозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳамширалар давр билан ҳамнафас фаолият олиб бориши зарур. Хукуматимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган фармон, қарор ҳамда буйруқлардан доимо хабардор бўлишлари, уларнинг моҳиятини тушуниб етишлари талаб этилмоқда. Ҳамширалик иши таълим йўналишининг тингловчилари учун тайёрланган ушбу ишчи дастур Давлат стандартлари ва ҳамширалик иши таълими йўналишининг квалификацион характеристикаси ва хорижий адабиётлар билан бойитилган холда ишлаб чикилган.

“Олий ҳамширалик иши” йўналишининг ривожланиш босқичлари, моделлари, долзарб муаммолари модули тиббиёт колежи ва олий таълимдаги олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича фаолият олиб бораётган профессор - ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, модулни чуқурроқ ўрганиш тингловчилари учун назарий ва амалий билимларни олишларига ёрдам беради. Кўпроқ билимга эга бўлган, мукаммал малака кўникумларини эгаллаган хар бир тингловчи келажакда ОҲИ таълим йўналиши бўйича ўз касбий фаолиятини ва билимини оширишда ёрдам беради.

Модулдаги назарий ва амалий мавзуларнинг инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитилиши тингловчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширишда, мустақил билим олишга ва уларни эркин фикрлашга ўргатади.

Ушбу модул тингловчилари ҳамширалик иши таълим йўналиши талабаларини назарий билимларини ва амалий малакаларини оширишда фойдали маълумотлар беради ва уларга ижобий ёрдам беради.

Тиббиёт ходимларини профессионал билим даражасини ошириш мақсадида кадрлар тайёрлашни бир нечта босқичларда олиб бориш тизими яратилди.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Олий ҳамширалиқ иши” йўналишининг ривожланиш босқичлари, моделлари, долзарб муаммолари” модулининг мақсади:** ҳамширалиқ иши таълими бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ҳамширалиқ иши фанларининг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалиқ иши муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш

**“Олий ҳамширалиқ иши” йўналишининг ривожланиш босқичлари, моделлари, долзарб муаммолари” модулининг вазифалари:**

- ҳамширалиқ иши фанларини ўқитишда педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг ҳамширалиқ иши фанлари муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- ҳамширалиқ иши фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

**“Олий ҳамширалиқ иши” йўналишининг ривожланиш босқичлари, моделлари, долзарб муаммолари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- тиббий таълим тизимни ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалиқ иши йўналиши ривожланиш истиқболларини;
- ҳамширалиқ иши йўналишини ривожланиш босқичларини;
- ҳамширалиқ ишида илғор хорижий тажрибаларни;
- ҳамширалиқ иши йўналишининг асосчиларини;
- Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалиқ ишининг ўрни ва аҳамиятини;
- “Ҳамширалиқ иши” йўналиши билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини **билиши** керак;
- ҳамширалар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар моделларини ишлаб чиқиш;
- ҳамширалиқ ишида биоэтика нормаларидан фойдаланиш;
- ҳамширалиқ ишида янги технологиялар билан ишлаш, уларни амалиётда қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши** зарур.
- ҳамширалиқ жараёнининг босқичларини такомиллаштириш;
- “Олий ҳамширалиқ иши” йўналишида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш малакаларини эгаллаши лозим.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Тиббий ёрдам ва тиббий сугуртани ташкил қилиш тизимини самарали такомиллаштириш”, “Олий ҳамширалик ишида ахоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари” , “Ҳамширалик ишида бошқарув хусусиятлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласиди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул бирлиги номлари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соатларда				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			Жами	Назарий	Амалий	Жумладан
1	Ҳамширалик иши йўналишини ривожланиш босқичлари ва илғор хорижий тажрибалар	6	6	2	4	
2	“Олий ҳамширалик иши” йўналишини ривожлантириш дастури ва истиқболлари	6	6	2	4	
3	Ҳамширалик жараёнининг босқичлари, уни ташкил этилиши.	6	6		4	2
4	“Олий ҳамширалик иши” йўналишида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш	6	6	2	2	2
<b>Жами:</b>		<b>24</b>	<b>24</b>	<b>6</b>	<b>14</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Ҳамширалик иши йўналишини ривожланиш босқичлари ва илғор хорижий тажрибалар.**

- Ҳамширалик иши фанининг ривожланиш босқичлари
- Ҳамширалик иши йўналишининг асосчилари
- Ҳамширалик ишида илғор хорижий тажрибалари
- Ҳамширалик иши йўналишининг замонавий тизими.

**2-мавзу: “Олий ҳамширалик иши” йўналишини ривожлантириш дастури ва истиқболлари.**

- “Ҳамширалик иши” йўналишининг долзарб муамоллари
- Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик ишининг ўрни
- Ўзбекистонда тиббиёт олийгоҳларида “Олий маълумотли ҳамшира”

факултетини ўрни

4. Республикада “Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар ассоциацияси”нинг ташкил этилиши ва тиббиёт амалиётини кенг кўламда йўлга қўйилиши.

5. Тиббий таълим тизими ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалик иши йўналишининг ривожланиш истиқболлари.

**3-мавзу:“Олий ҳамширалик иши” йўналишида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш**

1. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш илмий ишланмаларнинг иқтисодий самарасини ўрганиш

2. Ҳамширалик иши йўналиши бўйича таълим илм-фан ва илмий-услубий янгилик ва ютуқларни ўрганиш

3. Ҳамширалик соҳаси бўйича илмий текширишлар ахамияти

4. Илмий текшириш ишлари асосий тузилмаси

5. Тиббий таълим тизими ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалик иши йўналишининг ривожланиш истиқболлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот. Ҳамширалик иши йўналишини ривожланиш босқичлари ва илғор хорижий тажрибалар.**

1. Ҳамширалик иши фанининг ривожланиш босқичлари

2. Ҳамширалик иши йўналишининг асосчилари

3. Ҳамширалик ишида илғор хорижий тажрибалари

4. Ҳамширалик иши йўналишининг замонавий тизими.

**2-амалий машғулот. “Олий ҳамширалик иши” йўналишини ривожлантириш дастури ва истиқболлари.**

1. “Ҳамширалик иши” йўналишининг долзарб муамоллари

2. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик ишининг ўрни

3. Ўзбекистонда тиббиёт олийгоҳларида “Олий маълумотли ҳамшира” факултетини ўрни

4. Республикада “Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар ассоциацияси”нинг ташкил этилиши ва тиббиёт амалиётини кенг кўламда йўлга қўйилиши

5. Тиббий таълим тизими ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалик иши йўналишининг ривожланиш истиқболлари

6. Ўзбекистонда “Ҳамширалик иши” йўналишининг ривожланиши

7. “Ҳамширалик иши” йўналишининг Ўзбекистондаги долзарб муаммолари

3. Тиббиёт олийгоҳларида ҳамширалик иши фанларининг ахамияти

**3-амалий машғулот. Ҳамширалик жараёнининг босқичлари, уни ташкил этилиши.**

1. Ҳамширалик жараёнининг босқичлари
2. Ҳамширалик иши ва биоэтика
3. Ҳамширалик ишида янги технологиялар
4. Ҳамширалар ва мижозлар орасидаги муносабатларига замонавий ёндошиш

**4-амалий машғулот. “Олий ҳамширалик иши” йўналишида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш**

1. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш илмий ишланмаларнинг иқтисодий самарасини ўрганиш
2. Ҳамширалик иши йўналиши бўйича таълим илм-фан ва илмий-услубий янгилик ва ютуқларни ўрганиш
3. Ҳамширалик соҳаси бўйича илмий текширишлар ахамияти
4. Илмий текшириш ишлари асосий тузилмаси
5. Тиббий таълим тизими ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалик иши йўналишининг ривожланиш истиқболлари.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

Модул бўйича мустақил ишлар **“Олий ҳамширалик иши” йўналишининг ривожланиш босқичлари, моделлари, долзарб муаммолари”** соҳаси бўйича қисқа назарий маълумотлар ҳамда таълим муассасасида ҳозирги вақтда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот келтирилиши зарур. Модул доирасидаги мустақил таълим мавзулари портфолио топшириқлари кўринишида тингловчиларга тақдим этилади ва бажарилади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: Вебинар маъруза, бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.
- ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:
- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;

### **Кўчма машғулот**

#### **Кўчма машғулот:**

1. ТТА, ОМҲ ўқув модули
2. ТашиУВ, ХИ кафедраси

## **II МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«ФСМУ» методи.**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуросалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуросалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуроса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна:**

**Фикр:** “COVID-19 инфекциясида антибиотик ишлатилмаслиги керак”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

**S – (strength)**

- кучли томонлари

**W – (weakness)**

- заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunity)**

- имкониятлари

**T – (threat)**

- тўсиқлар

**Намуна:** Ҳамширалик жараёнининг таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Ҳамширалик жараёнининг кучли томонлари	Беморни сифатли парвариш билан таъминланади ва кучли назоратда бўлади
<b>W</b>	Ҳамширалик жараёнининг кучсиз томонлари	Беморни яқинлари доимо фаол бўла олмаслиги мумкин
<b>O</b>	Ҳамширалик жараёнининг имкониятлари (ички)	Бемор доимий дорилар билан даволанишдан халос бўлади, жисмоний чекланмайдилар
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Юридик хужжатга эга эмаслиги

### Кейс-стади методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>

<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил варианatlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимнинг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс.** Бемор миокард инфарктидан кейинги даврда парвариш қилинмоқда. Жойидан қимиrlамай бир неча хафта ётибди. Миокард инфаркти Билан оғриган bemorларнни жойидан жилдириш мумкинми?

**1-муаммо.** Бемор урнидан туриши мумкин эмас.

1. Махсус караватлар кандай роль ўйнайди?
2. Оғир bemorлар учун кулай шароит яратиб бериш шартми?
3. Ёток яралар олдини олишни режалаш.

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Бемордаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Беморда ётоқ яраларни олдини олиш бўйича тадбирлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### Венн Диаграммаси методи.


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар түрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшигилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **“НИМА УЧУН” ТЕХНИКАСИ**



### **III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **Модуль 1 “Олий ҳамширалиқ иши” йўналишининг ривожланиш босқичлари, моделлари, долзарб муаммолари”**

**1-мавзу: Ҳамширалиқ иши йўналишини ривожланиш босқичлари ва илғор хорижий тажрибалар.**

**Режа:**

1. Ҳамширалиқ иши фанининг ривожланиш босқичлари
2. Ҳамширалиқ иши йўналишининг асосчилари
3. Ҳамширалиқ ишида илғор хорижий тажрибалари
4. Ҳамширалиқ иши йўналишининг замонавий тизими.

**Калит сўзлар:** Ҳамширалиқ иши, парвариш, пациент, хамшира  
**Ҳамширалиқ иши йўналишини ривожланиш босқичлари.**

Ҳамширалиқ касбининг пайдо бўлиш тарихи қадим-қадим замонларга бориб такалади ва хамдардлик, гамхурлик, инсоннинг якин кишисига нисбатан мухабbat хисси каби инсоний туйғулар билан узвий боғлик бўлиб, бу хар бир даврда одамлар кулфат ва касалликка йўликканларида бир-бирига ўзаро ёрдам беришга ундаиди. Аммо, алоҳида ҳамширалиқ ишига оид таълимотини яратиш шарафи Флоренс Найтингейл (1820-1910) га мансубдир.

Ҳамширалиқ сузи чукур маънога эга булиб, лотинча «nutrix» «парвариш» маъносини англатади. Узбек лексиконида «бир онадан сут эмган» дегани, яни хар бир инсон учун у туғишган \_опава сингилдир!

Ҳамширалиқ ишининг вазифалари: Беморни парвариш килишни янги технологиялар асосида ташкил этиш. Бемор соглигини тиклаш билан бир каторда унинг асосий талабларини кондириш. Касалликларни олдини олишда фаол иштирок этиш.

Ҳамширалиқ ишининг максадлари: Инсон, оила хамда жамиятнинг физик, руҳий ва ижтимоий талабларини кондириш. Фавкулодда вазиятларга тайёрланиш ва унда иш олиб бориш. Ахолини биринчи ёрдамга укитиш. Халкаро хамкорликни ривожлантириш. Ҳамширалиқ ишида уз урнини топиш.

Утган воқеалар ёки авлодларимиз тарихини билиш, илгари булиб утган ходисалар мисолида хозирги хаётимизни тугри баҳолаш учун, қилинган хатоларни тақрорламаслик, хозирги кунда йук булиб кетган халк маданиятини урганиш учун.

**Ҳамшира касбининг ривожланиши 3 та даврга тафовут этилади.**

**Қадимги давр: Мисрда** – эрамиздан 1000 йил олдин тиббиётта илмий ёндошишган. Иудиялик аёллар кари ва улим тушагидаги беморларга ёрдамга келишган ва уларни парваришилашган.

**Грецияда** – греклар шахсий гигиена, жисмоний маданият, овкатланиш ва санитария сохасида етарлича илмий базага эга булганлар. Масалан: қадимий классик адабиётларида утк. Инф. Касалликларни эслатиб утган. Гиппократ даврида тиббиёт илми ривожланди.

**Ўрта аср давр:** Европа давлатида эрамизнинг 500 – 1500 йилида маданият тубдан узгарди. Одамлар бир бирорига ёмон муносабатда булишди. Инсонлар уз хаётини саклаш учун калья деворлари тагига йигилиб, санитар нормаларини бузишга олиб келдилар. Инсонлар хамма чикиндиларини шахар деворидан ташлаб, атроф мухитни ифлослантириди. Бунинг натижасида турли инфекцион касалликлар эпидемия булди.

**Хозирги замон даври:** 1831 йилдан бошлаб, Европанинг бир неча мамлакатларида хамширалик иши лойихаси амалга оширилди. Англиянинг юкори табакали вактила аёллари хамширалик ишини равнак топишига уз хиссаларини күшдилар.

**Хамшира фалсафаси мазмуни.** Демак, хамшира оддий ижрочи эмас. У тиббиёт жабхасида миллатимизнинг обруси ва маданиятини курсатувчи ва айни чогда, ута майсул шахсdir. Хамширалар орасида В.Хендерсон назарияси жуда машхур булган, унинг таъкидлашича, айрим шахслар, bemорлар ва соглом кишиларни парваришилаш хамширанинг асосий вазифасидир ва бу вазифа bemорнинг уз саломатлигига булган муносабатини баҳолашда етарли даражада куч, ирова хамда билимга эга булган холда уз соглигини мустахкамлаш учун bemорга узи бажара оладиган ишларни амалга оширишида ёрдам беришдан иборатдир. Д. Оремнинг хамширалик ишидаги назарияси. «Хамширалик ишида асосий эътибор эҳтиёжлар ва саломатлик, касаллик ёки жароҳатдан кейинги согайиш хамда асоратларни бартараф этишга каратиш лозим. Хамшира фаолиятининг максади bemорнинг уз – узига гамхурлик кила билишини куллаб – кувватлашдан иборат». Беморларни хонадонлар, шунингдек, шифохоналарда парвариш килиш вазифаси топширилган шахслар куп холларда bemорнинг шикоят ва талабларини касалликнинг ажралмас холатидир, деб хисоблашга одатланиб колганлар. Аслида эса, bemорларнинг шикоятлари ва инжикликлари бутунлай бошка сабабларга боғлик булади: жумладан, уларга ёргулик, хаво, иссиклик, тинчлик, тозалик этишмаслиги мумкин, овкат қунгилдагидай эмаслиги, сув ва овкатнинг уз вактида берилмаслиги халал беради, умуман, bemорнинг норозилиги доим унинг нотугри парвариш килинишидан келиб чикади. Бемор

атрофдагиларнинг билимсизликлари ва енгилтакликлари касаллик утиб кетишига энг катта тускинлик хисобланади, окибатда бу жараён узилиб колади ёки хар хил огриклар ва турли-туман хусусиятлар билан асоратланади. Масалан, агар тузалаётган бемор калтираш ёки иситмадан шикоят килса ёки овкат тановулидан сунг узини ёмон сезса, мабодо унда ёток яралар пайдо булган булса, буларнинг касалликка мутлако дахли йук, булар факат нотугри парвариш оқибатларида.

«Парвариш» сузи одамлар уйлаганидан кура анча чукур маънога эга. Кундалик хаётда парвариш килиш деганда, беморга дори бериш, ёстикларни тугирлаб куйиш, ханталлар, компресслар тайёрлаш ва куйиш каби харакатлар тушинилади. Аслида эса, парвариш килиш маъноси остида хамма гигиеник шартларини бажариш, согликни саклашнинг барча конун-коидаларига тула риоя килиш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш вактидаги ишлар буйича мавжуд булган хамма конунларни бажаришни тушиниш керак. Шу билан биргалиқда хонада тоза хаво бўлишини таъминлаш, чирок, иссиклик, тозалик, тинчлик, озик-овкат ва ичимликни тугри танлаш хакида кайгуриш хам тушинилади. Шу билан бирга касалликдан заифлашган вужуднинг кучларини тежаш энг ахамиятли иш эканлигинги бир дам хам унутмаслик лозим булади. Аксарият кишилар: «Хар бир аёл табиатан беморни парвариш килишга кодирир», деб хисоблайдилар. Вахолангки хатто малакали парвариш килувчиликнинг купчилиги хам беморни парвариш клишининг алифбосини билишмайди. Бу борада бувижонлар, холалар ва ойижонларга келсак, хамма ерда, хатто щкимишли оиласарда хам уларни айнан бемор парваришида жуда катта билимсизликларни яккол номоён этадилар – улар килиниши керак булган ишларнинг бутунлай тескарисини бажарадилар.


Аммо, хар доим хам айбини бутунлай беморларни парвариш киладиганларга агдариш нотугри булади; баъзида носоглом турар жойи ёки хона хам рационал парвариш килишга имкон колдирмайди. Шу сабабли хам роцианал парвариш килишга атрофдаги нохуш шарт-шароитларни бартараф килиш хам киради, чунки бу бизнинг ихтиёrimизга боғлик булади.

Шу ўринда ростдан хам беморнинг хамма азобларини бартараф килиш бизнинг иродамизга боғлик бўладими, деган савол тугилади. Бу саволга зинхор тасдик жавобини бериб булмайди. Факат бир нарса аникли, агар тугри парвариш йули Билан касалликни асоратлантирадиган шарт-шароитлар бартараф этилса, уни касаллик уз табиий йуналишида кечаверади, теварак-атрофдагиларнинг билимсизликлари, енгилтаклиги ёки хатолари туфайли юзага келган салбий, сұйний асорат, күшимча касалликлар бартараф этилади.

Бундан кейин оддий тилда айтиладиган «касалликка карши чора тадбирлар кабул килиш» (яъни дори-дармонлар билан даволаш) иборасини жиддий тадкик килиш керак бўлади. Агар врач беморга тоза хаво, покизалик ва бошқа шу кабиларни ёзиб берса, уни калака килиб: «Врач хеч нарса ёзиб бермайди», деган бўладилар. Аслида эса, дори-дармон килиш, сўний даволашдан умуман хеч качон яхши натижа кутиш керак эмас; аслида тугри, яъни гигиеник парвариш доимо, хеч сузсиз касалликнинг кечиши ва давомийлигига ижобий таъсир курсатади. Дори-дармонлар кабул килиш – бу иккинчи даражали ишдир, энг асосийси – тугри гигиеник шароит ва беморни окилона хамда мохирона парваришлашдир.

### **Ҳамширалик ишида илғор хорижий тажрибалари**

Ҳамширалик жараёни ва ҳамширалик парвариш тушунчалари бир биридан тубдан фарқ қиласди. Ҳамширалик парвариши модели кўпинча концепсуал деб ҳам юритилади. Чунки бу тушунча турлича концепциялар асосида яратилган. В. Райхл ва К. Рой уларни қўйидагида таърифлайди: «ҳамширалик амалиётига боғлиқ элементларнинг мантиқан боғланган, тизимли тузилган ва илмий асосланган тушунчадир». Ҳамширалик парвариш моделини тахлил қилсак?! Ҳамширалик парвариш модели ва автомобиллар модели ўртасида қандай умумийлик бор?! Суръатда чап томонда автомобил моделининг ҳамма автомобилларга хос умумий тавсифининг “Рамзий” тасвири схемаси берилиган бўлиб, ўнг томонда эса аниқ бир моделнинг, турлича номланишга эга ва ташқи қиёфаси ва двигателининг хажми жихатидан ҳам, эшикларининг сони жихатидан ҳам, юк ташишлик хусусиятидан ҳам бир биридан фарқ қилувчи аниқ бир моделлар тасвирланган.



**Автомобиллар модели ва ҳамширалик парвариш моделларининг  
анологлари**

Барча автомобилларнинг умумий белгилари бўлганидек, ҳамширалар парваришининг моделларининг ҳам умумий қоидалари мавжуд. Ҳар қайси моделнинг муаллифи турлича қарашларга эга:

- ҳамширалик фаолиятида пациент объект сифатида;
- пациентнинг муаммо манбаси;
- ҳамширалик ёндошувининг йўналиши;
- парвариш мақсади;
- ҳамширалик ёндошувининг усуллари;
- ҳамшира роли;
- самарани баҳолаш ва парвариш натижаси.

Ҳамширалик моделининг тавсифини ҳатточи XX асрнинг бошлари 70-йилларига қадар ҳам хориж адабиётларида аниқ ёритиб берилмаган.

Ҳозирги вақтда ҳамширалик ишида тузилма ва табиатга боғлиқ ягона ёндошув йўқ. **20** га яқин моделлар ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бирининг мазмuni давлатнинг иқтисодий

ривожланишига, сиёсатига, умумқабул қилинган таннархга, соғлиқни сақлаш тизимиға, динига, шунингдек аниқ бир инсонга ёки бўлмаса инсонлар гурухига, у ёки бу ишлаб чиқилган моделларга боғлиқ.

Амалдаги ҳамширалик моделларининг ривожланиши физиологии, социологии, психологии соҳасининг очилишига ва тадқиқотларига таъсир кўрсатди. Ҳар қайси моделнинг ядроси-ҳамширалик фаолияти обьекти пациент ҳисобланиб, парвариш мақсади ҳамширалик ёндашуви мажмуи ва ҳамширалик парваришининг натижаларини баҳолаш хусусияти тушунчаларини турлича бўлишидир.



**Пациент.** Ҳамширалик парвариши моделининг бири пациентни органлар анатомияси ва тизимлар физиологияси сифатида кўриб чикади. Бошка моделда эса пациент-бу, 14та фундаментал кунлик эҳтиёжга эга бўлган мустакил шаҳс. Таърифга бояланган ҳолда у ёки бу моделнинг мазмuni .ҳамширалик жараёни рамкасидаги бирламчи ҳамширалик баҳолаш ҳажми ўзгариб туради.

**Пациент муаммоларининг манбаи.** Айрим ҳамширалик моделларида пациент ҳолатини баҳолашда ва муаммолар манбайнин аниклаш томонларини турлича касб этади. Шунингдек, согликка даҳлдор муаммолар ҳамширалик парваришига бўлган талаблар турлича моделларда

фарктанади. Шундай килиб, битта моделда органлар функциясидаги ёки физиологик тизимдаги бузилишларга оид муаммолар акс этади. Бошкаларда эса муаммо манбаи бўлиб инсон ўзининг ҳулк атворини функционал ва структура жараёнига боғлаган ҳолда узгартирмайди. (модел Д.Жонсон). Айрим моделларида ҳамширалик жараёни шунчаки оддий кўриб чикилади; ҳамширалик ёндашуви муаммо ҳарактерини аниклайди. Бошкаларда бу мукаммалрок кўриб чикилади яъни қийин: муаммони аниқлаш- муаммо келиб чикиш сабабини муаммо кўринишини - ҳамширалик ёндашув ҳарактерини аниклайди.

Ҳамширалик ёндошувига йўналтирилган моделлардан бири у ёки бу симптомни (бўғилиш, йўтал, ич кетиш) аниқлашга қаратилган. Кўпинча бошқа моделлар билан ҳам жараёнини баҳолашда пациент муаммосини келиб чикиши ва мавжуд муаммоларни ечимида бошқа моделлар билан боғланган ҳолда олиб бориш мумкин. Ҳамширалик ёндашувига йўналтирилган умум қабул қилинган врач модели бўйича у ёки бу органларда ёки тизимдаги физиологик ўзгаришларни ўрганишда қўлланилади.

## **ХЕНДЕРСОН МОДЕЛИ**

Хендерсон модели 1960 йил АҚШда таклиф қилинган, кейин 1968 йилда тўлдирилган. Ҳамшираларга парвариш жараёнида кўпроқ эътиборни физиологик ҳолатга урғу беришни, камроқ руҳий ва ижтимоий эҳтиёжларга этибор қаратишни билдирган. Бироқ бу моделнинг шартига кўра – парвариш режасини тузиш ва амалга оширишда патсиентнинг ўзини иштироки таъминланиши шарт.

## **МИЖОЗНИНГ ҲАР КУНГИ КУНДАЛИК ҲАЁТ ЭҲТИЁЖЛАРИ**

- 1.Меърий нафас.
2. Этарли микдорда суюқлик ва овқат истемол қилиш.
3. Ҳаёт фаолиятига дахлдор бўлган чиқиндиларни ажратиш.(сийдик,ахлат.)
- 4.Керакли вазиятни қўллаш ва харакатланиш.
- 5.Ухлаш ва дам олиш.
- 6.Мустақил кийиниш ва эчиниш,кийим танлаш.
- 7.Тана хароратини бир маромда сақлаш , атроф мухитга хос кийим кийиш.
8. шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, Ташқи қиёфа хақида қайғуриш
- 9.Ўзининг хавфсизлигини тамиллаш ва бошқа инсонлар учун хав тукғдирмаслик.
- 10.Емоция, фикир билдириб бошқа инсонлар билан мулоктда бўлиш .
- 11.Ўз этиқодига кўра диний қарашларини номоён этиб туриш
12. Севимли иши билан шуғуланиш.
- 13.Хордик чиқариш, кўнгил очар ўйинларда иштирок этиш.

14. Нормал ривожланишда ёрдамлашиш, меҳр мухаббат билдириш.

**Пациент муаммолари манбаи.** В. Хендерсон ўз моделини ишлаб чиқишида Америкалик психолог А. Маслоунинг асосий инсон эхтиёжлари асослари иерархияси назариясига асослади.

### Эхтиёж афзалликлари нимага асосланган.

A. Маслоу бўйича инсоннинг асосий эхтиёжлари даражалари	B. Хендерсон бўйича ҳаётий ҳар кунги эхтиёжлари
<b>Биринчи даража</b> (физиологик эхтиёж)	Меёрий нафас олиш, этарли миқдорда суюқлик ва овқат истемол қилиш, ҳаёт фаолиятига дахлдор бўлган чиқиндиларни ажратиш.(сийдик, ахлат.), керакли вазиятни қўллаш ва ҳаракатланиш, ухлаш ва дам олиш.
<b>Иккинчи даража</b> (Хавфсизлик эхтиёжлари)	Мустақил кийиниш ва эчиниш, кийим танлаш, тана ҳароратини бир маромда сақлаш, атроф мухитга ҳос кийим кийиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ташқи қиёфа ҳақида қайғуриш, ўзининг ҳавфсизлигини таминлаш ва бошқа инсонлар учун ҳавф туғдирмаслик,
<b>Учинчи даража</b> (ижтимоий эхтиёж)	емотсия, фикр билдириб бошқа инсонлар билан мулокотда бўлиш, ўз этиқодига кўра диний қарашларини номоён этиб туриш
<b>Тўртинчи даража</b> (хурмат ва ўзаро хурмат эхтиёжи)	Севимли иши билан шуғуланиш, ҳордик чиқариш, кўнгил очар ўйинларда иштирок этиш, нормал ривожланишда ёрдамлашиш, меҳр мухаббат билдириш

А. Маслоу бўйича эхтиёжларни В.Хендерсон даражаларга ажратиб чиқди. 20 асрнинг 60 йиллари ўртасида ҳамширалик парвариши модели ишлаб чиқилганида АҚШ да ҳамширалар фаолияти чегараланган бўлиб, айнан инсон эхтиёжлари унчалик аҳамият касб этмас эди ( НАНДА моделига кўра шимолий Америка ҳамширалари 80 йиллар охирига келиб, ҳамма даражадаги эхтиёжларни қамраб олган) ҳамширалик ёндошувини талаб этадиган муаммолар инсон касал бўлганда, ёш гўдакларда ёки қари ёшда ўзига ўзи ёрдам қўрсата олмайдиган ҳолатларда юзага келади. В. Хендерсон таъкидлашича инсоннинг кунлик эхтиёжлари, унинг темпераменти ва эмоционал ҳолатига қараб ўзгарувчан бўлади. Масалан: қўрқув ва безовталикни ҳис қилганда одам ёмон ухлайди ва иштахаси йўқолади. Кекса одам яқин инсонини йўқотганда муомилага қийин

киришади. Тушкун кайфиятда бўлади, агарда уни кийинтириб овқатлантириб сухбатлашиб ўтирадиган одами ўша йўқотган яқин инсони бўлганида. Инсоннинг физиологик ва интелектуал имконияти ҳам ўзининг фундаментал эҳтиёжларига тасир кўрсатади.

Д. Орем модели (1971) инсонни бир бутун деб кўриб чиқади. У ўз ўзига парвариш кўрсатиш принципига асосланган. Д. Орем таърифига кўра «Одамлар ҳаётни сақлаш бўйича, саломатлик ва камчиликсиз саломатликни амалга ошириш учун мустақил ҳаракатини бошлайдилар». Ушбу моделда инсон шахсий саломатлигига жиддий эътибор беришига ургу берилган. Бироқ, ҳамширалик ёндошуви бунда турли шикастланишларни ва касалликларни олдини олишга ўқитишга қаратилганлиги билан бошқа моделлардан фарқ қиласди. Катталар, авваламбор ўзларига таяниб ва саломатлигини сақлаб, уларнинг қарамоғидагилари учун муайян жавобгар бўлиши керак.

Д. Орем, модели ўз-ўзини асраш учун мотивга эга бўлган ягона функционал тизимdir. Одам соғлом ёки касаллигидан қатъий назар, ўз-ўзини асрайдиган, унинг имкониятлари ва ўз-ўзини сақлаш эҳтиёжлари мувозанатларини бажарадиган бўлиши керак.

#### **Д. Орем ўз-ўзини парваришилаш эҳтиёжларини уч гурухларини белгилайди:**

Универсал:

- етарли ҳаво қабул қилиш;
- етарли суюқликларни қабул қилиш;
- етарли озиқ-овқат қабул қилиш;
- Бу жараён билан боғлиқ етарли ва эҳтиёжларини ажратиш имконияти;
- Фаолияти ва дам олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш;
- Бошқа одамларнинг жамоасида ёлғизлик мувозанати;
- Ҳаёт учун хавф-огоҳлантириш, нормал ҳаёт, фаровонлик;
- Индивидуал қобилиятлари ва чекловларга қараб, муайян ижтимоий гурухга риоя қилиш истагини уйғотиш.

Ҳар бир киши учун ҳар 8 универсал эҳтиёжларини қондириш даражаси ҳар хил бўлади. Бу эҳтиёжларга таъсир қилувчи омиллар. ёши, жинси, ривожланиш, соғлиқни сақлаш босқичи, маданият даражаси, ижтимоий муҳит, молиявий имкониятлар: Соғлом киши бу қўп қиррали эҳтиёжларини қондириш учун етарлича ўзини-ўзи сақлаш имкониятига эга.

**Д. Орем модели бўйича ўз-ўзини парвариш қилиш тамоили Ривожлантириши (болалигидан қарилкгача ва ҳомиладорлик пайтида) босқичига оид талаблар.** Бу эҳтиёжлар, қоида тариқасида, таълим ва тарбия учун жавобгар бўлган барча катталарга тавсия этилади.

*Ирсий түгма ва орттирилган касалликлар ва жароҳатлар оқибатида соглиқни сақлаш муаммолари билан бөглиқ талаблар.* Бу гурухда, бузилишлар уч күриништа ажратилған:

- Анатомик ўзгаришлар (масалан, оғир шиш, күйган);
- Функционал физиологик ўзгаришлар (масалан нафас қисилиши);
- Хулқ ёки кундалик турмуш одатлардаги ўзгаришлар (масалан, лоқайдлик, уйқусизлик, кескин кайфият ўзгаришлар түйгүси).

Агар инсон бу муаммоларни енгса, умумий мувозанат сақланиб қолинади. Демак, у ғамхұрлыкка муҳтож әмас.

**Беморнинг муаммолар манбаи.** Агар пациент (ёки унинг яқин қариндошлари) ўз-ўзини сақлаш ва ўз-ўзини сақлаш эхтиёжлари учун ва эхтиёжлари ўртасида мувозанат сақлаш имкониятлари очиб олмасақ, ҳамширалиқ парвариши учун эхтиёж бор бўлади. Шу билан бир вақтда Д. Орем bemorning ўз яқинлари ва дўстлари фаол иштирокида амалга ошириладиган ёрдам деб ҳисоблайди.

**Ҳамширалиқ ёндошувларининг йўналтирилганлиги.** Ҳамширалиқ аралашуви ўз-ўзига парвариш кўрсата олмаса ва унинг сабабларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак. Тақчиллик сабабларига билим ва ўз-ўзига парвариш кўрсатишга доир алоҳида ҳаракатларни амалга ошира олмаслик ёки иложи йўқлиги бўлиши мумкин. Ушбу моделнинг муаллифи ўзини-ўзи парваришлиш даражасини ва босқичини ривожлантириш учун bemorning ўтган ҳаёт тажрибасини ҳам боғлайди. Д. Орем парвариш масаласини ечиш учун ҳамширалиқ ёндошувини зарурлигини ҳал қилиш керак деб ҳисоблайди:

- Ўз-ўзини парваришлиш учун bemorning талаб даражасини аниқлаш;
- бир кишининг хавфсиз ҳолда ўз-ўзини парваришлиши ва бу талабларни қондириш имконияти баҳоланади;
- Келажакда ўз-ўзига ғамхұрлик қила олиши баҳоланади.

Муаллиф фақат ўз-ўзини парваришлиш учун bemorning талабларини ва имкониятларни баҳолабгина, парваришлиш ишларини режалаштириш ҳақида қарор қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

**Парвариши мақсади.** Қисқа муддатли, оралиқ ва узоқ муддатли мақсадлар (ёки уларнинг комбинасияси) bemorga йўналтирилган бўлиши керак. Бу ҳолда bemor билан нафақат парвариши мақсади муҳокама қилинади, балки ҳамширалиқ ёндошуви ҳам режаланади.

**Ҳамширалиқ ёндошуви.** Ҳамширалиқ ёндошуви ўз-ўзини парваришлиш имкониятларининг кенг кўламда йўналганлиги бўлиши мумкин, шунингдек у эхтиёж даражалари ҳам ўзгариши мумкин. Д. Орем бу ўзгаришларни соғайиш, тикланиш деб атаган.

## **Д. Орем ҳамширалик ёндошувини 6 та усулга ажратган:**

- Бемор учун бир нима қилиш;
- Беморни бошқариш, унинг ҳаракатларини йўналтириш;
- Жисмоний қўллаб-қувватлаш;
- Психологик қўллаб-қувватлаш;
- Ўз-ўзини парваришилаш учун шароитлар яратиш;
- Беморни (ёки унинг қариндошларини) ўқитиши.

Д. Орем ёрдам беришнинг бу 6 йўлини таклиф қиласр экан, bemor ўз-ўзини парвариш қилишни ҳоҳласа, у ёки бу рол ўйнаса ва бунга ҳаракат қилса, ҳамширалик ёрдамини қабул қилишга тайёр бўлганлидан далолат деб тақидлайди. Бундан ташқари, муаллиф **учта ҳамширалик ёрдами тизимини белгилайди**:

**Тўлиқ қопланадиган** – бу bemor хушсиз ҳолатда ёки унга ҳаракатланиш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

**Вақтинча қопланадиган** – вақтинча ёки қисман соғлигини йўқотганда ўз-ўзини парвариш қилишни амалга оширишда қўлланилади.

**Маслаҳат (Ўргатувчи)** - ўз-ўзини парвариш қилиш кўникмаларини ўзлаштириш зарур бўлганда қўлланилади.

**Парвариш натижалари ва сифатини баҳолаш.** Д. Орем парвариш натижалари ва сифатини баҳолашни ўтказишидан олдин аввало bemor имконияти нуқтаи назаридан ва унинг оила аъзолари томонидан ўз-ўзини парвариш қилиш кўникмаларини амалга ошириш имкониятлари инобатга олиниши кераклиги тақидланган. Ҳаттоқи, ўз-ўзини парвариш қилишнинг тўлиқ қопланадиган тизими вақтинча қопланадиган тизимга ўтиб кетган ҳолда ҳам ҳамширалик ёндошувини самарали бўлиши мумкин.

**Ҳамшираларнинг роли.** Модел муаллифи ҳамширани bemorni ўз-ўзини парвариш қилишга дават этувчи қўшимча ёки тўлдирувчи сифатида белгилайди. Ҳамширалик ёндошуви инсонга саломатлигини сақлаб қолиш учун ёки касаллик асоратларини энгиш имконини беради.

Д. Орем моделини ҳамширалик жараёнида қолланилиши ҳар қандай соглом ёки ҳаста одамга ўз-ўзини парвариш қилиш эҳтиёжи ва уни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги мувозанатни сақлашни ўргатади.

Касалланиш ёки шикастланиш даврида ҳамшира bemor билан бирга ўз-ўзини парвариш қилиш бўйича терапевтик зарурий чоралар ишлаб чиқади.

Ҳамшира bemorni эҳтиёjlари ва ўз ўзини парвариш қилиш бўйича имкониятларини бирламчи баҳолашда ўз ўзини парвариш қилишда терапевтик интизомини кузатиб, эҳтиёж ва имконият мутаносиблигни аниқлайди. ДПМ ларда bemor ҳолатини бирламчи кўруви ўтказилаётган вақтнинг ўзидаёқ ҳамширалик ёрдами керакми ёки йўқлиги аниқланади.

Масалан, агар беморнинг сон суягини сингани учун гипсланган бемор бир қанча муддат қўлтиқ таёксиз юра олмайди, демак ўзгалар ёрдамисиз харакати чекланганлиги хақида ҳамшира тахмин қилиши мумкин.

Бу ҳолатда айрим универсал эҳтиёжлар ва беморнинг ўз ўзини парвариш қилиш (фаол харакат, хожатга чиқолмаслик, чўмила олмаслик) имконияти ўртасида мувозанат бузилган ва у ҳамширилик ёрдамига муҳтож. Бошқа ҳолат, 8 ёшли болалар инфексияси билан оғриган қизчани ахволини баҳолашда ҳамшира шуни аниқладики, унинг онаси қизчани ўз ўзини парвариш қилиш эҳтиёжини (қизчани иссиқ кийинтириш, ётоқ режими қизча учун мухимлигини, кўпроқ суюқлик бериш кераклигини она билмайди) қондира олмас экан. Ушбу ҳолатда онанинг болани парвариш қилиш бўйича имконияти ва талаби ўртасида мувозанат бузилганлигини кўришимиз мумкин.

### **Пациент ва ҳамширалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик**

Нима учун бемор ўз- ўзини парвариш қила олмаётганини аниқлаш учун яна қўшимча маълумот топлаши лозим. Кўрик, кузатув ва сухбат сабабини ўрганишга ёрдам беради: билим ва қўникмани етишмовчилиги, ўзини тутишни чегаралангандиги, жамият ва маданий меъёрлар ва бошқалар.

Ўрта ёшли инсон мисолида ўз ўзини парваришлашнинг етишмовчилиги, баъзи бир билимларнинг етишмовчилиги, унинг тузалиши ва ахволининг яхшиланишига, ўз ўзини парваришлашнинг тикланишига ёрдам беради. Иккинчидан, бемор қизнинг онаси ҳаммасини тўғри қила олишига ишончсизлиги ёки унга билимнинг етишмаслиги қизига ёрдам беришда ишончсизликга олиб келади.

**Ҳамширилик парваришини режалаш.** Беморни ўз-ўзини парваришлашдан ҳамширилик парвариши режалаштирилади. Мисол қилиб, режалаштирилган ҳамширилик аралашувини қисман комперсирашган ва ўрганувчи система режалаштирилади. Ўрта ёшли инсон ўз-ўзини универсал эҳтиёжларини, нафас олиши, озиқланиш, суюқлик истемоли қондира олади. Лекин, уни харакатланишда ёрдамга эҳтиёж сезади. Ҳамшира унинг қайта шикасланишини олдини олиш мақсадида ҳавфсиз харакатланишини режалаштиради. Кейинги навбатда ҳамшира консультатив аралашув ҳамда онага бола парваришини ўргатади.

**Ҳамширилик аралашуви.** Ҳар қандай ҳолатда ҳамширилик аралашуви мақсади имконият ва ўз-ўзига парваришга эҳтиёжни мувозанатга келтиришдан иборат. Биринчи навбатда, бемор ҳамшира унинг кийимларини алмаштиришга эҳтиёж сезади. Бир вақтни ўзида ҳамшира унинг ҳавфсизлигини таминлаши керак. Кейинги навбатда, ҳамшира бемор

онасига касалликни қандай кечаётганини ва болани ахволини энгиллаштирадиган ишлар рўйхатини ўргатиши керак. Она болани руҳий қўллаб қувватлаши ахволи яхшиланишида ёрдам беради.

### **Ҳамширалиқ парваришини самарадорлигини баҳолаш.**

Ҳамширалиқ парваришини баҳолаш учун бемор ахволида эришилган натижалар ҳисобга олинади. Баҳолаш bemор мустақил, ҳеч кимнинг ёрдамисиз юра олса ижобий бўлади. Яна онаси қизнинг ҳамширалиқ парваришидан мамнун бўлса самарадор дейишимиз мумкин. Шундай қилиб, имконият ва эҳтиёжлат ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишга эришилса ҳамширалиқ парваришини эффектив дейишимиз мумкин.

### **Ҳамширалиқ иши йўналишининг замонавий тизими**

Юртимиз тиббиёт муассасаларида 320 минг нафарга яқин ҳамшира фаолият юритмоқда. Улар соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларда меҳнат қиласапти.

Жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, республикамизда олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналиши жорий этилди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимини малакали мутахассислар билан таъминлаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. 1999 йилдан бошлаб давлатимизда Олий ҳамширалиқ иши буйича мутахассислар тайерланиб келмокда. Ҳозирги кунгача Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа тиббиёт институтларининг “Олий ҳамширалиқ иши” бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ҳамда менежмент йўналишлари буйича уч минг нафардан зиёд олий маълумотли бакалавр-ҳамширалар тайёрланди, 80 нафарга яқин талаба эса –магистрлик даражасига эришди. Тиббий ходимларни касбий малакасини ривожлантириш Маркази кошида Ҳамширалиқ иши кафедраси ташкил этилди. Ушбу кафедрада республика ДПМда иш юритиб келаетган Олий маълумотли ҳамширалар малакаларини ошириб келмокда. Шу кунга кадар ушбу йўналиш буйича 2 фан номзоди ва 2 (PhD) фалсафа доктори тайёрланди.

### **Назорат саволлари**

- 1.Ҳамшира касбининг ривожланиш даврлари?
2. Ҳамширалиқ моделлари орқали нимага эришамиз?
3. Ҳамширалиқ парвариш моделларидан қайси бири қўпроқ учрайди?
4. Ҳамширалиқ иши йўналишининг замонавий тизими

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Разикова И.С. «Терапияда ҳамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “Zuhra baraka biznes”МСНБ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Ахмедова Д.И., Тахирова Р.Н., Грунина О.С., Грунина И.И. Ҳамширалик иши. Т. 2015.
4. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
5. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
6. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада ҳамширалик иши. Т. 2016.
7. Orziyev Z. Hamshiralik ishi jarayonida bemorlarni tekshirish usullari. Т. 2010.

**Интернет сайтлар:**[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

### **2-мавзу:“Олий ҳамширалик иши” йўналишини ривожлантириш дастури ва истиқболлари.**

#### **Режа:**

1. “Ҳамширалик иши” йўналишининг долзарб муамоллари
2. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик ишининг ўрни
3. Ўзбекистонда тиббиёт олийгоҳларида “Олий маълумотли ҳамшира” факултетини ўрни
4. Республикада “Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар ассоциацияси”нинг ташкил этилиши ва тиббиёт амалиётини кенг кўламда йўлга қўйилиши.
5. Тиббий таълим тизими ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалик иши йўналишининг ривожланиш истиқболлари.

**Калит сўзлар:** Соғлиқни сақлаш, Ҳамширалик иши, Олий маълумотли ҳамшира

Ҳамширалик иши дегани бу — аввалом бор давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва географик жойлашуви билан боғлиқ мавжуд соғлиқни сақлаш тизими ва унинг ривожланиш даражасига нисбатан функционал мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳамшираларнинг, тиббиёт ходимлари ва жамоанинг ҳамширалик ишига муносабати ва инсон шахсий дунёқарашининг йигиндисидир. 1980- йилларда ЖССТнинг эксперtlари «Ҳамширалик иши» тушунчасига қуидагича таъриф беришган: «Ҳамширалик иши — бу инсонлар ўртасидаги муносабатнинг амалиётидир, тиббий ҳамшира эса, ҳар бир bemorni индивидуал шахс сифатида ўрганиб,

касаллик туфайли уларда юзага келган эҳтиёжларни аниқлай билиши лозим».

1859- йилда ушбу йўналишнинг асосчиси Флоренс Найтингейл ўзининг машҳур «Беморлар парвариши тўғрисидаги ёзувлар» китобида ҳамширалар ишига қуидагича таъриф берган: «Ҳамширалик иши — bemorни қуршаб турган муҳитни, унинг соғайиши йўлида қоллаш учун йўналтирилган ҳаракатидир. Ҳамширанинг вазифаси bemorga шундай шароит яратиб беришдан иборатки, бунда табиат ўзининг даволовчи қудратини намоён қилсин».

Агар шифокор ўз амалий фаолиятида, даволаш иши, барча билим ва ҳаракатларини маълум бир bemornинг аниқ бир касаллигини даволашга қаратса. Ҳамшираларнинг эътиборлари касалликдан қўра кўпроқ bemorga ёки одамлар гурухига, жамоага, оиласа қаратилган бўлиб, аҳоли соғлиги билан боғлиқ бўлган муаммо ва еҳтиёжларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлади ва шу билан уларнинг фаолияти шифокорлар фаолиятидан ажралиб туради.

Жамоада ҳамширалик иши фанининг ривожланишига Викториан давридаги энг маълумотли ва ноёб шахслардан бири, кўзга кўринган инглиз ҳамшираси Ф.Найтингейл (1820-1910) катта хисса қўшган. Инсон табиати ҳақидаги ўзининг чукур ва кўп томонлами билимларини у bemorларни парваришлаш амалиётларида қўллаган, уни ҳамширалик ишига айлантирган ҳамда буни назарий билимлар ва илмий принципларга асосланган касб даражасигача олиб чиқа олган.

Найтингейл ўз ғояларини касбий тайёргарлик ва илмий услублардан фойдаланиш, ҳарбий тиббий шифохоналарни ташкил қилиш ва тузиш соҳаларида ривожлантириди. Унинг қарашлари ва маслаҳатлари ҳамширалар касби ҳақидаги жамоатчиликнинг фикри ва тасаввурини қатъий ўзгартирган ҳолда, кўп мамлакатлардаги тиббиёт ҳамширалари орасида кенг тарқалган ва тан олинган. Ўз кузатувларини Флоренс Найтингейл 150 та памфлест (брошюра), 6 та китоб ва 13 мингдан кўпроқ мактубларида ёзib қолдирган.

Ф.Найтингейлнинг асосий мероси ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган асари „Беморлар парвариши ҳақида қайдлар” китобидир, у 1860-йилда нашр етилган ва шу вақтгача дунёning ўнлаб тилларига таржима қилинган.

Найтингейл ўзининг ушбу амалий қўлланмасида „Ҳар бир аёл болалар ва катталарни уларнинг соғлик ва bemorлик дамларида янада яхшироқ парвариш қилишни ўрганиши шарт”, деб ёzádi. Найтингейл ушбу асрни ёзганда у ўқув қуроли ўрнини егаллаши тўғрисида ўйламаган, лекин шунга

қарамасдан бу китоб асосида кўплаб юқори малакали тиббиёт ҳамширалари йетишиб чиқди ва шаклланди.

„Қайдлар" китоби бутун Европа бўйлаб тезда тарқалиб кетди. Ушбу китоб чиқсан йилнинг ўзидаёқ Италянча таржимаси бир вақтнинг ўзида Турин, Милан ва Флоренсияда нашр қилинган.

Рус тилига В.Д.Волфсон 1905-йилда инглиз тилидаги нашрдан таржима қилган ва у „Беморларни қандай парвариш қилиш керак?" деб аталган.

Бугунги қунда, замонавий илм - фан нуқтайи назаридан қараганда Ф.Найтингейлнинг бундан қарийб бир ярим аср олдин ёзилган бу китоби худди содда асадек туюлади. Шундай бўлса-да уни ўқир екансиз, муаллифминг иқтидори, кузатувчанлиги, зийраклиги ва ўз ишига фидойилигини кўриб, ҳайратга тушасиз.

Халқаро ҳамширалар кенгаши томонидан 1971-йилдан бошлаб, 12-май Флоренс Найтингейл тугилган куни муносабати билан унинг хотираси учун „Ҳамширалар куни" деб эълон қилинди. Айнан Найтингейлнинг замонида ҳам бир нечта поғонани босиб ўтган бу соҳа бугунга келиб анча ривожланди.

Америкалик ҳамшира, ўқитувчи ва тадқиқотчи Вирджиния Хендерсон 1958 йилда Ҳалқаро ҳамширалар кенгаши илтимосига кўра “Беморни парвариш қилиш асослари” тўғрисида китоб ёзган. Ушбу китоб 25 тилга таржима қилинган, унда муаллиф ҳамширалик иши тушунчасига ўз таърифини бериб ўтган. Вирджиния Хендерсон ҳамширанинг асосий вазифаси касал ёки соғлом шаҳсга ўз соғлигини сақлаб қолишига бор кучини, билимини ва иродасини ишга солган ҳолда ёрдам беришдан иборатдир деб тақидлаган. Ушбу ҳамширалик иши асосчилари томонидан ҳамсиралик ишига берган таърифи ҳозирги кунгача ўз долзарблигини ёқотмаган.

Ўзбекистонлик ҳалқимиз, шу жумладан, „Қизил ярим ой" жамиятининг 17 мингта аъзоси уруш йиллари фронт орқасидаги ярадорларга, 4 мингта ҳамшираси ва сандружиначиси эса бевосита фронтдаги жангчиларга ёрдам қўрсатдилар. Улардан кўплари мардлик ва қаҳрамонликлари учун орден ҳамда медаллар билан тақдирландилар. Ўзбек ҳамширалари Рихси Мўминова, Салима Кубанова, Матлуба Ешонхўжайевалар Ҳалқаро „Қизил Хоч"нинг олий мукофоти „Флоренс Найтингейл" медалига сазовор бўлганликлари бунинг яққол далилидир. Урушдан кейинги даврда ана шу мукофот меҳр - шафқат ҳамшираси, Самарқандлик Антонина Пихтейевага ҳам берилган еди.

Республикамизнинг мустақиллигидан кейин Президентимиз И.А.Каримов томонидан ушбу соҳага катта эътибор қаратилганлигини

тиббиёт олийгоҳларида „Олий маълумотли ҳамшира" факултети очилиши мисолида кўришимиз мумкин. Бундан кўзланган мақсад ҳамширалик ишини янада чуқурроқ такомиллаштириш ва тиббиёт соҳасида олий даражадаги билимларга эга бўлган кадрларни етказиб беришдан иборатdir.

2007-йил 19 сентябрдаги давлатимиз раҳбарининг „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уну ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони ва соғлиқни сақлаш тизимидағи барча ислоҳотлар тиббиёт соҳасининг янада ривожланишига кенг йўл очиб берди, бу ҳамширалар учун катта имконият демакдир.

Мустақилликка эришгандан кейин республикамида тиббиёт соҳасида ҳамширалик ишига эътибор кучайтирилиб борилмоқда, уларнинг чет давлатларда ўтказилаётган анжуманларда иштирок етиши ва малакаларини ошириши, тиббиёт институтларида олий маълумотли ҳамширалик иши бўлимларининг очилиши, Республикада Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар ассоциациясининг ташкил етиши, тиббиёт амалиётини кенг кўлламда йўлга қўйилиши тиббий таълим тизимини ислоҳ қилишни тақозо етади. Республикада ҳамширалик ишини ривожлантириш, Ўрта тиббиёт ходимларининг назарий ва амалий билим, гоявий ва умум маданий даражасини кўтаришга кўмаклашиш, уларнинг амалий ишларни ташкил етишининг сифат даражасини ошириш мақсадида Ўрта тиббиёт ходимларидан иборат ҳамширалар маслаҳат кенгаши тузилган.

Мустақил ҳамкорлик давлатлари ҳамшираларининг „Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳоти, биринчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш ва ҳамширалик иши" бўйича халқаро йиғилишининг Ўзбекистонда ўтказилиши, бу соҳада эришилган ютуқлардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида Жамоада ҳамширалик иши алоҳида ўринга эга.

1999-йил май ойида Ўзбекистон Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари ассоциациясига 50 мингга яқин Ўрта тиббиёт ходимлари аъзо бўлиб, уюшма вилоятларда ўзининг бўлимларини очди. У йил давомида 10 дан зиёд семинарлар ўтказиб, ҳисбот бюлтенлари ва амалий қўлланмалар жорий етди. Қисқа вақт ичиде ассоциация халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиб, халқаро ҳамширалар кенгашига аъзо бўлди. 1999-йил Лондонда ўтказилган халқаро ҳамширалар кенгашининг 100 йиллигига бағишланган семинар-кенгашда Ўзбекистондан ҳам вакиллар иштирок етди.

Ҳамширалик ишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида тезис дастури орқали Истроил давлати ҳамшираларининг иш тажрибалари, ўқув жараёнларини ўрганиш учун жорий йилнинг ноябр ойида Республика курслари ташкил етилди. Ҳамширалик ишини сифат жиҳатидан яхшилаш,

кўп мутахассисликка эга бўлган ҳамширалар сафини кенгайтириш мақсадида Ўрта Осиё давлатларининг мувофиқлаштирувчи кенгашни тузилди. Ўзбекистондан 7 нафар тажрибали ҳамшира кенгашга аъзо бўлиб кирди. У 2001-йилда Ўзбекистонда йиғилиб ўз иш фаолиятини республикамиизда давом еттирди.

Жамоада ҳамширалик иши бўйича ўtkазилган анжуманларда ҳамширалик ассоциацияси аъзолари Америка, Англия ва Япония давлатларида иштирок етиб, уларнинг иш фаолияти билан танишиб қайтдилар. Ва ортириб келган тажрибалари, кўрган билганлари бўйича вилоятлардаги бош мутахассисларни чақириб бир неча марта ўкув семинарлари ўtkаздилар.

1999-йилнинг сентябр ойида Бишкеқда бўлиб ўтган Ўрта тиббиёт ходимларининг семинарида Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг Жамоада ҳамширалик иши бўйича вакиллари иштирок етишди. Ушбу анжуманнинг асосий мақсади ҳамширалик ишидаги, биринчи тиббий санитария ёрдамидаги ислоҳотлар, олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш, ҳамширалар мавқейини кўтариш учун ҳамширалик ишлари бўйича муовинлик вазифаларини киритиш, Ўрта тиббий ва доришунос ходимлар ассоциациясининг фаолиятини кучайтириш, малакали ҳамширалар тайёрлашга эътиборни жалб қилиш оиласидан ҳамширалар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилди. Семинарда Ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича деклорация қабул қилинди.

Олмата шаҳрида эса 2-4 феврал 2000-йилда Жамоада ҳамширалик иши бўйича Ўрта Осиё мамлакатларини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган еди. Ушбу кенгашда Ўрта Осиё давлатлари ҳамширалари Ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, ҳамширалик хизматида ташкилотчилик ишларини йўлга қўйиш, фан янгиликларини кенг жорий қилиш, Жамоада ҳамширалик иши бўйича муаллимлар тайёрлаш, ҳамшираларнинг миллий жамоатчилик бирлашмалари ассоциациялари Ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш енг асосий вазифа еканлиги алоҳида уқдирилиб, шу вазифалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди.

2001-йил феврал ойида Тошкентда ўtkазилган анжуманда „Оила ҳамшираси“ни тайёрлаш - масаласи кўрилди. 2002-йил 23-26 апрел кунлари Олмата шаҳрида „Ўрта Осиё республикаларида бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳамшираси“ мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Жамоада ҳамширалик иши бўйича Ўрта Осиё мамлакатларини мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари, халқаро экспертлар ва Жамоада ҳамширалик иши бўйича америкалик мутахассислар, Ўрта Осиё тиббиёт

коллежлари директорлари, тиббиёт билим юрти ва соғлиқни сақлаш ходимлари иштирок этдилар. Бунда энг асосий масала сифатида Ўрта Осиё республикаларида оила ҳамшираларини тайёрлаш ишлари ўрганиб чиқилди. Шу мақсадда, Ўрта Осиё Республикаларида „Ҳамширалик иши“ дастури асосида „Оила ҳамшираси“ қўлланмасини ишлаб чиқиш ва оила ҳамшираларини тайёрловчи ўқув курсларини ташкил қилиш режалаштирилди. Ушбу анжуманнинг асосий вазифалари қуйидагилар эди:

- Ўрта Осиёни оила ҳамшираларини тайёрловчи худудга айлантириш;
- мавжуд масала юзасидан тажриба алмашиш;
- мутахассислар ёрдамида оила ҳамширасини тайёрлаш борасида зарур ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;
- оила ҳамшираларини тайёрлаш ва ҳамширалар малакасини ошириш учун 10 ойлик курсларни ташкил қилиш марказларини очиш.

Ҳамширалик иши фани соғлиқни сақлаш жараёнида ҳамширалар ўрнини ўрганувчи фандир. У асосан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қариялар саломатлигини ҳимоя қилиш, репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлиги, атроф муҳитнинг саломатликка таъсири, иш жойида инсонлар саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда аҳоли ўртасида тарқалаётган юқумли ва бошқа касалликларни бартараф этиш каби қуйидаги муаммоларни ўрганади.

1. Касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини таъминлаш.
2. Оиласий поликлиникалар (ОП), қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) лар ва бошқа муассасаларда аёллар, айниқса туғиши қобилиятига ега бўлган аёллар, саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларда учрайдиган екстрагенитал касалликларнинг олдини олиш.
3. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар соғлигини ҳимоя қилиш ва болаларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда касалликларнинг олдини олиш, профилактик емлашлар, улар саломатлигидаги муаммоларда ҳамширалик жараёнлари.
4. Катталар ва қарияларнинг ўзига хос руҳий ва жисмоний хусусиятлари, улар саломатлигидаги муаммолар ва уларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.
5. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишчилар учун маҳсус тиббий хизматни ташкиллаштириш, касбга алоқадор касалликлар ва уларнинг олдини олиш.
6. Аҳолининг руҳий саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш.
7. Жамоада юқумли касалликлар клиникаси, тарқалиш йўллари ва уларга қарши курашиш чора - тадбирларида ҳамширанинг вазифалари.

8. Фавқулодда вазиятлар келиб чиқишининг омиллари, манбалари, сабаблари ва уларда ёрдам кўрсатиш турлари, фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш.

### **Назорат саволлари**

1. «Ҳамширалик иши» тушунчасига таъриф беринг?
2. Ҳамширалик иши йўналишнинг асосчиси?
3. Ўзбекистонда тиббиёт олийгоҳларида „Олий маълумотли ҳамшира“ факултети қачон очилди?

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда ҳамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “Зуҳра барака бизнес” МСҲЖ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Ахмедова Д.И., Тахирова Р.Н., Грунина О.С., Грунина И.И. Ҳамширалик иши. Т. 2015.
4. Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
5. Маматқулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
6. Маматқулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада ҳамширалик иши. Т. 2016.
7. Орзийев З. Ҳамширалик иши жараёнида bemorlarни текшириш усуслари. Т. 2010.

**Интернет сайтлар:** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

### **З-мавзу: “Олий ҳамширалик иши” йўналишида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш**

1. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш илмий ишланмаларнинг иқтисодий самарасини ўрганиш
2. Ҳамширалик иши йўналиши бўйича таълим илм-фан ва илмий-услубий янгилик ва ютуқларни ўрганиш
3. Ҳамширалик соҳаси бўйича илмий текширишлар ахамияти
4. Илмий текшириш ишлари асосий тузилмаси
5. Тиббий таълим тизими ислоҳ қилиниши ва олий ҳамширалик иши йўналишининг ривожланиш истиқболлари.

## **Калит сўзлар:** илмий-тадқиқот иши, ҳамширалиқ иши,

Соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг тиббий хизматларга эҳтиёжларини қондириш учун соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бўлган ҳамширалиқ иши мутахассисларининг профессионал даражада етуклигига, тиббий хизмат сифатининг ошишида касбий маҳорати ва маданияти даражасига боғлиқ. Ҳозирги вақтда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида бирламчи тиббий-санитар ёрдамни, мижозларнинг терминал ҳолатларида ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва уйда ёрдам кўрсатиш хажмини кенгайтириш, тиббий муассасаларни реструктизация қилиш каби ўзгаришлар олиб борилмоқда. Олиб борилаётган барча тадбирлар аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга, касалликларни профилактикасига, аҳолини гигиеник ўқитиш ва тарбиялашга, реабилитацион тадбирлар босқичлари, шакллари ва тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Замонавий шароитда соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг ишини такомиллаштиришда юқоридаги вазифаларни ечишимиз учун, тиббиёт ишчилари орасида “энг катта армия”ни ташкил этувчи тиббиёт ҳамширалари ролини оширишмасдан буни амалга ошириб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда врач ёрдамчиси қўшимча вазифаларни бажарувчи тиббиёт ҳамшираси фаолиятига нисбатан муносабат ўзгарди. Кичик тиббиёт ходими вазифасидан ҳамширалиқ амалиёти вазифаси озод қилинади. Касбга бўлган эътибор ошди. Ҳозирги вақтда тиббиёт ҳамшираси беморнинг асосий муаммолини аниқлади, ташҳис қўяди, обектив ва субектив малумотларни йигади, bemor аҳволини баҳолайди ва bemорни парвариш қилиш режасини тузади. Буларнинг барчаси bemор саломатлиги муаммолини ўз вақтида аниқлашга ва bemорни тўғри парваришашибни ташкил қилишга ёрдам беради. Тиббиёт ҳамшираси статусини ўзgartирмасдан, профессионал фаолияти чегарасини кенгайтирмасдан, тиббиёт ҳамшираси ва шифокорларнинг рационал мажбуриятларини тақсимламасдан жамиятни сифатли тиббий ёрдамга бўлган еҳтиёжини қониқтириш имконияти йўқ. Сифатли янги даражадаги касбий фаолиятига эга бўлган тиббиёт ҳамширасини тайёрлаш, ҳамширалиқ иши мутахассисларининг талим тизимини такомиллаштириш ва малакасини оширишни талаб этади. Ҳар бир соҳанинг асосий вазифаси касбий фаолиятни яхшилашдан иборат, бунда истемолчига тақдим этилаётган хизмат максимал даражада самарали бўлиши керак. Касбий маҳоратини доимий юксалтиришга интилиш учун, амалий фаолиятга асос бўлиб хизмат

қилувчи илмий асосланган билимлар базасини ҳар доим ривожлантиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳамширалик ишини тубдан ўзгартериш, замонавий ҳамширалик ёрдамини кўрсатишда барча соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳар хил тоифадаги мижозлар билан ишловчи турли соҳадаги тиббиёт ҳамшираларининг иш фаолиятидаги кучли ва заиф томонларини аниқ таҳлил қилмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бу мураккаб вазифани амалга ошириш учун, ҳамширалик ишини ижтимоий ва касбий статусини, касбий амалиёт асосини ташкил етувчи илмий билимлар базаси яратилиши шарт. Бу ҳамширалик иши ўзининг илмий – текшириш базасига эга бўлиши кераклигидан далолат беради. Ҳамширалик ишида илмий текширишлар бошқа соҳалардаги каби, касбий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида илмий асосланган ҳаққоний малумотларни олиш усули ҳисобланади. Айнан илмий текширишлар тиббиёт ҳамшираларининг саводхонлиги ва касбий маҳоратини оширишга ёрдам беради. Бошқа давлат тажрибаларининг кўрсатишича, ҳамширалик текшириши тарихининг ривожланиш давомийлиги, ўрта тиббиёт ишчилари томонидан ўтказилган сифатли илмий текшириш ва улардан амалий фаолиятида олинган натижалардан тўғри фойдаланиш зарурлиги, турли даражадаги мутахассисларнинг илмий текширишларни олиб бориш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги билимлар базасига ега бўлиши такидлаб ўтилди. Ҳозирги замонавий жамиятда тиббий ёрдамни инсонларга кўрсатиш тиббий ходимларнинг имтиёзи емас, балки хукуқи ҳисобланади. Соғлиқни сақлашда сарф-харажатларнинг ошиши билан, мижозлар турли мутахассисларнинг тиббий ёрдам кўрсатишга қўшаётган ҳиссасаларига кўпроқ қизиқишимоқда. Бу қизиқишининг ошиши замонавий мутахассислардан самараси паст хизматлардан воз кечиб, келажакда самарали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишни талаб етади.

Амалий фаолияти давомида вужудга келадиган муаммоларни ечишга илмий ёндошувларни қўллаш, ходимларни бошқариш самарадорлигини, продуктив касбий фаолиятидаги ҳамширалик иши мутахассисларининг мотивацияси ва ўзини-ўзи ривожлантириш имконини беради. Шунинг учун “Илмий ҳамширалик текшириши” тушунчаси жамиятнинг замонавий ривожланиш босқичида мутахассислар орасида баҳс ва ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқармайди.

Ўзбекистонда ҳамширалик соҳаси бўйича илмий текширишлар – соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг янги ва муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бизнинг Республикамизда, қўпгина бошқа давлатлар сингари, ҳамширалик касбининг асоси бўлиб, унинг ривожланишига тиббиёт ҳамширасининг касбий фаолияти мазмуни ва ҳамширалик иши

фундаментал илмий базасини яратиш билан боғлиқ. Олий малумотли тиббиёт ҳамширалари институтига бу амалиётни киритиш, шу соҳадаги мутахассисларга ўз соҳаси бўйича илмий текширишлар олиб боришига, касалхона ва поликлиникаларда ишлашга, коллеж ва олий ўқув юртларида дарс бериш имкониятини беради. Ҳамширалик иши соҳасида замонавий текширишишларини олиб бориш шахсдан юқори билим ва малакани талаб этади. Ундан ўз соҳаси бўйича чуқур билимнигина эмас балки, илмий текширишлар ўтказиш техникаси, усуллари ва олинган малумотларни қайта ишлашни билишни ҳам талаб этади.

Ҳамширалик иши – бу касб, илм, фан ва масулият. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳамширалик иши тиббий ёрдам қўрсатиш сифатини оширувчи асосий ресурслардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳамшира ходимлар фаолиятини илмий асосланган базасини яратиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим. Илмий текширишлар - маълум шароитларда кузатув ва интерпритациялар натижасида аниқ таҳлил қоидаларига асосланиб олинган малумотларнинг назария ва гипотезаларини текширишdir.

Ҳамширалик ишида илмий текшириш, бошқа соҳалар каби ҳамшираларнинг бошқарув ва клиник муаммоларини тизимли ўрганиш жараёни бўлиб, янги илмий ҳаққоний маълумотларни олиш асосида мижозларга ёрдам қўрсатиш ва муаммоли вазиятларни ечиш, шунингдек ўзининг касбий фаолиятини мукаммаллаштириш ётади.

Ҳамширалик ишининг тарихи кўп асрлик изланишларни ўз ичига олади. Бир қатор тиббий-тарихий ишларни ўрганишда, ҳамширалик иши тиббийётдан ҳам ва цивилизациядан ҳам олдин пайдо бўлган деган хуласа вужудга келади. Кўпчилик тиббиёт тарихчиларининг фикрича, тош, бронза даврларида археологик қазилмалардан топилган маълумотларга асосланиб, ўша даврдаги кўпчилик (синган-чиққан, яралар ва ритуал трепанациялар) билан оғриган беморлар оналар, қариндош ва tengdoшлари томонидан кўрсатилган парвариши натижаси сабабли тирик қолишган. Одамзот ривожланишининг барча ривожланиши даврида, турли тсивилизатсияларда аёллар беморлар ва ярадорларни парвариш қилишган, уларни дяконисслар деб аташган (диаконеин ингл."тосерве"- хизматқўрсатиш). Бевалар ва монахинялар – бу аёллар черков томонидан хизмат кўрсатувчилар бўлган, Ўрта асрларда Европа мамлакатларида касалхоналарда беморларга ёрдам кўрсатувчи аёллар бегинъялар (бегуинаэ) дейилиб, бу аёллар беморларни парвариш қилиш билан бир қаторда патронаж хизмат ҳам кўрсата бошладилар.

Католик рухоний Винсент де Паулсоз Францияда 1633 йил “Рахмдил (шавқатли) ҳамшира медали” ни таъсис қилди, медалда келиб чиқиши аристократ бўлган бева аёл, Луиза де Граснинг расми ҳам тасвирланган. Бу аёл касалхонада bemорларни парвариш қилишда ҳамшира ходимларини тайёрлаш учун ўқув дастурини ёзган биринчи ҳамширалардан ҳисобланади. Ҳамширилик ишининг келгуси ривожланишига Англияда Флоренс Найтингейл (1820-1910) оламшумул ҳисса қўшди. Бу аёл ўзининг уруш ва тинчлик даврларида ҳамширилик амалиётидаги хизматлари билан бойитди. Ўзининг бой маҳоратларини “Госпитал ҳақида қайдномалар”, “Зангори китоб” ва “Ҳамширилик иши ҳақида қайдномалар” каби асарларида ёритиб берди. Бу асарларда санитария фани ва госпитал иши боғлиқликлари; ҳарбий санитария ва тиббий йўқотиш профилактикаси; ҳамширилик иши тарифи бўйича (беморнинг соқайишига қаратилган чора-тадбирлар); саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қартилган профилактик йўналишлар; каби муҳим мавзулар ёритиб берилган. Флоренс Найтингейл биринчи бўлиб ҳамширилик ишини икки соҳага ажратди. Беморларни парвариш қилиш–касаллик туфайли қийналаётган bemорнинг яшаши учун ёрдам бериш. Соғломларни парвариш қилиш – касал бўлмаслик учун шахснинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш. Тарихда биринчи бўлиб у ҳамширилик иши чегарасида муаммоли масалаларни илмий усуслар орқали бартараф этиш қўлланилди ва бу касбни эгаллашда маҳсус билим кераклиги ҳақида фикрлар айтилди. Шу сабабли Флоренс Найтингейл ҳамширилик иши ташкилотида илмий текшириш асосчиси ҳисобланади. Европа ва Шарқий Америка давлатларида ҳамширилик иши келгусида юксалиш иш уни яққол намоён қилдики, ҳамшираларни нафақат ҳамширилик мактабларида юқори даражада ўқитиш, балки олий тиббиёт мактабларида илмий асосланган базаларини яратиш кераклигини кўрсатиб берди. 1907 йилда Мария Аделаида Наттинг дунёда биринчи бўлиб, ҳамширилик соҳаси бўйича профессор унвонини олди ва Колумбия (АҚШ) университетининг администратор ва ўқитувчи ҳамшираларни тайёрловчи ўқитувчилар коллежи ҳамширилик иши кафедраси профессори лавозимини эгаллади. Ҳамширилик ҳаракати лидерлари жамиятга ҳамширилик касбий фаолияти нафақат мануал кўникумларга, балки бошқарув хусусиятларини ва лицензиялашни ҳам биладиган ҳамширалар керак эканлигини такидлайди. Биринчи жаҳон уруши тутагандан кейин 1920 йилларда ҳамшира-менежерларни тайёрлашга йўналтирилган биринчи дастур пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб бу дастур асосан замонавий био тиббий технологиялар учун хизмат қила бошлади. Айниқса, АҚШда ҳамширалар орасида илмий-текширишишларини олиб бориш ҳаракати ривожланиб кетди. Бу ҳаракат

1952 йили «Нурсинг Ресеарч» номли илмий журнал чоп этилгандан бошлаб юксалиб борди. Бу журналда тиббиёт ҳамшираларининг изланишлари натижасида олинган маълумотлар ёритилар эди.

1970 йилларга келиб АҚШда бундай журналлар сони 200 тага етди. Бу давр мобайнида ўрта тиббиёт ходимлари орасида 2000 киши тиббиёт фанлари номзоди даражасини олдилар, 1973 йилда эса “Миллий ҳамширалик фанлари академияси” ташкил этилди. Академиянинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш ва ҳамширалик иши соҳасидаги муаммоларни ечиш ва ўрганишдан иборат эди. Ҳамширалик фанининг ривожланишига ўзининг хизматлари билан ҳисса қўшган ўттиз олти нафар текширувчи ҳамшира ассоциацияси директорлиги кенгашига азо қилиб сайландилар. Европа давлатларида меҳнат муҳофазаси ва уларни тайёрлаш соҳасидаги эришилган ютуқларга, ҳамширалик иши соҳасида ҳамшираларнинг илмий-текшириш ишларини ривожлантиришни олиб боришда хуқуқларини кенгайтириш борасидаги ишларга қарамасдан, ушбу касб эгаларига нисбатан врачлар ва жамият муносабатлари эскилигича тўхтаб қолди. 50-80 йиллардаги даврни Дороти Холл (ҳамширалик иши ва акушерлик соҳаси бўйича ЖССТ маслаҳатчиси) аниқ, обектив таҳлил қилди ва баҳолади. Дунёнинг турли мамлакатларидаги ҳамширалик иши бўйича кўпгина текширувчилар орасида Д.Холл номи касбий маҳорати бўйича юқори авторитетга эга бўлган шахслар қаторига киради. Ушбу эксперт фикрича, кўрсатилган вақт давомида ҳамширалар потенциалидан нотўғри фойдаланилганлиги ва ушбу касбга нисбатан беэътибор муносабатда бўлинганлиги учун соғлиқни сақлаш ривожланишига аҳамиятли даражада таъсир қилмади. Д.Холл фикрича, шифокорлар ҳамшираларни керакли воситалардан ва имкониятлардан мустақил фойдаланишига, ушбу соҳа бўйича тегишли текширишлар олиб бориш ва янада юқорироқ малумот олишларига тўсқинлик қилишган. Бу вақтда ҳамшираларнинг ўзи “врачларнинг ёрдамчиси” сифатида ўзларини кўрсатишга имкон берди, лекин бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилишмади. Шундай қилиб, жамият ва бошқа тиббиёт ходимларининг кўзига улар “яrim тиббий ишчилар” сифатида гавдаланади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ривожланган мамлакатларда замонавий соғлиқни сақлашда ҳамширалик ишининг ривожланиш босқичлари ва эришган ютуқлари (малумот, илмий-текшириш, менежмент, педиатрияда, гериатрияда, онкологияда, психиатрияда, коммунал соқлиқни сақлашда ва б.к ҳамширалик иши)да ҳамширалик фани соҳасида илмий даражаси бор мутахассислар томонидан бажарилган кўп сонли монография ва

диссертацияларда ўз аксини топди. Шулардан кўпчиллиги даврий илмий нашриётларда чоп этилади.

Шундай кўзга кўринган даврий нашриётлардан бири 1966 йил баҳоридан буён ҳар кварталда чиқадиган «Интернационал Нурсинг Индех» (Халқаро ҳамширалик кўрсаткичи) бўлиб, бунда ҳамширалик иши бўйича дунёдаги турли тилларда нашр қилинадиган барча мақолалар тўлиқ акс эттирилган каталогдан иборат. Ҳар кварталда чоп этиладиган илмий-амалий “Ҳамшира” журналида олий ва ўрта махсус тиббиёт муассаларида ишловчи тиббиёт ҳамшираларининг илмий текшириш амалий фаолияти натижалари ўз аксини топган. Ўзбекистонда ҳамширалик иши ва илмий текшириш соҳасининг ривожланиш ўз тарихига эга. СССР мавжудлиги йилларида Ўзбекистон ва бошқа республикаларда ўрта тиббий таълим мактаб типидаги фельдшерлик, фельдшер-акушерлик, доялар мактаби, курслари ва Қизил Ҳож жамияти қошидаги бир йиллик массаж курси, раҳмдил ҳамшира тайёрлаш мактаби тизимиға эга бўлган. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳар бир республикада ҳамшира, фелдшер ва акушерка ходимлари билан таъминланиши етарли даражадан анча кўп эди. Аммо, ислоҳатлар асосан касб номенклатуроси ва таълимга тааллуқли бўлган, ўрта тиббий ходимларга эса шифокор ёрдамчиси сифатида муносабатда бўлинган, уларнинг мустақи лилмий текшириш ишларини олиб бориш имкорниятлари чекланган. 1979 йил СССРда Халқаро Мехнат Ташкилоти Конвенциясининг (МОТ) №149 «Ҳамшира ходимлар тўғрисида» хужжат жорий қилинди. Бу хужжатда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамшираларнинг аҳамияти ва уларнинг ролини, ҳамшиralар ҳақида замонавий йўрикнома ва меъёрлар таклиф қилинган ва уларга халқаро тус берилган. 1987 йил “2000 йилгача ва ўни ккинчи беш йилликда СССР соғлиқни сақлашни қайта қуриш ва аҳоли саломатлиги муҳофазасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” тўғрисида №1318 фармойиши қабул қилинди. “Соғлиқни сақлашнинг таянч звеноси” ҳамширалар, фелдшерлар ва акушеркаларнинг роли аҳамиятли эканлиги белгиланди. 1989 йилда ўрта маълумотли тиббиёт мутахассисларининг мустақил иш фаолияти ҳажмини ва вазифаларини кенгайтириш, уларнинг юридик статусини қайта кўриб чиқиш тиббиёт билим юртлари ўқитувчилари ва ҳамширалик хизмати раҳбарлари учун олий малумотли ҳамшираларни тайёрлаш талимини киритиш ҳақидаги савол кўриб чиқилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи қунларидан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимиning барча соҳаларини мукаммаллаштириш катта эътибор қаратилди.

Соғлиқни сақлаш тизимиning янги тиббий ёрдам кўрсатиш тамойилига ўтиш, оиласиий поликлиниканинг ривожланиши, аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий ходимларни, жумладан тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш мукаммаллаштирилди. 1995 йил Ўзбекистонда ЖССТ вакиллари иштирокида

бош тиббиёт ҳамшираларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда ҳамширалик иши мёрий – ҳуқуқий базасини қайта ишлаб чиқищдаги, шунингдек ўрта звено ходимларининг касбий тузилмасини, ҳар даражага вазифаларини белгилаб бериш, талим тизимини ислоҳ қилиш кераклигини, ҳамширалик хизмати стандартларини яратишга доир тегишли саволлар кўриб чиқилди.

Мустақил Ўзбекистонда ҳамширалик иши соҳасида илмий текширишларнинг ривожланиши мамлакатимиз президентининг №УП 2107 “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш тўғрисидаги давлат дастури” фармони (1998 йил ноябр) билан боғлиқ. Бу дастурда асосий эътибор профилактик тиббиётга ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, соғлиқни сақлашнинг бирламчи звеносини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга, юқори малакали тиббий кадрлар, жумладан умумий амалиёт ҳамшираларини тайёрлашга қаратилган. Бу фармонга мувофиқ Республикаиздаги Тиббиёт олийгоҳларида ойлй малумотли ҳамшираларни таёrlаш бўлимлари очилди. Шунингдек олий тиббий талим тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш (“Ҳамширалик иши” мутахасислиги доирасида) 1999 йилдан буён олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш тизимида олий ҳамширалик талими факултети битирудувчилари эгаллайдиган лавозимлар ажратилди, талим дастури мазмуни ва тизими қайта кўриб чиқилди.

Олий малумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашдан асосий мақсад - соғлиқни сақлаш тармоқларини замонавий ҳамширалик технологиялари асосида ҳамшира ходимларни ўқитиш ва бошқариш ишларини олиб борувчи мутахасислар билан таминлашдан иборат. Янги даражадаги сифатли ҳамширалик хизматига бўлган эҳтиёж ҳамшираларга талим беришдаги, ҳамширалик фаолияти бошқаруви тизимида, шунингдек ҳамширалик илмий текшириш ишларидаги ўзгаришларга узлуксиз боғлиқ.

Ҳамширалик талими ислоҳотида тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш кўп даражали тизим яратишга олиб келди: тиббиёт коллежларида ва олий тиббиёт муассаларида юқори даражали олий ҳамширалик талимини олиш. Ўзбекистондаги ҳамкасларига ҳамширалик иши бўйича дунё мамлакатлари тажрибаларини ўргатиш учун, бўлимлар ишига ва тиббиёт ҳамшираси мавқенини оширишга ЖССТ ва бошқа Япония, Истроил, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Корея каби мамлакатларнинг халқаро ташкилотлари молиявий ва интеллектуал жиҳатдан катта ёрдам кўрсатишиди. Халқаро тажрибаларга мувофиқ илмий ва ўқув марказлари атрофида ҳамширалик илми ва амалиёти соҳасида янги қоялар ва дастурларни қайта ишлаб чиқиш бошланди. Халқаро стандартга мувофиқ малакавий талаблар, тиббиёт ҳамширалари талимининг ўқув дастурлари халқаро маслаҳатчилар ҳамкорлигида кўриб чиқилди (2011 й). Шунга мувофиқ равишда олий тиббиёт ҳамширалари иши мутахасисларининг ўқув режасига қуидаги фанлар киритилди: инсоният

ривожланиши, жамиятда ҳамширалик иши, клиник эпидемиология, илмий текшириш ишлар асослари ва исботли тиббиёт. Бу соҳадаги билимларни билмасдан замонавий тиббиёт ҳамшираси фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистонда замонавий соқлиқни сақлаш тизимида малакали тиббиёт ҳамшираси тез ўзгарувчи вазиятларни аниқ ва равshan бошқарадиган тажрибали коммуникатор бўлиши керак. Аниқ фактлар ва текширишларга, билим даражаси ва кўнікмаларга асосланиб ўзининг амалий иш фаолияти давомида қарор қабул қилиши керак. Ҳамширалик ишида ислоҳотларни ҳаётга тадбик қилиш учун Ўзбекистонда “Тиббиёт ҳамширалари ассоциацияси” ташкил қилинди. Бу айниқса давлат тили ўзбек тилида ҳар хил қўлланмалар чоп этиш, илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш, ҳамширалик хизматида стратегияларни ишлаб чиқиша катта роль ўйнайди.

Ассоциация олдига қўйилган бошқа вазифалар орасида ислоҳот ва стратегик ривожланишни қайта ишлаб чиқиши: ҳамширалик хизматида узлуксиз ҳамширалик маълумоти, ҳамширалик иши соҳасида илмий-текшириш йўналишларини олиб бориш ҳисобланади. Охирги йилларда Ўзбекистонда даволаш муассасалари ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлимларининг бош ҳамширалари соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, аҳоли орасида касалликлар профилактикаси, касалхона ичи инфектсияси профилактикаси, қонуний ва меъёрий хужжатларга ўзгаришлар киритишни таҳлил қилиш каби бир қатор илмий-амалий конференцияларда фаол қатнашдилар. Касалхона ва амбулатор муассасалари ҳамширалик амалиётини таҳлил қилиш натижасида стандарт қўлланмалари ва даволаш тавсиялари ишлаб чиқилмоқда, бу каби тавсиялар ҳамширалик иш фаолиятига ратсионал ёндашишни талаб этади. Бу ҳамшираларга илмий таҳлилни талаб этувчи муаммони аниқлаш, текшириш натижаларини амалиётда қўллаш ва баҳолаш имкониятини ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб “Ҳамшира” илмий амалий журнали чоп этила бошлади. Журналда соқлиқни сақлаш амалиётидаги ишловчи тиббиёт ҳамшираларининг илмий текшириш амалий фаолияти натижалари акс эттирилади.

Ўзбекистонда Олий малумотли ҳамшира факултети ташкил топган даврларда 3000 тага яқин бакалаврлар битирди, ҳамширалик иши соҳасида номзодлик диссертацияларини 4 киши ёқлади. 2013 йилда ОАҚ томонидан докторлик диссертациясини ёқлаш учун 14.00.23 - «Ҳамширалик ишини ташкил этиш» мутахасислик йўналиши тасдиқланди. Бу Ўзбекистонда ҳамширалик иши соҳаси фаолиятида илмий текшириш ишларининг ролини ошириш жамиятда тиббиёт ҳамширалари мавқеини ва ҳамширалик иши ривожланишига катта этибор берилаётганидан далолат беради.

Ҳамширалиқ илмий-текшириш ишларининг умумий мақсади – ҳамширлик фаолияти учун долзарб бўлган муаммоларни ечиш ёки саволларга жавоб бериш ҳисобланади. (Лоиселле ет ал., 2004). Шуни назарда тутиб қуидаги мақсадлар қўйилди:

- ҳамширалиқ назариясини ривожлантириш;
- «ҳамширалиқ парвариши» феномен тушунчаси;
- касбга содиқлик ва масулият руҳида тарбиялаш;
- малумотларга асосланиб парвариш бўйича қарор қабул қилиш
- алоҳида ҳамширалиқ муолажалари натижаларини самарасини исботлаш;
- ҳамширалиқ парвариши стандартларини мукаммаллаштириш;
- назария ва амалиёт орасида боғлиқликни ўрнатиш;
- аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва яхшилаш учун янги профилактик тадбирларни ўtkазиш усулларини топиш;
- ҳамширалиқ ишини касб сифатида ривожлантириш;

Илмий текшириш ишлари вазифалари:

- турли мутахасисликдаги ҳамширалиқ фаолиятининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш
- ҳамшира ходимлар фаолиятини ташкил қилишни мукаммаллаштириш
- ҳамширалиқ малумотини турли даражада мукаммаллаштириш

Илмий текшириш ишлари асосий тузилмасини ҳамширалиқ жараёни ташкил этади:

- мижоз аҳволини баҳолаш
- ҳамшира ташҳисини қўйиш
- режалаштириш
- парваришини амалга ошириш
- натижаларни баҳолаш

Шундай қилиб, ҳамширалиқ ишида илмий текшириш - бошқа соҳалар каби ҳамшираларнинг бошқарув ва клиник муаммоларини тизимли ўрганиш жараёни бўлиб, янги илмий ҳаққоний малумотларни олиш асосида мижозларга ёрдам қўрсатиш ва муаммоли вазиятларни ечиш, Ўзбекистонда келажакда ҳамширалиқ иши фаолиятини мукаммаллаштириш ҳисобланади. Ҳамширалиқ ишида бундай текширишларни ўтказишнинг якуний мақсади ҳамширалиқ амалиёти сифатини ошириш ҳисобланади.

Ҳамширалиқ ишида илмий текшириш ишлари ҳақида умумий тушунча XX асрнинг муҳим вазифаларидан бири, ҳамширалиқ ишида аҳолига сифатли ва самарали ҳамширалиқ ёрдамини қўрсатишга эришиш ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга ошириш, ҳамширалиқ ишини ижтимоий ва касбий статусини қўтариш учун ҳамширалиқ амалиётининг касбий асосини ташкил этувчи илмий билимлар базасини яратиш зарур.

Ҳамширалик ишида илмий текширишлар – бу касбий соҳадаги ривожланишидаги янги бир йўналиш ҳисобланади.

Илм фан–бу инсоннинг касбий фаолияти соҳасидир. Инсоният ривожланиши давомида илм олиш бутун жамиятнинг ва ҳар бир инсоннинг эҳтиёжи ҳисобланади. Ҳар қандай илмий ишнинг мақсади – янги билим ва тажрибани эгаллаш ҳисобланади. Айнан илмий текширишлар жараёни натижасида воқелик ҳақидаги обектив билимлар назарий тизимлаштирилади ва ишлаб чиқилади. Бироқ, фақат янги билим олишгина эмас, балки унга мантиқий илмий асосланган, исботланган тарзда тушунча бериш, назарий ёки амалий жиҳатдан ҳамда, илгари номалум бўлган ҳодиса ва жараёнларни келажакда аниқлаш лозим.

Шундай қилиб, илм-фанни учта асосий аспектга ажратишимииз мумкин:

- 1) Илм – фани ижтимоий институт сифатида (олимлар жамияти, илмий муассасалар мажмуи ва илмий хизматлар тузилмаси);
- 2) илм-фан натижа сифатида (илмий билимлар);
- 3) илм-фан жараён сифатида (илмий фаолият).

Мавжуд бўлган тажрибаларни таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидағи сифатий ўзгаришлар ҳамширалик текширишлари (мижозлар қониқишининг ошиши, касалхонада ётиш муддатининг қисқариши, асоратлар сонининг камайиши ва б.к) натижаларини даволаш муассасалари амалиётiga киритиш билан боғлиқ. Ҳамширалик ишида текширишларнинг ривожланиши қўпчилик мамлакатларда ҳамшираларни академик тайёрланиши билан боғлиқ. Текшириш –англаш фаолияти тури бўлиб, номаълум ёки камдан – кам маълум бўлган ҳодиса ва фактларни ўрганиш мақсадида бирон-бир нарса тўғрисида янги ахборотни олишдан иборат. Бошқа томондан қараганда, турли соҳа фаолиятидаги касбий ривожланиш инсонни текшириш – амалий самарадорлик элементи деб тушунишига олиб келади. Бундай ҳолатларда бу нафақат илмий фаолият билан боғлиқ, балки маҳорати, маълумоти ва санъати даражаси ошишига боғлиқ. Юқоридагиларга асосланиб

“Текшириш” тушунчасини қўйидагича тарифлашимиз мумкин. Текшириш — бу инсоннинг фаолият тури бўлиб: муаммо ва вазиятни англаш, уларнинг келиб чиқишини, хусусиятини, мазмунини, қонунийтлар кўринишини ва ривожланишини, йиғилган билимлар тизимидағи муаммоларнинг жойлашган ўрнини, ушбу муаммо ҳақидаги янги тасаввур ёки билимларни амалиётда қўллаш ва муаммоларни бартараф этишдан иборат.

Ҳамширалик илмий текшириши- бу клиник ёки бошқарув муаммоларини

ўрганувчи, тиббиёт ҳамширлари ўтказилувчи муаммоли вазиятларни ҳал қилиш ёки мижозларга ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун янги ахборотлар олишга ҳаракат қилишга қаратилган тизимли жараён. Бундай текширишларни ўтказишнинг якуний мақсади ҳамширалик амалиёти сифатини ошириш ҳисобланади.

Барча ўтказилган ҳамширалик текширишларини фундаментал (назарий) ва амалий текширишларга ажратиш мумкин. Фундаментал текширишлар ҳамширалик ишининг назарий асосларини ривожлантиришга йўналтирилган. Текширишнинг бу тури клиник муаммоларни бирпасда ҳал қилиш учун эмас, балки тасдиқланган касбий билмиларни илмий базасини кенгайтириш учун ўтказилади. Фундаментал текширишлар натижалари амалий фаолиятга бирданига киритилмайди, улар ҳамширалик ишини назарий асосларини ривожлантириш учун қўлланилади. Амалий текширишлар ҳамширалик амалиётида долзарб муаммоларни ечиш учун ўтказилади. Бундай текшириш мақсадига мижоз муаммосини ҳал қилишга ёрдам берадиган ҳамширанинг илмий асосланган ҳаракати ҳисобланади. Масалан, терминал ҳолатидаги ўсма касаллиги билан оғриган беморнинг оқриқини самарали бошқаришнинг турли усулларини солиштириш, қариялар уйида мижозларнинг ҳаёт сифатини ўрганиш ва б.к. Ҳамширалик ишида олиб бориладиган кўпгина илмий текширишларни амалий тоифага киритишимиз мумкин.

Ҳамширалик ишида текширишларнинг ривожланиши кўпчилик мамлакатларда ҳамшираларни академик тайёрланиши билан боғлиқ. Малумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш учун қўлланиладиган мақсад ва усуллар нуқтаи назаридан, текширишларни сифатий ва миқдорий текширишларга ажратилади. Миқдорий текширишлар, ҳодисалар орасида сабаб ва оқибат боғлиқликни аниқлашга қаратилган. Текширишнинг бу тури текширувчи-медиклар орасида ҳаққонийлиги ва обективлиги учун кенг қўлланилади, тадқиқот қаттиқ назорат шароитида ўтказилади, йиғилган миқдорий малумотлар статистик қайта ишланади. «Миқдорий усул» бу “илмий усул” термини синоними ҳисобланади. Сифатий текширишларда ўрганилаётган объектга натуралистик ёндошиш қўлланилади. Сифатий текширишни ўтказувчи мутахасис нарсаларни табиий кўринишдаги ҳолатини ўрганади, ўрганилаётган феноменнинг (ҳодиса, воқеа ёки шахснинг бошидан кечирган ҳолати) моҳиятини тушунишга ҳаракат қиласи. Сифатий текширишларда эмперик материалларни йиғишнинг кўпгина усуллари: тасвиrlаш ва вазиятни таҳлил қилиш ва шахсий малака, кузатиш ва ўзини кузатиш, ҳаётини тасвиrlаш ва интервью, визуал материаллар таҳлили, қундалик ҳаётини аксини ва инсон ҳаётидаги кескин

лаҳзалар ва уларнинг аҳамияти қўлланилади. Сифатий текширишда мутахасисс ўзи ёки образлар ҳақида маълумотлар йигади. Йигилган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларининг холосаси астасекин специфик ҳолатидан умумий, тоифали, тушунчасига ўтилади. Сифатий текширишлар жараёни ва натижалари интервьюлардан цитаталарни қўшиб ишонарли ва аниқ тилда, текшириш давомида йигилган материаллар асосида тасвиранади.

Текшириш иштирокчилари билан давомли вақтда мулоқотда бўлиш имконияти бўлганлиги учун, уларнинг кечинмаларини ва ҳиссиётларини тушуниб феноменнинг бутун бир кўринишини яратишимиш мумкин.. Бу тур текшириш натижалари умумий комплексли малумотларни жамлаб, миқдорий текширишлар учун малумотлар базасини шакллантиради. Сифатий текширишларни ўтказаётган тиббиёт ҳамшираси, ўрганилаётган феноменнинг моҳиятини (воқеа, ҳодиса ёки инсоннинг бошидан кечирган ҳолатлари) тушунишга харакат қиласи, предметларни табиий кўриниш ҳолича ўрганади.

Турли текширишларда ҳамшираларнинг иштирок етиш даражаси ва аҳамияти турлича. Бази в азиятларда ҳамширалар пассив иштирокчилар ролида қатнашади – ҳамширалик текшириши истемолчилари сифатида, улар илмий иш натижалари билан танишишади бу уларнинг амалий фаолиятида асқотиши ва касбий маҳоратини оширишда муҳимсаналади. Бошка вазиятларда эса, улар илмий текшириш ўтказиш ва қайта таҳлил қилишда фаол бажарувчилар ролида иштирок етишадилар. Бундан ташқари, текширишлардан олинган охирги малумотлар натижаларини муҳокама қилишда, илмий докладларда аниқ клиник шароитларда олинган текшириш натижаларини қўллаш имкониятини баҳолашда, ахборот йиғишда ва бошка тадбирларда иштирок етишади.

Ҳамширалик ишида турли йўналишларда текширишлар ўтказилади. Буларга қўйидаги йўналишлар киради: бўлажак ҳамшираларнинг шахсий ҳолати ва хусусияти бўйича текшириш; ҳамшираларнинг амалий фаолиятидаги хусусиятлари ва шахсий сифатлари ҳақида; ҳамширанинг иш сифатидан мижозларнинг қониқишини ўрганиш бўйича; соғлиқни сақлаш ходимларининг саломатлик ҳолатини ўрганиш бўйича; методологик аспектлар фаолияти бўйича; тиббиёт ҳамшираларининг иш вақтидан самарали фойдаланишини ўрганиш; турли патологиядаги мижозларга руҳий ёрдам бериш хусусиятларини таҳлили; касалхона даволаш бўлимининг ҳамширалик хизмати фаолиятининг обектив кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини ўрганиш ва б.к.

Шундай қилиб, илмий текширишларга ҳамшираларнинг иштироқи учун

етарли имкониятлар мавжуд. Бундай иштирок натижасида ҳамширалик амалиёти юксалади ва ахолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ошади, шунингдек ҳамширалик касбига бўлган ишонч янада ортади. Бироқ замонавий амалий текширишларни олиб борадиган мутахассисдан юқори билим ва кўникмани талаб етади. Ўрганаётган муаммо соҳасида чуқур билимга, текширишни ўтказиш методи ва техникасидан тўғри фойдаланишни билиши керак.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳамширалик ишида илмий текширишлар ахамияти.
2. Ўзбекистонда ҳамширалик соҳаси бўйича илмий текширишлар холати.
3. Ҳамширалик ишининг ривожланишида илмий текширишлар ўрни.
4. Ҳамширалик соҳаси бўйича профессор унвонини биринчи бўлиб ким ва қачон олди?

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда ҳамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “Zuhra baraka biznes”MCHJ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Ахмедова Д.И., Тахирова Р.Н., Грунина О.С., Грунина И.И. Ҳамширалик иши. Т. 2015.
4. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
5. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
6. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада ҳамширалик иши. Т. 2016.
7. Orziyev Z. Hamshiralik ishi jarayonida bemorlarni tekshirish usullari. Т. 2010.

**Интернет сайтлар:**[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

## IV АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот. Ҳамширалиқ иши йўналишини ривожланиш босқичлари ва илғор хорижий тажрибалар.**

**Машғулотнинг мақсади:** Ҳамширалиқ иши фанининг ривожланиш босқичлари, асосчилари, илғор хорижий тажрибалари ва ҳамширалиқ иши йўналишининг замонавий тизими тўғрисида маълумотга эга бўлиш ва илғор тажрибаларни амалда қўллаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

**Ишни бажариш манбалар:** Амалий машғулот ни мустахкамлаш учун қўйидаги манбалар зарур. Адабиётлар, таснифлар, расмлар, презентациялар

### **Ҳамширалиқ иши йўналишини ривожланиш босқичлари.**

Ҳамширалиқ касбининг пайдо бўлиш тарихи қадим-қадим замонларга бориб такалади ва ҳамдардлик, гамхурлик, инсоннинг якин кишисига нисбатан муҳаббат хисси каби инсоний туйғулар билан узвий boglik бўлиб, бу ҳар бир даврда одамлар қулфат ва қасалликка йўлиkkанларида бир-бирига ўзаро ёрдам беришга ундейди. Аммо, алоҳида ҳамширалиқ ишига оид таълимотини яратиш шарафи Флоренс Найтингейл (1820-1910) га мансубдир.

Ҳамширалиқ сузи чукур маънога эга булиб, лотинча «nutrix» «парвариш» маъносини англатади. Узбек лексиконида «бир онадан сут эмган» дегани, яни ҳар бир инсон учун у туғишган \_пава сингилдир!

**Ҳамширалиқ ишининг вазифалари:** Беморни парвариш килишни янги технологиялар асосида ташкил этиш. Бемор соглигини тиклаш билан бир каторда унинг асосий талабларини кондириш. Қасалликларни олдини олишда фаол иштирок этиш.

**Ҳамширалиқ ишининг максадлари.:** Инсон, оила ҳамда жамиятнинг физик, рухий ва ижтимоий талабларини кондириш. Фавқулодда вазиятларга тайёрланиш ва унда иш олиб бориш. Ахолини биринчи ёрдамга укитиш. Халкаро ҳамкорликни ривожлантириш. Ҳамширалиқ ишида уз урнини топиш.

Утган воқеалар ёки авлодларимиз тарихини билиш, илгари булиб утган ходисалар мисолида ҳозирги хаётимизни тугри баҳолаш учун, қилинган ҳатоларни тақрорламаслик, ҳозирги кунда йук булиб кетган ҳалк маданиятини урганиш учун.

Ҳамширалиқ жараёни ва ҳамширалиқ парвариш тушунчалари бир биридан тубдан фарқ қиласди. Ҳамширалиқ парвариши модели қўпинча концепсуал деб ҳам юритилади. Чунки бу тушунча турлича концепсиялар асосида яратилган. В. Райхл ва К. Рой уларни қўйидаги таърифлайди:

«ҳамширалиқ амалиётiga боғлиқ элементларнинг мантиқан боғланган, тизимли тузилган ва илмий асосланган тушунчадир».

Ҳамширалиқ моделининг тавсифини ҳаттоки XX асрнинг бошлари 70-йиллариға қадар ҳам хориж адабиётларида аниқ ёритиб берилмаган. Ҳозирги вақтда ҳамширалиқ ишида тузилма ва табиатга боғлиқ ягона ёндошув йўқ. 20 га яқин моделлар ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бирининг мазмuni давлатнинг иқтисодий ривожланишига, сиёсатига, умумқабул қилинган таннархга, соғлиқни сақлаш тизимиға, динига, шунингдек аниқ бир инсонга ёки бўлмаса инсонлар гурухига, у ёки бу ишлаб чиқилган моделларга боғлиқ.

Амалдаги ҳамширалиқ моделларининг ривожланиши физиологии, сотсиология, психология соҳасининг очилишига ва тадқиқотларига таъсир кўрсатди. Ҳар кайси моделнинг ядроси-ҳамширалиқ фаолияти обьекти патсиент ҳисобланиб, парвариш максади ҳамширалиқ ёндашуви мажмуи ва ҳамширалиқ парваришининг натижаларини баҳолаш хусусияти тушунчаларини турлича бўлишидир.

Пациент. Ҳамширадик парвариш и моделининг бири пациентни органлар анатомияси ва тизимлар физиологияси сифатида қўриб чикади. Бошка моделда эса пациент-бу, 14та фундаментал кунлик эҳтиёжга эга бўлган мустакил шаҳс. Таърифга боғланган ҳолда у ёки бу моделнинг мазмuni .ҳамширалиқ жараёни рамкасидаги бирламчи ҳамширалиқ баҳолаш ҳажми ўзгариб туради.

Пациент муаммоларининг манбай. Айrim ҳамширалиқ моделларида пациент ҳолатини баҳолашда ва муаммолар манбайнин аниклаш томонларини турлича касб этади. Шунингдек, согликка даҳлдор муаммолар ҳамширалиқ парваришига бўлган талаблар турлича моделларда фарқланади. Шундай килиб, битта моделда органлар функсиясидаги ёки физиологик тизимдаги бузилишларга оид муаммолар акс этади. Бошқаларда эса муаммо манбай бўлиб инсон узининг ҳулк атворини функционал ва структура жараёнига боғлаган ҳолда узгартирмайди. (модел Д.Жонсон). Айrim моделларида ҳамширалиқ жараёни шунчаки оддий қўриб чиқилади; ҳамширалиқ ёндашуви муаммо ҳарактерини аниклади. Бошқаларда бу мукаммалрок қўриб чиқилади яъни қийин: муаммони аниклаш - муаммо келиб чиқиши сабабини муаммо қўринишини - ҳамширалиқ ёндашув ҳарактерини аниклади.

Ҳамширалиқ ёндошувига йўналтирилган моделлардан бири у ёки бу симптомни (бўғилиш, йўтал, ич кетиш) аниклашга қаратилган. Кўпинча бошқа моделлар билан ҳам жараёнини баҳолашда пациент муаммосини келиб чиқиши ва мавжуд муаммоларни ечимида бошқа моделлар билан боғланган ҳолда олиб бориш мумкин. Ҳамширалиқ ёндашувига йўналтирилган умум қабул қилинган врач модели бўйича у ёки бу органларда ёки тизимдаги физиологик ўзгаришларни ўрганишда қўлланилади.

## **Мижознинг ҳар кунги қундалик ҳаёт эҳтиёжлари (Хендерсон модели)**

- 1.Меърий нафас.
2. Этарли микдорда суюқлик ва овқат истемол қилиш.
3. Ҳаёт фаолиятига дахлдор бўлган чиқиндиларни ажратиш.(сийдик,ахлат.)
- 4.Керакли вазиятни қўллаш ва харакатланиш.
- 5.Ухлаш ва дам олиш.
- 6.Мустақил кийиниш ва эчиниш,кийим танлаш.
- 7.Тана хароратини бир маромда сақлаш , атроф мухитга хос кийим кийиш.
8. шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, Ташқи қиёфа хақида қайғуриш
- 9.Ўзининг хавфсизлигини таминлаш ва бошқа инсонлар учун хав тукғдирмаслик.
- 10.Емотсия, фикир билдириб бошқа инсонлар билан мулоқтда бўлиш .
- 11.Ўз этиқодига кўра диний қарашларини номоён этиб туриш
12. Севимли иши билан шуғуланиш.
- 13.Хордиқ чиқариш, қўнгил очар ўйинларда иштирок этиш.
- 14.Нормал ривожланишда ёрдамлашиш ,мехр мухабbat билдириш.

Бу модел ҳозирги даврда ҳамширалар амалиётида кенг қўлланилаётган таникли моделлардан ҳисобланади. Шунингдек, бевосита патсиент ҳамширалик жараёнининг барча босқичларида иштирок этади. Биринчи босқичда ҳамшира бемор аҳволини баҳолашда ҳамшира бемор билан биргаликда 14 та қундалик эҳтиёжларидан қайси бири биринчи галда бартар этилишини муҳокама қилиб олишади. Бунинг учун ҳамшира патсиентнинг шу эҳтиёжларидан қайси бирини қондиришга патсиентнинг ўзи эплай олмаслигини инобатга олиб, қарор қабул қилиши керак. Масалан агар бемор касалхона овқатидан бош тортса, демак унда пархез овқатланишга бўлган эҳтиёжи қониқтирилмаяпти.

Бемор билан ҳамшира ҳамкорликда бу муаммонинг сабабини (иштахасизлик, жирканиш) аниқлаштирилади ва унинг эчимини топиш учун мақсад ишлаб чиқади. Агар патсиентда уйқу бузилса, ҳамшира бу муаммонинг (ноқулай тўшак, ҳаво этишмаслиги, ҳамхонасининг хурраги) сабабни аниқлаши лозим. Шундан сўнг ҳамширалик парвариши учун ёндошув мақсади ишлаб чиқилади.

В. Хендерсон инсон ҳар кунги эҳтиёжини ўзи мустақил ва тўлиқ қондириши керак деб ҳисоблайди. Шунинг учун парваришни узоқ муддатга белгилаш патсиентни максимал мустақил ўзи бажара оладиган даражага олиб чиқади деб таъкидлаган. Ушбу муаммони эчиш учун ҳамшира бир қанча оралиқ ва қисқамуддатли мақсад қуйилади. Овқатдан воз кечган патсиент ҳолатидан келиб чиқиб, бемор билан беморнинг яқин қариндошлари билан керак бўлса касалхонанинг овқат пишириш блоки ҳодимлари билан сухбат ўтказишни режалаш зарур. Уйқусини йўқотган патсиент билан релаксатсия бўйича машқлар олиб боришни, хонани шамоллатишни, бошқа палатага ўтказишни режалаш керак. Қуйилган мақсадлар ўлчамли ва аниқ бўлиши лозим. Бу эса ҳамширалик ёндошувини самарали ёки самарасиз деб баҳолашда аст қотади. Ҳамширалик ёндошуви

патсиентни саломатлигини мустаҳкамлаш ва олдинга қўйилган вазифаларни эчишга қаратилган бўлиши керак. Ҳулоса қилиб айтганда, патсиентга мустақил бўлишга ёрдам бериш зарур.

В. Хендерсон модели бўйича ишлаётган ҳамширалар парвариш бўйича режани амалга оширишни якуний баҳолашга киришаётганда ҳар кунги эҳтиёжларидағи муаммолар эчимиға қаратиши керак. Ҳамшира эҳтиёжларини қониктирилишида қанчалик муваффақиятларига эришилганини мушоҳада қилинади. Мақсадга эришилмагандага янги ҳамширалик ёндошуви ишлаб чиқлади.

#### **Д. Орем моделининг асосий қоидалари**

Д. Орем, модели ўз-ўзини асраш учун мотивга эга бўлган ягона функционал тизимдир. Одам соғлом ёки қасаллигидан қатъий назар, ўз-ўзини асрайдиган, унинг имкониятлари ва ўз-ўзини сақлаш эҳтиёжлари мувозанатларини бажарадиган бўлиши керак.

Д. Орем ўз-ўзини парваришилаш эҳтиёжларини уч гурухларини белгилайди:  
И. Универсал:

- этарли ҳаво қабул қилиш;
- этарли суюқликларни қабул қилиш;
- этарли озиқ-овқат қабул қилиш;
- Бу жараён билан боғлиқ этарли ва эҳтиёжларини ажратиш имконияти;
- Фаолияти ва дам олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш;
- Бошқа одамларнинг жамоасида ёлғизлик мувозанати;
- Ҳаёт учун хавф-огоҳлантириш, нормал ҳаёт, фаровонлик;
- Индивидуал қобилиятлари ва чекловларга қараб, муайян ижтимоий гурухга риоя қилиш истагини уйғотиши.

Ҳар бир киши учун ҳар 8 универсал эҳтиёжларини қондириш даражаси ҳар хил бўлади. Бу эҳтиёжларга таъсир қилувчи омиллар. ёши, жинси, ривожланиш, соғлиқни сақлаш босқичи, маданият даражаси, ижтимоий мухит, молиявий имкониятлар: Соғлом киши бу қўп қиррали эҳтиёжларини қондириш учун этарлича ўзини-ўзи сақлаш имкониятига эга.

#### **Д. Орем модели бўйича ўз-ўзини парвариш қилиш тамоили**

Ривожлантириш (болалигидан қариликгача ва ҳомиладорлик пайтида) босқичига оид талаблар. Бу эҳтиёжлар, қоиди тариқасида, таълим ва тарбия учун жавобгар бўлган барча катталарга тавсия этилади.

Ирсий туғма ва орттирилган қасалликлар ва жароҳатлар оқибатида соғлиқни сақлаш муаммолари билан боғлиқ талаблар. Бу гурухда, бузилишлар уч коринишга ажратилган:

- Анатомик ўзгаришлар (масалан, оғир шиш, куйган);
- Функционал физиологик ўзгаришлар (масалан нафас қисилиши);
- Хулқ ёки қундалик турмуш одатлардаги ўзгаришлар (масалан, лоқайдлик, уйқусизлик, кескин кайфият ўзгаришлар туйғуси).

Агар инсон бу муаммоларни энгса, умумий мувозанат сақланиб қолинади. Демак, у ғамхўрликка муҳтоҷ эмас.

Беморнинг муаммолар манбай. Агар пасиент (ёки унинг яқин қариндошлари) ўз-ўзини сақлаш ва ўз-ўзини сақлаш эҳтиёжлари учун ва эҳтиёжлари ўртасида мувозанат сақлаш имкониятлари очиб олмасак, ҳамширалик парвариши учун эҳтиёж бор бўлади. Шу билан бир вақтда Д. Орем bemorning ўз яқинлари ва дўстлари фаол иштирокида амалга ошириладиган ёрдам деб ҳисоблайди.

Ҳамширалик аралашуви ўз-ўзига парвариш кўрсата олмаса ва унинг сабабларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак. Тақчиллик сабабларига билим ва ўз-ўзига парвариш корсатишга доир алоҳида ҳаракатларни амалга ошира олмаслик ёки иложи йўқлиги бўлиши мумкин. Ушбу моделнинг муаллифи ўзини-ўзи парваришилаш даражасини ва босқичини ривожлантириш учун bemorning ўтган ҳаёт тажрибасини ҳам боғлайди. Д. Орем парвариш масаласини эчиш учун ҳамширалик ёндошуvinи зарурлигини ҳал қилиш керак деб ҳисоблайди:

- Ўз-ўзини парваришилаш учун bemorning талаб даражасини аниқлаш;
- бир кишининг хавфсиз ҳолда ўз-ўзини парваришилаши ва бу талабларни қондириш имконияти баҳоланади;
- Келажакда ўз-ўзига ғамхўрлик қила олиши баҳоланади.

Муаллиф фақат ўз-ўзини парваришилаш учун bemorning талабларини ва имкониятларни баҳолабгина, парваришилаш ишларини режалаштириш ҳақида қарор қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

*Парвариши мақсади.* Қисқа муддатли, ўралиқ ва узоқ муддатли мақсадлар (ёки уларнинг комбинасиясиу) bemorga йўналтирилган бўлиши керак. Бу ҳолда bemor билан нафақат парвариш мақсади муҳокама қилинади, балки ҳамширалик ёндошуви ҳам режаланади.

Ҳамширалик ёндошуви ўз-ўзини парваришилаш имкониятларининг кенг кўламда йўналганлиги бўлиши мумкин, шунингдек у эҳтиёж даражалари ҳам ўзгариши мумкин. Д. Орем бу ўзгаришларни соғайиш, тикланиш деб атаган.

Д. Орем ҳамширалик ёндошуvinи 6 та усулга ажратган:

- Бемор учун бир нима қилиш;
- Беморни бошқариш, унинг ҳаракатларини йўналтириш;
- Жисмоний қўллаб-қувватлаш;
- Психологик қўллаб-қувватлаш;
- Ўз-ўзини парваришилаш учун шароитлар яратиш;
- Беморни (ёки унинг қариндошларини) ўқитиш.

Д. Орем ёрдам беришнинг бу 6 йўлини таклиф қилар экан, bemor ўз-ўзини парвариш қилишни ҳоҳласа, у ёки бу рол ўйнаса ва бунга ҳаракат қилса, ҳамширалик ёрдамини қабул қилишга тайёр бўлганлидан далолат деб тақидлайди. Бундан ташқари, муаллиф учта ҳамширалик ёрдами тизимини белгилайди:

Тўлиқ қопланадиган – бу bemor хушсиз ҳолатда ёки унга ҳаракатланиш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Вақтинга қопланадиган – вақтинга ёки қисман соғлигини йўқотганда ўз-ўзини парвариш қилишни амалга оширишда қўлланилади.

Маслаҳат (Ўргатувчи) - ўз-ўзини парвариш қилиш қўникмаларини ўзлаштириш зарур бўлганда қўлланилади.

Парвариш натижалари ва сифатини баҳолаш. Д. Орем парвариш натижалари ва сифатини баҳолашни ўтказишдан олдин аввало бемор имконияти нуқтаи назаридан ва унинг оила аъзолари томонидан ўз-ўзини парвариш қилиш қўникмаларини амалга ошириш имкониятлари инобатга олиниши кераклиги такидланган. Ҳаттоки, ўз-ўзини парвариш қилишнинг тўлиқ қопланадиган тизими вақтинга қопланадиган тизимга ўтиб кетган ҳолда ҳам ҳамширалик ёндошуви самарали бўлиши мумкин.

**Ҳамшираларнинг роли.** Модел муаллифи ҳамширани беморни ўз-ўзини парвариш қилишга дават этувчи қўшимча ёки тўлдирувчи сифатида белгилайди. Ҳамширалик ёндошуви инсонга саломатлигини сақлаб қолиш учун ёки касаллик асоратларини энгиш имконини беради.

Д. Орем моделини ҳамширалик жараёнида қолланилиши ҳар қандай соглом ёки ҳаста одамга ўз-ўзини парвариш қилиш эҳтиёжи ва уни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги мувозанатни сақлашни ўргатади.

Касалланиш ёки шикастланиш даврида ҳамшира бемор билан бирга ўз-ўзини парвариш қилиш бойича терапевтик зарурий чоралар ишлаб чиқади.

Ҳамшира беморни эҳтиёжлари ва ўз ўзини парвариш қилиш бўйича имкониятларини бирламчи баҳолашда ўз ўзини парвариш қилишда терапевтик интизомини кузатиб, эҳтиёж ва имконият мутаносиблигни аниқлайди. ДПМ ларда бемор ҳолатини бирламчи кўруви ўтказилаётган вақтнинг ўзидаёқ ҳамширалик ёрдами керакми ёки йўқлиги аниқланади. Масалан, агар беморнинг сон суюгини сингани учун гипсланган бемор бир қанча муддат қўлтиқ таёқсиз юра олмайди, демак ўзгалар ёрдамисиз харакати чекланганлиги хақида ҳамшира тахмин қилиши мумкин.

Бу ҳолатда айрим универсал эҳтиёжлар ва беморнинг ўз ўзини парвариш қилиш (фаол харакат, хожатга чиқолмаслик, чўмила олмаслик) имконияти ўртасида мувозанат бузилган ва у ҳамширалик ёрдамига муҳтоҷ.

Бошқа ҳолат, 8 ёшли болалар инфекцияси билан оғриган қизчани ахволини баҳолашда ҳамшира шуни аниқладики, унинг онаси қизчани ўз ўзини парвариш қилиш эҳтиёжини (қизчани иссиқ кийинтириш, ётоқ режими қизча учун муҳимлигини, кўпроқ суюқлик бериш кераклигини она билмайди) қондира олмас экан. Ушбу ҳолатда онанинг болани парвариш қилиш бўйича имконияти ва талаби ўртасида мувозанат бузилганлигини кўришимиз мумкин.

Нима учун бемор ўз- ўзини парвариш қила олмаётганини аниқлаш учун яна қўшимча маълумот топлаши лозим. Кўриқ, кузатув ва сухбат сабабини ўрганишга ёрдам беради: билим ва қўникмани этишмовчилиги, ўзини тутишни чагараланганилиги, жамият ва маданий меъёрлар ва бошқалар.

Ўрта ёшли инсон мисолида ўз ўзини парваришлашнинг этишмовчилиги, баъзи бир билимларнинг этишмовчилиги, унинг тузалиши ва ахволининг

яхшиланишига, ўз ўзини парваришлашнинг тикланишига ёрдам беради. Иккинчидан, бемор қизнинг онаси ҳаммасини тўғри қила олишига ишончсизлиги ёки унга билимнинг этишмаслиги қизига ёрдам беришда ишончсизликга олиб келади.

Беморни ўз-ўзини парваришлашдан ҳамширалик парвариши режалаштирилади. Мисол қилиб, режалаштирилган ҳамширалик аралашувини қисман комперсирлашган ва ўрганувчи системада режалаштирилади. Ўрта ёшли инсон ўз-ўзини универсал эҳтиёжларини, нафас олиши, озиқланиш, суюқлик истемоли қондира олади. Лекин, уни ҳаракатланишда ёрдамга эҳтиёж сезади. Ҳамшира унинг қайта шикасланишини олдини олиш мақсадида ҳавфсиз ҳаракатланишини режалаштиради. Кейинги навбатда ҳамшира консултатив аралашув ҳамда онага бола парваришини ўргатади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳамширалик аралашуви мақсади имконият ва ўз-ўзига парваришига эҳтиёжни мувозанатга келтиришдан иборат. Биринчи навбатда, bemor ҳамшира унинг кийимларини алмаштиришга эҳтиёж сезади. Бир вақтни ўзида ҳамшира унинг ҳавфсизлигини таминлаши керак. Кейинги навбатда, ҳамшира bemor онасига касалликни қандай кечаётганини ва болани аҳволини энгиллаштирадиган ишлар рўйҳатини ўргатиши керак. Она болани руҳий қўллаб қувватлаши аҳволи яхшиланишида ёрдам беради.

**Ҳамширалик парваришини самарадорлигини баҳолаш.** Ҳамширалик парваришини баҳолаш учун bemor аҳволида эришилган натижалар ҳисобга олинади. Баҳолаш bemor мустақил, ҳеч кимнинг ёрдамисиз юра олса ижобий бўлади. Яна онаси қизнинг ҳамсиралик парваришидан мамнун бўлса самарадор дейишимиз мумкин. Шундай қилиб, имконият ва эҳтиёжлат ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишга эришилса ҳамширалик парваришини эффектив дейишимиз мумкин.

Ҳамширалик парваришини баҳолаш учун bemor аҳволида эришилган натижалар ҳисобга олинади. Баҳолаш bemor мустақил, ҳеч кимнинг ёрдамисиз юра олса ижобий бўлади. Яна онаси қизнинг ҳамсиралик парваришидан мамнун бўлса самарадор дейишимиз мумкин. Шундай қилиб, имконият ва эҳтиёжлат ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишга эришилса ҳамширалик парваришини эффектив дейишимиз мумкин.

### **Ҳамширалик ишида илғор хорижий тажрибалари**

Соғлиқни сақлаш тизимининг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан соғлиқни сақлаш ходимларининг энг катта қисми бўлган ҳамшираларни малакасини ошириш ва тайёрлашнинг касбий даражаси ва сифатига боғлиқ. Замонавий соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик иши муҳим инсон ресурсларига эга бўлган энг муҳим таркибий қисм бўлиб қолмоқда.

Соғлиқни сақлаш олдида турган янги муаммоларга мувофиқ, ҳамшираларнинг вазифалари ва ташкилий шакллари ўзгариб бормоқда. Тиббиёт фанининг ривожланиши билан соғлиқни сақлаш тизимида ҳамшираларнинг ўрни ортади. Беморларни парвариш қилиш тобора мураккаблашиб бораётган тиббий ва техник билимларни ва янги

кўникмаларни эгаллашни, шунингдек илгари олинганларни такомиллаштиришни талаб қиласи.

Хамширалик инновацияси дунё микёсида беморларга тиббий хизмат курсатиш сифатини ривожлантириш ва тиббий хизмат нархини пасайтириша қаратилмоқда. Инновацион ечимларга эҳтиёж жуда юқори, чунки бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимлари арzon, ҳавфсиз хизматларни тақдим этиш учун кураш олиб боришимоқда.

### **Ҳамширалик иши йўналишининг замонавий тизими**

Юртимиз тиббиёт муассасаларида 320 минг нафарга яқин ҳамшира фаолият юритмоқда. Улар соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларда меҳнат қиласяпти.

Жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, республикамизда олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўналиши жорий этилди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимини малакали мутахассислар билан таъминлаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. 1999 йилдан бошлаб давлатимизда Олий ҳамширалик иши буйича мутахассислар тайерланиб келмоқда. Ҳозирги кунгача Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа тиббиёт институтларининг “Олий ҳамширалик иши” бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ҳамда менежмент йўналишлари бўйича уч минг нафардан зиёд олий маълумотли бакалавр-ҳамширалар тайёрланди, 80 нафарга яқин талаба эса –магистрлик даражасига эришди. Тиббий ходимларни касбий малакасини ривожлантириш Маркази кошида Хамширалик иши кафедраси ташкил этилди. Ушбу кафедрада республика ДПМда иш юритиб келаётган Олий маълумотли ҳамширалар малакаларини ошириб келмоқда. Шу қунга кадар ушбу йўналиш бўйича 2 фан номзоди ва 2 (PhD) фалсафа доктори тайёрланди.

### **Назорат саволлари**

1. “Ҳамширалик иши” йўналишининг ривожланиш тарихи?
2. “Ҳамширалик иши” йўналишининг Ўзбекистондаги долзарб муаммолари?
3. Тиббиёт олийгоҳларида ҳамширалик иши фанларининг ахамияти?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда ҳамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “Zuhra baraka biznes”MCHJ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Ахмедова Д.И., Тахирова Р.Н., Грунина О.С., Грунина И.И. Ҳамширалик иши. Т. 2015.
4. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.

5. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
  6. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада хамширалик иши. Т. 2016.
  7. Orziyev Z. Hamshiralik ishi jarayonida bemorlarni tekshirish usullari. Т. 2010.
- Интернет сайтлар:** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

## **2-амалий машғулот. “Олий хамширалик иши” йўналишини ривожлантириш дастури ва истиқболлари.**

**Машғулотнинг мақсади:** “Хамширалик иши” йўналишининг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида хамширалик ишининг ўрни, Ўзбекистонда тиббиёт олийгоҳларида “Олий маълумотли ҳамшира” факултетини ўрни, Ўзбекистонда “Хамширалик иши” йўналишининг ривожланиши долзарб муаммолари маълумотларга эга бўлиш ва ўқувчиларига етқазиб бериш кўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

**Ишни бажариш манбалар:** Амалий машғулот ни мустахкамлаш учун қуидаги манбалар зарур. Адабиётлар, таснифлар, расмлар, презентациялар «Хамширалик иши — бу инсонлар ўртасидаги муносабатнинг амалиётидир, тиббий ҳамшира эса, ҳар бир bemorni индивидуал шахс сифатида ўрганиб, касаллик туфайли уларда юзага келган эҳтиёжларни аниқлай билиши лозим».

Агар шифокор ўз амалий фаолиятида, даволаш иши, барча билим ва ҳаракатларини маълум бир bemorning аниқ бир касаллигини даволашга қаратса. Ҳамшираларнинг эътиборлари касаллиқдан кўра кўпроқ bemorga ёки одамлар гурухига, жамоага, оиласа қаратилган бўлиб, ахоли соғлиғи билан boglik бўлган муаммо ва еҳтиёжларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлади ва шу билан уларнинг фаолияти шифокорлар фаолиятидан ажralиб туради.

Республикамизнинг мустақиллигидан кейин Президентимиз И.А.Каримов томонидан ушбу соҳага катта эътибор қаратилганлигини тиббиёт олийгоҳларида „Олий маълумотли ҳамшира” факултети очилиши мисолида кўришимиз мумкин. Бундан кўзланган мақсад ҳамширалик ишини янада чуқурроқ такомиллаштириш ва тиббиёт соҳасида олий даражадаги билимларга эга бўлган кадрларни етказиб беришдан иборатdir.

2007-йил 19 сентябрдаги давлатимиз раҳбарининг „Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уну ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони ва соғлиқни сақлаш тизимида барча ислоҳотлар тиббиёт

соҳасининг янада ривожланишига кенг йўл очиб берди, бу ҳамширалар учун катта имконият демакдир.

Мустақилликка эришгандан кейин республикамизда тиббиёт соҳасида ҳамширалик ишига эътибор кучайтирилиб борилмоқда, уларнинг чет давлатларда ўтказилаётган анжуманларда иштирок етиши ва малакаларини ошириши, тиббиёт институтларида олий маълумотли ҳамширалик иши бўлимларининг очилиши, Республикада Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар ассоциациясининг ташкил етилиши, тиббиёт амалиётини кенг кўлламда йўлга қўйилиши тиббий таълим тизимини ислоҳ қилишни тақозо етади. Республикада ҳамширалик ишини ривожлантириш, Ўрта тиббиёт ходимларининг назарий ва амалий билим, ғоявий ва умум маданий даражасини кўтаришга кўмаклашиш, уларнинг амалий ишларни ташкил етишининг сифат даражасини ошириш мақсадида Ўрта тиббиёт ходимларидан иборат ҳамширалар маслаҳат кенгаши тузилган.

Мустақил ҳамкорлик давлатлари ҳамшираларининг „Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳоти, биринчи тиббий санитария ёрдамини қўрсатиш ва ҳамширалик иши" бўйича халқаро йиғилишининг Ўзбекистонда ўтказилиши, бу соҳада эришилган ютуқлардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида Жамоада ҳамширалик иши алоҳида ўринга эга.

1999-йил май ойида Ўзбекистон Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари ассоциациясига 50 мингта яқин Ўрта тиббиёт ходимлари аъзо бўлиб, уюшма вилоятларда ўзининг бўлимларини очди. У йил давомида 10 дан зиёд семинарлар ўтказиб, ҳисобот бюлетеңлари ва амалий қўлланмалар жорий етди. Қисқа вақт ичida ассоциация халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиб, халқаро ҳамширалар кенгашига аъзо бўлди. 1999-йил Лондонда ўтказилган халқаро ҳамширалар кенгашининг 100 йиллигига бағишиланган семинар-кенгашда Ўзбекистондан ҳам вакиллар иштирок етди.

Ҳамширалик ишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида тезис дастури орқали Истроил давлати ҳамшираларининг иш тажрибалари, ўқув жараёнларини ўрганиш учун жорий йилнинг ноябр ойида Республика курслари ташкил етилди. Ҳамширалик ишини сифат жиҳатидан яхшилаш, кўп мутахассисликка эга бўлган ҳамширалар сафини кенгайтириш мақсадида Ўрта Осиё давлатларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тузилди. Ўзбекистондан 7 нафар тажрибали ҳамшира кенгашга аъзо бўлиб кирди. У 2001-йилда Ўзбекистонда йиғилиб ўз иш фаолиятини республикамизда давом еттирди.

Жамоада ҳамширалик иши бўйича ўтказилган анжуманларда ҳамширалик ассоциацияси аъзолари Америка, Англия ва Япония давлатларида иштирок етиб, уларнинг иш фаолияти билан танишиб қайтдилар. Ва ортириб келган тажрибалари, кўрган билганлари бўйича вилоятлардаги бош мутахассисларни чақириб бир неча марта ўқув семинарлари ўтказдилар.

1999-йилнинг сентябр ойида Бишкеқда бўлиб ўтган Ўрта тиббиёт ходимларининг семинарида Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг Жамоада ҳамширалик иши бўйича вакиллари иштирок етишди. Ушбу анжуманнинг асосий мақсади ҳамширалик ишидаги, биринчи тиббий санитария ёрдамидаги ислоҳотлар, олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш, ҳамширалар мавқейини кўтариш учун ҳамширалик ишлари бўйича муовинлик вазифаларини киритиш, Ўрта тиббий ва доришунос ходимлар ассоциациясининг фаолиятини кучайтириш, малакали ҳамширалар тайёрлашга эътиборни жалб қилиш оиласвий ҳамширалар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилди. Семинарда Ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича деклорация қабул қилинди.

Олмата шаҳрида эса 2-4 феврал 2000-йилда Жамоада ҳамширалик иши бўйича Ўрта Осиё мамлакатларини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган еди. Ушбу кенгашда Ўрта Осиё давлатлари ҳамширалари Ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, ҳамширалик хизматида ташкилотчилик ишларини йўлга қўйиш, фан янгиликларини кенг жорий қилиш, Жамоада ҳамширалик иши бўйича муаллимлар тайёрлаш, ҳамшираларнинг миллий жамоатчилик бирлашмалари ассоциациялари Ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш енг асосий вазифа еканлиги алоҳида уқдирилиб, шу вазифалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди.

2001-йил феврал ойида Тошкентда ўтказилган анжуманда „Оила ҳамшираси“ни тайёрлаш -масаласи кўрилди. 2002-йил 23-26 апрел кунлари Олмата шаҳрида „Ўрта Осиё республикаларида бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳамшираси“ мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Жамоада ҳамширалик иши бўйича Ўрта Осиё мамлакатларини мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари, халқаро эксперталар ва Жамоада ҳамширалик иши бўйича америкалик мутахассислар, Ўрта Осиё тиббиёт коллежлари директорлари, тиббиёт билим юрти ва соғлиқни сақлаш ходимлари иштирок этдилар. Бунда энг асосий масала сифатида Ўрта Осиё республикаларида оила ҳамшираларини тайёрлаш ишлари ўрганиб чиқилди. Шу мақсадда, Ўрта Осиё Республикаларида „Ҳамширалик иши“ дастури асосида „Оила ҳамшираси“ қўлланмасини ишлаб чиқиш ва оила

ҳамшираларини тайёрловчи ўкув курсларини ташкил қилиш режалаштирилди. Ушбу анжуманинг асосий вазифалари қуидагилар эди:

- Ўрта Осиёни оила ҳамшираларини тайёрловчи худудга айлантириш;
- мавжуд масала юзасидан тажриба алмашиш;
- мутахассислар ёрдамида оила ҳамширасини тайёрлаш борасида зарур ўкув дастурларини ишлаб чиқиш;
- оила ҳамшираларини тайёрлаш ва ҳамширалар малакасини ошириш учун 10 ойлик курсларни ташкил қилиш марказларини очиш.

Ҳамширалик иши фани соғлиқни сақлаш жараённида ҳамширалар ўрнини ўрганувчи фандир. У асосан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қариялар саломатлигини ҳимоя қилиш, репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлиги, атроф муҳитнинг саломатликка таъсири, иш жойида инсонлар саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда аҳоли ўртасида тарқалаётган юқумли ва бошқа касалликларни бартараф етиш каби қуидаги муаммоларни ўрганади.

1. Касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини таъминлаш.
2. Оиласиб поликлиникалар (ОП), қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) лар ва бошқа муассасаларда аёллар, айниқса туғиши қобилиятига ега бўлган аёллар, саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларда учрайдиган екстрагенитал касалликларнинг олдини олиш.
3. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар соғлигини ҳимоя қилиш ва болаларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда касалликларнинг олдини олиш, профилактик емлашлар, улар саломатлигидаги муаммоларда ҳамширалик жараёнлари.
4. Катталар ва қарияларнинг ўзига хос руҳий ва жисмоний хусусиятлари, улар саломатлигидаги муаммолар ва уларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.
5. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишчилар учун маҳсус тиббий хизматни ташкиллаштириш, касбга алоқадор касалликлар ва уларнинг олдини олиш.
6. Аҳолининг руҳий саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш.
7. Жамоада юқумли касалликлар клиникаси, тарқалиш йўллари ва уларга қарши курашиш чора - тадбирларида ҳамширанинг вазифалари.
8. Фавқулодда вазиятлар келиб чиқишининг омиллари, манбалари, сабаблари ва уларда ёрдам кўрсатиш турлари, фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда республикамизнинг тиббиёт тизимида жуда катта самарали ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни тубдан ўзгартириш. Саломатликни тиклаш, санитар-профилактик ишлар кўлламини кенгайтириш. Хориждаги мавжуд илгор тажрибаларни кенг ўрганиш кабилар шулар жумласидандир. Ана шу муҳим давр талабидан келиб чиқсан ҳолда, замоннинг

юксак талабларига жавоб берса оладиган, кенг тафаккурга, чуқур билимга ўга бўлган ўрта тиббиёт ҳодимлари-ни етишириш додзарб масалалардан биридир

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни тубдан ўзгартириш, саломатликни тиклаш санитария – профилактика ишлар кўламини кенгайтириш, ҳориждаги илғор тажрибаларни кенг ўрганиш ҳозирги замон талабидир. Шу талабдан келиб чиқиб, замоннинг юксак талабларига жавоб берса оладиган, кенг тафаккурга, чуқур билимга эга бўлган мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаб етиширишни додзарб масалалардан бири деб ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади таълим соҳасида тубдан ислоҳ қилиш уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар сарқитлардан батамом халос этиш ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб бериш малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир. Ушбу мақсадда амалга ошириш учун хал этиш лозим вазифалардан бири янги ижтимоий – иқтисодий шароитларни таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини кадр тайёрлаш тизимининг амалда фаолиятини кўрсатиш ва барқарор ривожланишининг кафолатларининг, устиворлигини таъминловчи меъёрий, моддий – техника ва ахборот базасини яратишидир.

Шундай экан, ахолини соғлигини сақлаш борасидаги муаммоларни ижобий хал этишда ҳамширалар хизматини тубдан ўзгартириш заруратга айланди. ЖССТ эксперtlари бошлиган реформага асосланиб, Ўзбекистонда ҳамшираларнинг қасбий билим даражаси ва билим доираси ҳалқаро талабга ва стандартларга жавоб берса олмаганлиги сабабли “ҳамширалик иши” қасбини ислоҳ қилиш ишлари 1990 йилларда бошланди.

Бунинг натижасида ҳамшираларнинг билим доирасини оширишга эҳтиёж сезилди. 1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Даствури» фармони қабул қилинган эди. Бу фармоннинг асосий масалаларидан бири тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш тизимининг сифатини яхшилашга йўналтирилган эди. Соғлиқни сақлаш тизими учун тайёрланадиган кадрларнинг салоҳиятини яхшилаш мақсадида ҳалқимизнинг ўзига ҳос демографияси, қасаллик кўрсаткичлари, тарихий ва маънавий бойликларини назарда тутиш мухим ҳисобланган эди. Қолаверса, ахолини соғлигини сақлаш борасидаги муаммоларни ижобий хал этишда ҳамшира хизматини тубдан ўзгартириш заруратга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 1998 йил 10 ноябрдаги VII-2107-сонли фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги «1999-

2000 ўқув йилида Ўзбекистон Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги 282-сонли қарорига мувофиқ, Тиббиёт олийгоҳларида «Олий ҳамширалик иши» йўналиши ташкил этилди.

*Олий ҳамширалик иши* – фан ва тиббиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у инсон фаолиятини ўрганишга таалуқли бўлган янги илмий билим, услугуб ва усуллар орқали аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, бемор парвариши, давоси, профилактикаси ва реабилитациясига қаратилган методлар ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Бакалавр ҳамшира – Янги авлод ҳамшираси бўлиб, бугунги кунда юқори малакали ва маълумотли тиббий ҳамшира бўлиб қайддан ўтган, эксперт билимларига эга, клиник компонент ва мураккаб аҳамиятли қарорлар қабул қилишга қодир ҳамширадир. «Олий ҳамширалик иши» бўлимларининг илк битирувчиларидан тиббиёт соҳасида самарали фойдаланиш, уларнинг Давлат таълим стандартларида назарда тутилган мутахассислиги, малака таснифи, бакалавр даражасидаги дипломи ва лавозим вазифаларига асосан турли тиббий ҳизматларга жалб этилди. Бунинг ижобий самарасини бугунги кунгача таъкидланмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизими учун тайёрланадиган кадрларнинг салоҳиятини яхшилаш мақсадида катор ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, олий ҳамширалик иши укув режасида малакали мутахассис тайёрлаш учун энг илғор хорижий давлатлардан намуна олган ҳолда таълим бериш жараёнида 50% назарий ва 50% амалий билим беришни долзарб масала деб белгиланди. Уқув режага клиник машғулотлар киритилди. Бундан кўзланган максад, клиник амалиёт соатларини 50% - назарий ўқитиш ва 50% амалиёт соатларини кўпайтириб, биргаликда олиб боришдир. Энг самарали тажриба ва кўникумаларни бакалавр ҳамширалар амалиётда йигадилар. Бакалавр ҳамширалар назарий билимларини амалиётдаги ўзлаштираётган тажрибаси билан мувофиклаштирасагина, талабаларимиз етуқ мутахассис ҳамшира булиб шаклланади.

Ҳамширалик иши бу инсонлар ўртасидаги муносабатнинг амалиётидир, бакалавр ҳамшира эса, ҳар бир беморни индивидуал шахс сифатида ўрганиб, касаллик туфайли уларда юзага келадиган эҳтиёжларни аниқлай билиши лозим. Шундай экан, олий маълумотли ҳамшираларга клиник фанлардан тахсил беришда илғор хориж технологияларига хос пациентлар парваришини янгича технологияларини қўллашни, касалликларда замонавий парваришга хос булган амалий куникумаларни кадамма – кадам олиб боришни, шошилинч холларда икки ёки ундан ортиқ амалий куникумаларни ўзаро интеграциялаш орқали ўзлаштирилишини ўзига хос томонларини очиб беради. Шунингдек педагогларга амалий машғулотлар, клиник машғулотларни кандай тартибда

амалга ошириш ва баҳолаш мезонларини ёритади. Бакалавр ҳамширалар танлаган касблари бўйича амалий – кўнилмаларга чуқур эга бўлиши керак. Бу кўнилмалар 50:50 ўқитиш таълим жараёнида шакллантирилади.

Олий ҳамширалик иши таълим мининг мақсади, беморни парваришилаш ва назорат қилишда унинг муаммо ва эҳтиёжларини мувофиқлаштириш, беморни парваришилашда кўзда тутилган мақсад ва эришилган самаранинг аҳамиятини аниқлаш, беморнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш борасида ҳамширалик маҳоратини қўллаш, ҳамширалик ишининг самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

Олий ҳамширалик иши таълим йўналишида таълим жараёнини сифатли ташкил этишда замонавий ва илғор услублар билан ўқитиш, бакалавр ҳамширанинг маънавий етук қилиб тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг юқори малакали мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг мукаддас бурчимиз. Аммо, бу соҳани давр талаблари даражасида амалга ошириш йўлида самарали ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, бир қатор муаммолар ўз ечимини топганий йўқ. Жумладан, олий ҳамширалик иши йўналиши фанларида зарурий касбий билим, кўнирма ва малакага эга бўлган бакалавр ҳамшираларни тайёрлашга имкон берувчи клиник фанлардан машғулотларни илғор хорижий тажрибага таяниб, методик жиҳатдан, технологик жиҳатдан тўғри ташкил этиш муаммоларини ҳал этиш зарур, яъни ҳамширалик иши фанларидан, шу жумладан клиник фанларни хорижий тажрибага таяниб ўқитиш самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш зарур.

Ўзбекистонда олий ҳамширалик ишини такомиллаштириш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлигига 2008 йилда “Ўзбекистонда олий ҳамширалик иши таълим йўналиши салоҳиятини ошириш, клиник амалиётга Ҳалқаро стандартларни тадбиқ этиш, клиник амалиётни ўқув жараёнига мос равишида ташкил этиш” мақсадида ЖССТ эксперти М. Морог билан ҳамкорликда олий ҳамширалик иши таълими йўналишининг Давлат Таълим Стандарти қайта кўриб чиқилди ва қатор камчиликлар аниқланди. ОХИ таълим йўналиши таълим дастури – **экстенсив** тарзда яъни, қўпроқ назарий билимга, факат ўқитувчининг тажрибасигагина таянилган ҳолда олиб борилиши: ОХИ ДТС шифокор тайёрлаш дастурига асосланган ҳолда ишланган бўлиб, унда клиник амалиёт соатларини етишмовчилиги, асосий билим ва кўнилмаларни бакалавр ҳамшира амалиётда ўрганишини инобатга олган ҳолда тўзиб чиқилганлиги; ОХИ ДТС Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос эмаслиги; Ўқув режада клиник машғулотлар учун соатлар ажратилмаганлиги; Ўқув жараёнида касалликларни даволаш ва Бемор – соғайиш - касалликни қайталаниши – сурункали бемор каби тушунчаларга, айниқса «бемор – шифокор» га ургу берилганлиги: Ўзбекистон Республикасининг барча тиббиёт

олийгоҳларидаги ОМХ факультетида ДТС ягона бўлсада Намунавий ва Ишчи дастурлар турлича ишлаб чиқилганлиги; Ўқув жараёнлари турлича шаклланилиб, ҳар хил амалга оширилаётганлиги : ОХИ йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун тўғридан тўғри тиббиёт коллежидан кейин тажрибасиз ҳамшираларни тиббиёт олийгоҳларига қабул қилиш натижасида соғлиқни сақлаш соҳасига етиштирилаётган кадрларни амалиёт учун савиясининг етишмаслиги ва х.кз.аниқланди.

Шу билан ЖССТ эксперти барча тиббиёт олийгоҳларига ташриф буюриб, ҳар бир олийгоҳда ОМХ факультети ва бўлимлари фаолиятлари билан қизиқиб, дарсларда қатнашиб ўз фикр мулоҳазаларини билдириди. **Жумладан:** Олий ҳамширалик таълим йўналиши – бу фан ва тиббиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у инсон фаолиятини ўрганишга таалуқли бўлган янги илмий билим, услугуб ва усуллар орқали аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, пациентларни ҳамширалик жараёнига асосланиб парваришлаш, даволаш ишларида ҳамширалик ёндошувини олиб бориш, касалликлар профилактикаси ва реабилитациясига қаратилганлигини чукур тахлил қилиб берди. Зудлик билан ОХИ йўналиши бўйича янги Ўқув дастур ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлаб, ишчи гурух ташкил қилинди ва бунда бизнинг ТТА таянч етакчи ташкилот бўлиб танландик.

**5510700 – ОХИ таълим йўналиши ДТС ишлаб чикилди:**

Янги ДТСда саломатлик аҳоли – ҳамшира – соғлом жамиятга ургу берилди.

Янги таълим стандартига кўра Бакалавр ҳамширалар аввало ўзини мустақил касб эгаси сифатида номоён кила олиши; Ўзини ўзи баҳолай олиши; Мустақил фикрлаш ва ўз фикрини билдириши; Ижодий қобилиятини ривожлантириши устида илмий изланишдар олиб бориши керакли таъкидланди. Соғлиқни сақлаш тизими учун тайёрланадиган кадрларнинг салоҳиятини яхшилаш мақсадида катор ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, олий ҳамширалик иши укув режасида малакали мутахассис тайёрлаш учун 50% назарий ва 50% амалий билим беришни долзарб масала деб белгиланди. Ўқув режага клиник машғулотларнинг киритилишидан мақсад, клиник амалиёт соатларини 50% - назарий ўқитиш ва 50% амалиёт соатларини кўпайтириб, биргаликда олиб боришдир. Энг самарали тажриба ва кўникмаларни бакалавр ҳамширалар амалиётда йигадилар. Бакалавр ҳамширалар назарий билимларини амалиётдаги ўзлаштираётган тажрибаси билан мувофиқлаштиурсагина, талабаларимиз етук мутахассис ҳамшира булиб етишади.

**5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:**

- Ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, уларга илмий ишлов бериш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаши;
- Ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиши;
- Олий ҳамширалик иши йуналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- Янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, ўзини такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

Соғлом турмуш тарзини шакиллантириш, жисмонан бақувват ва спорт билан шуғилланиб бориш зарурати ҳақида илмий тасаввурга ва эътиқодга эга бўлиши, ўзини жисмонан такомиллаштиришнинг **малака ва қўникмалариға эга бўлиши керак**. Олий ҳамширалик иши таълим йуналиши ишчи ўқув режасида соатлар фанлар блоги бўйича қайта миқдорда тақсимланди. Янги ДТСга кура 5510700 – ОХИ таълим йуналишининг янги укув режаси ишлаб чикилди ва янги ўқув фанлари киритилди: 50% назарий ва 50% амалий хориж тажрибасига кўра таълим беришнинг янги таълим дастури ишлаб чиқилди. Бу таълим дастурига кўра: Талабаларни «факат эшитиш»дан озод этади; Амалий қўникмалар устида кўпроқ ишлашга ва кўпроқ вақтини ўз қобилиятини номоён этишга сарфлайди. Талабалар тайёр маълумотни олгандан кўра, ўзи мустақил изланиб, таҳлил қилиб, ўзини ўзи баҳолай билишини ва ижодий фикрлаш доирасини шакиллантиради; Хозирги 50 га 50 янги таълим дастурига кура дарслар – самарали, интенсив тарзда, яъни талабалар фаоллигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш учун уларни амалий тайёрлаш, ижодий қобилиятини ривожлантириш учун хизмат килади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда ҳамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “Zuhra baraka biznes”МСНJ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Ахмедова Д.И., Тахирова Р.Н., Грунина О.С., Грунина И.И. Ҳамширалик иши. Т. 2015.
4. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
5. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
6. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада ҳамширалик иши. Т. 2016.
7. Orziyev Z. Hamshiralik ishi jarayonida bemorlarni tekshirish usullari. Т. 2010.
8. **Интернет сайтлар: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)**

**З-амалий машғулот. Ҳамширалик жараёнининг босқичлари, уни ташкил этилиши.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларга ҳамширалик жараёнининг босқичлари, ҳамширалик иши ва биоэтика ўрни тўгрисидаги билимларни бериш, хамда, ҳамширалик ишида янги технологияларни қўллаш, ҳамширалар ва мижозлар орасидаги муносабатларига замонавий ёндошиш кўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Хар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

**Ҳамширалик жараёни** бу ҳамшира амалиётида қўллайдиган илмий асосланган усул бўлиб, соғлиқни сақлаш амалиётида ҳамшира ўрнининг янги тушунчасини беради ва ундан техник тайёргарлик билан бемор парваришига ижодий ёндошиш, алоҳида шахс сифатида муносабатда бўлишни талаб этади.

**Ҳамширалик жараёни** – тиббий ҳамширанинг систематик кетма-кетлиқда амалга оширадиган касбий парвариши.

**Ҳамширалик жараёнинг мақсади** – организмнинг асосий эҳтиёжларини қониқтиришда беморнинг мустақиллигини қўллаб-куватлаш ва тиклашдир.

Бу жараённинг бешта босқичи мижоз билан боғлиқ бўлиб, хар бири аввалгиси аниқ бажарилишини талаб этади. Жараён ҳамшира билан мижозга қуидагиларни бажаришга имкон беради. Энг асосийси, ҳамширалик жараёни ёрдам кўрсатишнинг сифатини назорат қилишни кафолатлади.

Мижоз хақида тартибли маълумотлар тўплаш: (**Анамнез йиғиши**)

- Мижознинг мустахкам (кучли, чидамли) ва заиф (кучсиз берулувчан) томонларини тўғри топиш (**Диагностика**):

- Беморга вазифаларни бажаришда ёрдам берувчи тадбирлар ва ҳамшира харакатларини аниқлайдиган даволаш индивидуал режасини хар томонлама ишлаб чиқиши: (**Режалаш**)

Даволаш режасини ижро этиши (**Амалга ошириши**)

Даволаш режасининг мижоз мақсадларида бажарилиши эфективлигини баҳолаш (**Баҳолаш**):

Ҳамширалик жараёнидаги бирламчи мақсад хар томонлама илмий асосланган тиббий хизматни бажаришда ҳамширанинг ижодий ёндошишига ёрдам беришидан иборат. Мақсадга тўлиқ эришиш учун ҳамшира интелектуал шахслараро муаммола ва психомотор кўникмаларга, бу кўникмалардан мижозлар билан ишлашда касалликларнинг яхши тугаши ва олди олиниши саломатлик ва йўқотилган функциялар тикланиши жараёнларининг тезлашишини химоя қилиши учун ижодий фойдаланиш хохишига эга бўлиши керак.

Биоэтика замонавий тиббиётнинг муаммоли масалаларини этик йўналишда ўрганади. Биоэтика замонавий илмий текширишларнинг фанлар аро боғланган соҳасидир. Биоэтика йўналишлари - инсонпарварлик, инсон шахсини фазилатларини хурмат қилиш; шахсни ахлоқ ва одобини хурмат қилиш; эзгулик ва яхшилик хусусияти; ҳақгўйлик.

«Этика» сузи юононча *aethos* – деган суздан олинган булиб, у юриш – туриш, одоб ахлок деган маънени англаради. Ахлок деганда кишиларнинг бир бирига муносабати, эътиоди, тарбияси, хулк автор нормалари йигиндиси тушунилади.

Хамширалик этика ва деонтологиясини Флоренс Найтингейл тасвирлаган қуйидаги асосий принциплари мавжуд:

1. Инсонийлик, меҳр-оқибатлик, ғамхурлик, муруватлилик, муҳаббат, софқўнгиллик.
2. Кайғуга шерик бўлиш.
3. Раҳмдил.
4. Беъминнат.
5. Ишчанлик, меҳнатсеварлик.
6. Эътиборлик.

«Биоэтика» ёки хаёт этикаси тушунчасини 1969 йилда В.Р.Поттер томонидан киритилган. Биоэтиканинг ўрганиши предмети – инсонлар ўртасидаги муносабатлар тушунчасини ифодалайди. Тиббиёт ва этика ўртасида минг йиллардан бери алоқа мавжуддир.

Касбий сир - этик нуқтаи назардан биринчидан: беморга нисбатан хурмат, инсоний фазилатларни улуғлаш қонуний ҳуқуқларни химоялаш; иккинчидан: хаёт фаолияти давомида ўзларига зарап етказмаслик ва бемор тузалишида муваффақиятларга эришиш булиб хисобланади. Агар тиббий ходим касбий сирни саклай олса беморнинг соғлигига наф келтириши мумкин.

Тиббиётнинг асосий вазифалари инсон саломатлигини саклаш, касалликларнинг олдини олиш ва беморларнинг азобланишини энгиллаштиришdir. Бироқ, одамлар билан ҳар қандай иш алоқа жараёни билан узвий боғлиқdir. Мулоқот ҳар қандай даражада тиббиёт мутахассисларининг барча касбий фаолиятларини қамраб олади.

Ҳамшира ёки шифокор беморга ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун даволаниш жараёнида тиббий муассасадаги психологик иқлим ва тиббиёт ходимларининг бир-бiri билан ва беморлар билан мулоқот услуги мухим рол ўйнайди.

Бемор билан мулоқот қилиш жараёни маълум масофани ва ўзаро таъсир моделини танлаш билан бошланади, бу бемор ўзини қулай ва хавфсиз ҳис қилиши учун бўлиши керак. Ўзаро таъсир моделини танлашга қуйидаги омиллар таъсир қиласи: маълум бир маданиятга тегишли бўлиш; ижтимоий ҳолат; психологик муносабат; алоқа иштирокчиларининг ёши; руҳий

стресснинг мавжудлиги ёки ёъқлиги. Қуйидаги ўзаро таъсир моделлари мавжуд.

Авторитар модел - бемор даволаниш жараёнида пассив рол ўйнайди ва тиббиёт ходими фақат ўзининг касбий билимларидан, зарур даволаш чоралари ҳақидаги ғояларидан келиб чиқади.

Ҳамкорлик - бемор ва шифокор даволаш ва олдини олиш бўйича ҳамкорлик қиласи.

Шартнома модели. Ҳамкорлик ўзаро мажбуриятларга, белгиланган вазифаларга, кутилган натижаларга асосланади (одатда пуллик тиббиётда қўлланилади).

Бемор ва шифокор ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнида муҳим рол қўйидагилар: беморни тинглаш қобилияти ва мулоҳазалари. Қўйида бемор билан мулоқот қилиш жараёнида амал қилиш керак бўлган тавсиялар келтирилган:

- савол сифатида беморнинг сўнгги сўзларини такрорланг;
- беморнинг айтган сўзларини умумлаштирадиган савол беринг: "Агар мен адашмасам, сиз ...";
- мавхум савол беринг, тугалланмаган иборани айтинг: "Уйга қайтганда, сиз ...".

### **Ҳамшира ва бемор муносабатларининг турлари**

Ҳамширанинг мавқеи ва роли, айниқса, стационар тиббиёт муассасаларида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ерда ҳамшира бемор билан бевосита вақтни шифокорга қараганда кўпроқ сарфлайди. Унинг касаллигини тушуниш ва қўллаб-қувватлашга интилади. Агар шифокор бемор билан муносабатларда "ота" ролини ўйнаши мумкин бўлса, у ҳолда ҳамшира бу муносабатларда "она" ролига киради.

Хозирги замон биотиббиёт этикаси негизида бемор ва тиббий ходимлар ўзаро муносабатларининг бир қанча моделлари аниқланган.

- Роберт Вич (1992) модели:
- Патерналистик модели:
- Инженерлик модели:
- Контракт модели:
- Коллегиал модели

**Патерналистик модели** бу лотинча сўздан олинган бўлиб, pater «Ота» сузидан олинган. Бунда тиббиёт ходими беморга ота ўз фарзандига кандай муомила килса, шундай муносабатда бўлиш тушунилади.

**Инженерлик модели** - бу модельда тиббиёт ходими уз бемори организмидаги маълум фаолиятларини аниклаб, кайта тиклашга ёки кийинчиликларни бартараф этишга ёрдам бериши тушунилади.

**Контракт модели** - бу модельда тиббиёт ходими ва бемор орасида тулик муносабат хосил булиши тушунилади. Масалан маълум сурункали

кечувчи касалликлар билан шикастланган беморлар уз ахволига бахо беради олишлари керак.(кон босими, конда, сийдикда канд микдори ва хуруж вактида узларига ёрдам олишда тайёр булишлари керак).

**Коллегиал модели** - бу моделда бемор ва тиббиёт ходими уртасида ишонч тушунилади. Яни бемор ва тиббиёт ходимлари уртасида хеч кандай девор булмайди.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳамширалар ва мижозлар орасидаги муносабатлар моделлари?
2. Ҳамширалик ишида биоэтикани ўрни?
3. Биоэтика принциплари?
4. Ҳамширанинг иш жойида субординация қоидалари?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда ҳамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “ZUHRA BARAKA BIZNES”МСНJ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Г.П.Котельников “Сестринское дело профессиональные дисциплины”. Ростов н\д. 2007 год
4. В.Г. Лычёв, Корманов В.К., “Сестринское дело в терапии. С курсом первичной медицинской помощи” Москва 2012 год.
5. Халматова Б.Т., Ўразалиева И.Р. Эшбоева К.Ў., Қосимова Д.И. “Ҳамширалик касаллик тарихи. Ҳамширалик амалиётида шахслараро мулоқат кўникмалари” ўқув-услубий қўлланма. Тошкент – 2010 й
6. Перфильева Г.М. “Теория сестринского дела“ Москва – 2010 г
7. .Б.М.Маматқўлов. «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашнини бошқариш» (тиббиёт институтлари талабалари учун дарслик), М. Тошкент 2013й.

### **4-амалий машғулот. “Олий ҳамширалик иши” йўналишида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш**

**Машғулотнинг мақсади:** Тингловчиларда Ҳамширалик иши йўналиши бўйича таълим, илм-фан ва илмий-услубий янгилик ва ютуқлари, илмий текшириш ишлари асосий тузилмаси бўйича маълумотга эга бўлиш ва амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

**Ишни бажариш манбалар:** Амалий машғулот ни мустахкамлаш учун қуйидаги манбалар зарур. Адабиётлар, таснифлар, расмлар, презентациялар

## **1. Илмий тадқиқотларни тиббиётда, Ҳамширалик иши йўналишида ўрни**

Бугунги кунда турли хил илмий, тиббий, адабий маълумотлар бўйича фаннинг таърифи юздан ортиқ.

“Фан” атамасининг энг кенг тарқалган турлари таърифи:

1. Илм-фан - одамларнинг тадқиқот фаолияти соҳаси, ҳақиқий дунё ҳақида объектив маълумотларни тизимлаштириш, шунингдек, янги кашфиётлар олиб боришидир.

2 Илм-фан табият, жамият ва тафаккурнинг объектив қонунларини ўрганишнинг узлуксиз ривожланиб бораётган тизими бўлиб, у олимлар саъй-харакатлари билан сақланади ва ривожланади.

3. Илм-фан - табиат, жамият, фикрлаш, тараққиётнинг объектив қонунлари ҳақида билимлар тизими.

4. Илм-фан табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимларни олишга қаратилган инсон фаолияти соҳаси.

5. Илм-фан - бу инсон фаолияти соҳаси, унинг вазифаси ҳақиқатнинг объектив билимларини тўплаш ва қайта ишлаш, шу билан бирга, янги билимларни ва дунё илмий тасаввурига асосланган билимлар йигиндисини олиш.

Шундай қилиб, илм-фан табиат, жамият, тафаккур ва атроф-муҳитни англаш бўйича янги билимларни ишлаб чиқиш ва тизимлаштиришга қаратилган инсон фаолияти соҳаси сифатида тушунилади. Бундан ташқари, фан ижтимоий тушунча шаклидир. Охирги мъянода, бу илмий ташкилотлар ва илмий жамоатчилик вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимиdir.

Замонавий фан - бу учта асосий тушунчанинг органик бирлиги: фан сифатида билим, фан сифатида фаолият, ижтимоий институт сифатида фан. Фаолият унинг асосидир, билим - тизим яратувчи омил ва ижтимоий институт - бу олимларни бирлаштирадиган ва уларнинг биргаликдаги фаолиятларини ташкил қилишнинг бир усули.

**Илм-фаннынг мақсади** - ўрганиш мавзусини очадиган қонунлар асосида ташкил этадиган ҳақиқат ҳодисалари ва жараёнларни тасвирлаш, тушунтириш ва прогнозлаш тушинилади.

### **Илм-фаннынг вазифалари:**

тўплаш, таърифлаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва фактларни тушунтириш;

табиат, жамият, тафаккур ва идрок қонунларини аниқлаш;

олинган билимларни тизимлаштириш;

ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини тушунтириш;

ҳодисаларни, ҳодисаларни ва жараёни башорат қилиш;

олинган билимларни амалда қўллашнинг ёъналишлари ва шаклларини яратиш.

### **Фаннинг вазифалари:**

Ишлаб чиқариш функтсияси янгиликларни тадбиқ этиш, инноватсияларни, янги технологияларни, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тизимида

муайян фаолиятларни ташкил этиш шакллари ва бошқаларни жорий қилиш учун мүлжалланган.

**Билим функцияси** - бу асосий мақсад - табиат, жамият ва тафаккур билими, яъни янги илмий билимларни ишлаб чиқаришдир.

Дунё қарашли функцияси илмий дунё қарашни ва реал дунёдаги илмий тасаввурни ривожланишини, илмий дунё қарашнинг асосини белгилайди.

**Таълим функцияси**, фан илм таълим дастурлари, ўқув дастурлари, дарсликлар, технологиялар, шакллар ва ўқитиш усуллари, таълим жараёни мазмунига таъсир кўрсатади.

**Прогностик функция** фаннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, маълум аниқ натижаларни олишни тахмин қилиш мумкин (мисол учун, патологик жараёнлар ва касалликнинг ривожланиши), касалликнинг ривожланиши ва натижасини тахмин қилиш имконини беради.

Илм-фан бугунги қунда қуйидагилардан иборат бўлган тизим сифатида қаралиши мумкин: назариядан; методикадан, техникадан ва тадқиқот усуларидан; натижаларни амалга ошириш амалиётидир. Илм-фан - субъект ва объективнинг ўзаро таъсиридир:

1) объект (фан)- маълум бир илм-фанны ўрганиш, илмий тасаввур қаерга ёъналтирилганлигидан келиб чиқсан холда. Мисол учун, инсон саломатлиги ҳолатини ўрганиш обьекти (предмети), касаллик ривожланишининг асосий шакллари ҳисобланади;

2) субъект-бу конкрет тадқиқотчиидир (талаба, олим, докторант, аспирант, ташкилот);

Илм-фаннынг аҳамияти нафақат бизнинг давримизда, балки унинг келиб чиқиши жуда қадим замонлардан бошланади. Илм-фanni тарихий ривожланишини ҳисобга олсак, маданиятнинг ўзгариши ва бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш жараёнида илмий билимларни баён қилиш стандартлари узгаради, ҳақиқатни кўра билишусуллари, фикрлаш услублари ҳам маданият контекстидаги шакллантирилган ва турли хил ижтимоий-маданий омиллар таъсирига учрайди.

Маълумотларнинг тўпланиши астрономия, математика, тиббиёт ва бошқа соҳаларда сивилизациялар келиб чиқиши, сўзлар шаклланиши, ҳисобкитобларни ривожланиши, ёзувлар, қадимий сивилизациялар (Миср, Месопотамия ва бошқалар) ютуқлари билан бошланган. Аммо, мифологик онгнинг ҳукмронлиги остида, бу ютуқлар бутунлай эмпирик ва амалий доирадан ташқарига чиқмади. Мисол учун, Миср ўзининг геометрлари билан машхур эди, лекин Миср геометриясининг ўқув қўлланмасини олиб кўрадиган бўлсангиз, у ерда сиз фақат эрни улчовчиси учун амалий тавсиялар тўпламини кўришингиз мумкин.

Илмнинг келиб чиқишига дастлабки шароитлар қадимги Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган: Миср, Вавилон, Ҳиндистон, Хитойда. Шарқ сивилизациясининг ютуқлари илм-фан билан шуғулланадиган мутафаккирлар мавжуд бўлган қадимий Гретсиянинг изчил назарий тизимида қабул қилинди.

Улар орасида Демократ, Аристотел каби таниқли олимларни алоҳида ажратиш мумкин. Буюк олимлар нуқтаи назаридан илм фанга билимлар тизими, ижтимоий онгнинг маҳсус шакли деб қаралган.

Юнонлар томонидан Шарқ мамлакатларида – Миср, Вавилон, Эрон, Феникийда шакилланган илмий ва фалсафий тушунчаларни ўзлаштирилганлиги илм-фан ривожига катта таъсири кўрсатди. Айниқса Вавилон илм-фаннинг - математика, астрономия, география ва чоралар тизими кабилари таъсири катта бўлди. Космология, тақвим, геометрия ва алгебра элементлари юнонлар томонидан Шарқдаги қўшнилари ва уларнинг издошлиридан қабул қилинган. Қадимги Юнонистонда кўп вақт ва куч илм-фан, илмий тадқиқотларга сарфланган болиб, бу эса уз навбатида, янги илмий ютуқлар пайдо бўлишига сабаб булди. Астрономик, математик, жисмоний ва биологик тушунчалар ва тахминлар биринчи марта оддий астрономик ва метеорологик ҳодисаларни тахмин қилиш учун биринчи оддий илмий асбобларни (қуёшли соат, самовий сфера модели ва бошқалар) қуриш имконини берди. Тўпланган ва мустақил равишда олинган билимлар нафақат амалий ҳаракат ва қулланилиш, балки бутун дунёқарашнинг элементларига ҳам айланди.

Ўрта асрларда қадимги юнон илмининг таъсири остида Марказий Осиё, Закавказия, Ҳиндистон, Форс, Сурия халқларининг илм-фан ривожи билан ҳамкорликда араб илмлари фаол ривожланди. Унинг ривожланиши араб босқинчиларининг катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ва ҳарбий ишларнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Араб илми, умуман араб маданияти каби, ўша пайтдаги кенг тарқалган таълим муассасалари тармоғида тўпланган. Араб тилини ўрганиш ва диний тил сифатида кенг тарқалганда, араб таълимоти ортидан мактаб таълимоти пайдо бўлди. Масжидларда бошланғич мактаблар ВИИИ асрдан бери мавжудир.

Арабларнинг тарихий қадрияти, қадимги замон илмининг ютуқларини ўзлаштириб, уни янада ривожлантириди ва Фарб халқларига этказиб берди ва шу билан антик ва замонавий сивилизатсия ўртасидаги қўприкка айланди. Эвслид, Архимед ва Птолемейларнинг асарлари араблар туфайли Фарбий Европага маълум бўлди. Ер шар шаклидалигининг тасаввурига эга бўлган араблар, 827-йилда Сурия чўлидаги эр юзининг ўлчамларини аниқлаш, астрологик жадвалларни тузатиб ва такомиллаштириш учун меридианнинг ёйини ўлчади, кўпгина юлдузларга (Вега, Алдебаран, Алтаир) ном беришди. Расадхона Боғдодда, Самарқандда ва Дамашқда мавжуд эди. Ҳиндистон рақамли тизимини қабул қилгач, араб олимлари жуда кўп сонли операсиялар билан ишлай бошладилар, ўрта Осиё математиги, ҳамортимиз Ал-Хоразмий (780 -850) томонидан биринчи марта ишлатилган, "алгебра" тушунчаси ҳам улардан келиб чиқди. Математика соҳасида ал-Баттани (850-929) тригонометрик функцияларни (синус, тангенс, котангенс) ишлаб чиқди, Абу-л-Вафа (940-997) геометрия ва астрономия соҳасидаги бир қатор ажойиб кашфиётлар қилди.

Илмий тиббиёт соҳасида ҳам ривожланган, Гален ва Гиппократларнинг ишларидан фойдаланиб, араб олимлари тиббиётни ривожлантирган, бир қатор минераллар ва ўсимликлар шифобахш хусусиятларини ўрганган. Ибн ал-

Байтар 2600дан ортиқ гиёхли моддалар, доривор ва бошқа ўсимликларни алифбо тартибида, жумладан, тахминан 300 та янги таърифларни келтирди. Арабларнинг тиббий жарроҳлик билимларини Боғдоддаги Мұхаммад ал-Розий (865-925) ва Ибн Сино (980-1037) тиббиёт шифокори томонидан бир бутунга келтирилди, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари ХИИ—ХВИИ асрларда ғарбий Эвропа шифокорларининг асосий қулланмасига айланди. Унинг иши ХИИ-ХВИИ аср Ғарб шифокорларининг иш қуроли бўлди. Араб офтальмологияси кўзнинг тузилиши ҳақидаги тассавури замонавий тассавурга яқин эди.

Алхимик Жобир ибн Ҳайян (721-815) фармакологик кимё ёналиши бўйича бир қатор қашфиётларни амалга оширди. Араблар турли мамлакатлар, шу жумладан, Ғарбий Европани темир, пўлат, тери, жун ва ҳоказо каби мукаммал маҳсулотлар билан таништирган; хитойликлардан компас, порох, қозозни узлаштирилган, Ғарбий Эвропага каноп (конопля), гуруч, ипак қурти, индиго бўёқларини олиб кирди; Хитойдан олинган пахтани Ғарбга олиб кирган; илк бор қамишли шакарни ишлаб чиқариши бошлади, қўплаб боғдорчилик ва қишлоқ хўжалик экинларини иклим шароитига мослаштириди. Тарихий ва географик фанларни ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилди.

Ўрта асрларда асосий илмий олимлар деб шоластлар ҳисобланарди. Уларни нафақат фанлар қизиқтиради балки, фикрларни қанчаси солиштирилганлиги, ушбу фанлар ҳақида мулоҳаза юритилганлиги муҳим эди.

Замонавий экспериментал табий фани ХВИ аср охирида илк бор пайдо бўлган. Коперник ва Галилейнинг асарлари Птолемейнинг астрономиясини рад этишга олиб келди ва Везалия ва унинг издошларининг ёзувлари тиббиётга жиддий ўзгаришлар киритди. Ушбу воқеалар ҳозирги даврда илмий инқилоб деб номланган жараёнини бошланишига олиб келди. Янги илмий методиканинг назарий асослари Френсис Беконга тегишли бўлиб, анъанавий дедуктив ёндашувдан умумий ва хусусий ёндашувдан индуктив ёндашувга ўтишни асослаган – хусусийдан эса - умумийга. Декарта ва айниқса Нютон тизимларининг пайдо бўлиши - бу бутунлай экспериментал маълумотларга асосланган бўлиб, қадимги Ўрта аср анъаналари билан Янги замон илмининг сўнгти танаффусини белгилади. 1687 йилда Табиий фалсафанинг математик тамойилларини нашр этиш илмий инқилобнинг авж нуқтаси эди ва Ғарбий Эвропада илмий адабиётларда илгари кўрилмаган қизиқиш уйғотди. Бу даврнинг бошқа олимлари орасида Браге, Кеплер, Браун, Гоббс, Гарвей, Бойл, Гук, Гюйгенс, Лейбниз, Паскал ҳам илмий инқилобга катта ҳисса қўшган.

ХВИИ асрнинг "Ақл асри" ўрнига, "Маънавий замон"ни давриХВИИИ асрда кирибкелди. Нютон, Декарт, Паскал ва Лейбниз томонидан яратилган фан асосида замонавий математика ва табиий фанлар ривожи Франклин, Ломоносов, Эйлер, Буффон ва ДъАламбертларнинг авлодлари билан давом этди. Кўп сонли энциклопедия, жумладан Дидро энциклопедияси нашр этилгач, илмни оммалashiши бошланди. Табиий фанлардаги илмий инқилоб фалсафий ва ижтимоий фанлардаги ўзгаришларни келтириб чиқарди, бу даврда ривожланиш диний қарама-қаршиликларга боғлиқ эмас эди.

## 1.2. Фанлар таснифи

Замонавий дунё фани кўплаб ўзига хос илмлар билан ифодаланади. Кўпгина илм-фан соҳасида ҳаракат қилиш учун бир неча олимлар ўз таснифини ишлаб чиқдилар.

Ҳаракатланувчи модданинг пастдан юқорига кўтарилишига асосланиб, Ф. Энгелс, илм-фанларни кейинги қаторларини қуидагича белгилади:математика, механика, физика, кимё, биология, ижтимоий фанлар.

Академик Б. Кедров барча ҳақиқатни табиатга ва одамга ажратди, у одамда жамият ва фикрлашни танлади. Табиий илмлар - табиий, жамият ҳақида – ижтимоий ва , фикрлаш ҳақида -фалсафий.

Ҳозирги вақтда ўрганишнинг соҳа, мавзу ва услубига қараб, фанларни қуидагиларга ажратиш мумкин:

табиат ҳақида - табиий;

жамият ҳақида - гуманитар ва ижтимоий;

фикрлаш ва билиш - мантиқ, гносеология, эпистемология ва бошқалар.

Магистратура дастурлари рўйхати кўрсатилган олий касбий таълим ёъналишлари ва мутахассисликлари Таснифлагичида гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, табиий ва техник фанлар ажратилган. Тиббий фанлар ичига бир қатор тор мутахассисликлар бўйича ёналишлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган илмий ходимлар мутахассисликлари номенклатурасида (2011й.) қуидаги илм-фан юналишлари курсатилган:ф изик-математик, кимёвий, биологик, минерал-геологик, техник, қишлоқхужалиги, тарихий, иқтисодий, фалсафий, филологик, географик, хуқуқий, педагогик, тиббий, фарматсевтика, ветеринария, бадиий тарих, меъморчилик, психологик, ижтимоий, сиёсий.

Фан амалиёти билан боғлиқ ҳолда фундаментал (назария) объектив ва субъектив оламнинг асосий қонунларини аниқлайдиган ва амалиётга бевосита эътибор бермайдиган, ва амалий, улар техник, ишлаб чиқариш, ижтимоий-техник муаммоларни ҳал қилишга қаратилган булинади турларига бўлинади.

Олий ўқув юртларида, биринчи навбатда, табиий, техник ва ижтимоий фанлар соҳасидаги энг муҳим ёъналишларда фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу эса диагностика ва даволашнинг янги усуллари ва услубиятларини ишлаб чиқиш учун назарий асосларни яратишга имкон беради.

Тармоқдаги илмий муассасалар қаторида этакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий ва амалий марказлар, шунингдек тўғридан-тўғри Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳисобот берадиган клиникалар ва институтлар киради.

Илм-фanni ривожлантириш жараённада турли фанларнинг уйгунликлари мавжуд. Турли фан ва илмий фанлар турли ёъналишларда ўзаро ҳамкорликда ривожланиб боради. Бир фанни ривожлантириш учун бошқа илмлар олган билимлардан фойдаланилади.

Масалан, кардиология фанида диагностика усуллари қуидаги предметлар (фанлар) га асосланган: физиология, биокимё, лаборатория диагностикаси ва бошқалар.

Энг тез ривожланиш ва муҳим кашфиётлар "туташган жой", фанларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро бойитилиши уларнинг тадқиқот усуллари ва методлари билан

боғлиқ. Ушбу жараён янада ривожланган бўлиб, турли илмлардаги муҳим амалий муаммоларни ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга ёрдам беради. Бу "келажакнинг ягона илмини" шакллантиришнинг асосий усули.

"Туташган" фанлар қуидагиларни ўз ичига олади:

оралиқ фанлар, икки қўшни фанлар чегарасида пайдо бўлган (клиник эпидемиология, тиббий биология, тиббий кимё ва бошқалар);

Чатишган фанлар, бир-биридан узоқ бўлган икки фаннинг тамойиллари ва усулларини (инсон экологияси, соғлиқни сақлаш иқтисодиёти ва бошқалар) бирлаштириш юли билан шаклланган;

комплекс фанлар (валеология, биофизика, нейрохирургия, илм-фан илми ва бошқаларни) чатишиш натижасида шаклланган мураккаб фанларни қамраб олади.

### **1.3. Ўзбекистон Республикасида илмий, илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш ҳолатини, фанни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар**

Мамлакатимизда илмий тадқиқотлар маҳсус илмий муассасаларда олиб борилмоқда - фанлар академиясида, илмий-тадқиқот институтларида, тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, ихтисослашган марказларда ва университетларда олиб борилади. Ушбу муассасаларнинг асосий таркибий бўлинмалари: бўлимлар, лабораториялар, секторлар ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси (бундан буён - Фанлар академияси) фан, техника, маданият ва таълим соҳасида фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инноватсияларни (бундан буён матнда тадқиқотлар) амалга оширадиган мамлакатнинг этакчи давлат илмий муассасаси ҳисобланади.

Фанлар академияси ўз тизимида олиб борилаётган изчил тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва мувофиқлаштиришни таъминлайди ва давлатнинг интеллектуал, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий салоҳиятини оширишга ёрдам берадиган фан ва илм-фаннынг ютуқли технологияларини жорий этишга ўтишни таъминлайди. Фанлар академияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Фанлар академияси Уставинига асосланиб иш олиб боради.

Фанлар академиясининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- табиий, техник ва ижтимоий фанлар соҳасида илмий тадқиқотларни олиб бориш;

фанни таълим ва саноат билан интеграциялаш механизmlарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор ёъналишларини, давлат илмий-техник дастурларини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- республика саноат ва худудларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда;

- жаҳон ва миллий илм-фан ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни Ўзбекистон Республикаси манфаатларини қўзлаб фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

- миллий фан, илмий билимлар, илм-фан ва техника ютуқларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва хорижий давлатларнинг фондлари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро илмий анжуман ва конферентсияларни ташкил этиш ва ўтказишида иштирок этиш;

Фанлар академияси муассасаларининг илмий потентсиали ва моддий-техник базасидан фойдаланган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлашда иштирок этиш.

Илмий тадқиқотларнинг асосий муаммолари бўйича илмий кенгашлар (комиссиялар) вазифаси, биринчи навбатда, фаннинг тегишли соҳаларида ва ёналишларида тадқиқотлар ҳолатини таҳлил қилиш, институтлар ва ташкилотлар томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиришда иштирок этишдан иборат.

Жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат органлари бўлган илмий кенгашлар таркибига Фанлар академиясининг етакчи олимлари, олий ўқув юртлари ходимлари, тегишли муаммоларни ҳал этишда иштирок этаётган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар вакиллари киради. Илмий кенгашлар фаолиятининг шакллари орасида илмий семинарлар ва конферентсияларни ташкил этиш, ноширликда иштирок этиш мухим ўрин тутади. Фан ва тиббиётнинг турли соҳалари олимлари муаммолари бўйича кенгашлар фаолиятида иштирок этиб, илмий кенгашлар фундаментал фан ютуқларини тарғиб қилишга ва тадқиқот ва ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда катта миқдордаги тадқиқотларни олий ўқув юртлари амалга оширадилар.

Илмий фаолиятни тартибга солувчи ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.05.2017 йил 304-сонли "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори бўлиб, унда доктарантура, Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низомлар, доктарантурага оид ҳужжатларнинг давлат намуналари - Фалсафа фанлари доктори (Достор оғ Пхилосопҳ) дипломи, фанлари доктори (Достор оғ Ссиенсе), хамда дотсент, катта илмий ходим ва профессор гувоҳномалари қўрсатилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари), шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимиға қўйиладиган мажбурий талабларни аниқлайди диссертасия ишининг мундарежаси ва сифатини фалсафа фанлари доктори (Достор оғ Пхилосопҳ, далее — ПҳД) ва фан доктори (Достор оғ Ссиенсе, бундан кейин - ДСс) лигига қараб, умумий қабул қилинган халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда аниқлайди.

Хукумат талаблари олий ўқув юртлари (кейинги ўринларда - ОТМ) ва илмий-тадқиқот муассасалари (кейинги ўринларда - ИТМ) учун мажбурийдир. Давлат талаблари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимига, олий ўқув юртидан кейинги таълим институте, асосий докторантуре, докторантуре, мустақил изланувчи, докторант, мустақил изланувчи ва изланувчи.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим қўйидаги шаклларда амалга оширилади: асосий докторантуре; докторантуре; мустақил изланувчи. Институтда аспирантурада ўқиши муддати уч йилдан ошмайди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини ташкил этиш ва фаолият юритиш учун ОТМ ва ИТМ муассасанинг (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техник кенгаш, илмий мувофиқлаштирувчи кенгаши ва бошқалар) доимий ваколатли ва коллегиал органига (бундан буён матнда "коллегиал орган" деб юритилади) эга бўлиши керак. Асосий докторантуре ва докторантурага қабул қилиш танлов асосида қонун хужжатларида белгиланган тартибда ОТМёки ИТМ ташкил этилган қабул комиссиялари томонидан амалга оширилади. Асосий докторантурада таҳсил олиш учун конкурс танлови кириш имтиҳонлари натижалари ва докторантурада сухбат натижаларига асосланган.

Мустақил изланувчилар ОТМ рўйхатдан ўтиш учун сухбат натижалари асосида қабул қилинади. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни аспирантура муассасаларига қабул қилиш ва ўқитиши Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига ва (ёки) халқаро шартномаларга мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Асосий докторантуре ёки докторлик даражасига (ПхД) мустақил изланувчи сифатида номзодлар қўйидаги талабларга жавоб бериси керак:

магистр ёки клиник резидентлик дипломига (тиббиёт фанлари учун) ёки олий маълумотли дипломга эга бўлиш (махсус дастурлар бўйича); илмий журналда чоп этилган камида битта илмий мақола ва илмий фанлар доктори илмий даражасини берувчи докторлик диссертатсияси (ПхД) асосларини ташкил этидиган тегишли илмий ёналишдаги илмий мақолалар тўпламларида камида иккита маъруза тезисига эга бўлиши мумкин.

Илмий-педагогик тажрибага эга бўлган ёки маълум илмий ютуқларга эга бўлган шахслар (ихтиrolарга патент ёки муаллифлик хуқуки гувоҳномалари) докторлик диссертатсиясини (ПхД) ўзлаштириш учун берилади.

Докторлик дастурига кириш ёки докторлик (ДСс) га номзодларни мустақил докторлик диссертатсиясини топшираётган шахслар қўйидаги талабларга жавоб бериси керак:

- хорижий давлатларда докторлик ёки докторлик даражасига (ПхД) ёки бошқа тенг даражаларга эга бўлишлари;

- фан номзоди ёки докторлик даражасини (ПхД) ёки хорижий мамлакатлардан бошқа муносиб даражаларни, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолани ва тўпламларда камида иккита тезисни қўлга киритгандан сўнг, илмий ва илмий анжуманларда, тегишли илмий ёналишлар бўйича илмий ишларнинг бошқа тўпламларида, докторлик диссертатсияси учун докторлик диссертатсияси (ДСс) асосларини ташкил этиши мумкин.

Тиббиёт фанидан аспирантурада ўқиши учун мурожаат қилаётганда ОТМ ёки ИТМ коллегиал органининг қарорига кўра, ариза эгаси клиник ординатура (магистр) ёки қабул қилинганидан кейин илмий, илмий-педагогик ёки амалий иш тажрибасига (икки-тўрт йилгача) эга бўлиши керак даражаларига мос келади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул қилинган абитуриентларнинг асосий ихтисослиги аспирантура мутахассислигига тегишли бўлган фан соҳасига тўғри келиши керак.

Магистратура мутахассислиги бўйича диссертацияларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш масалалари буйча магистратура мутахассислеклари тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

Докторантлар ва мустақил номзодлар коллегиал органнинг қарори билан тасдиқланган индивидуал режа асосида ўқитилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим даврида ўқишнинг барча муддатлари учун алоҳида режалар тузилади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни юқори малакали ўқитишни таъминлаш, шунингдек уларни коллегиал органнинг қарорига биноан диссертация ишларини бажаришда зарур илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида:

фалсафа доктори (ПхД) илмий даражаси талабгорларига илмий раҳбарлар тайинланади;

фан доктори (ДСс) илмий даражаси талабгорларига илмий маслаҳатчилар тайинланади.

Илмий раҳбарлар илмий ва илмий-педагогик фаолияти билан шуғулланадиган фан докторлари, фан номзодлари ва фалсафа фанлари доктори (ПхД) номзодлари бўлиши мумкин.

Илмий, илмий-педагогик фаолиятда фаол бўлган фан докторлари илмий маслаҳатчи бўлиши мумкин.

Фан доктори (ДСс) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари талабгорнинг хоҳишига кўра илмий маслаҳатчи тайинланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинишидан олдин талабгорлар:

малака имтиҳонларини мутахассислик ва чет тилидан ўтказиш;

халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида диссертация натижаларини кенг муҳокама қилиш;

Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган илмий журналларда чоп этилган тезиснинг асосий натижаларини акс эттирувчи камидаги учта илмий мақола (шу жумладан, чет элда).

Докторлик диссертациясини ёқлашдан олдин, талабгорлар қўйдагиларни бажариш шарт:

халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида диссертация натижаларини кенг муҳокама қилиш;

Олий аттестатсия комиссияси томонидан белгиланган илмий журналларда чоп этилган тезиснинг асосий натижаларини акс эттирадиган камидаги ўн илмий мақола (шу жумладан чет элда).

Республикада фаннинг ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони мавжуд. Ўзбекистон Республикаси инноватсион ривожланишининг асосий ёъналишлари кўрсатиб ўтилган "Ўзбекистон Республикаси инноватсион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида" ги 11.29.2017 йил №ПФ-5264 сонли қарори (8-бобга қаранг).

### **Назорат саволлари**

1. Илмий ишларнинг аҳамияти?
2. Илм нима?
3. Фанни таснифи?
4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий вазифалари?
5. Олий ўкув юритидан кейинги қанақа таълим олиш шакллари бор?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Салиходжаева Р.К., Рустамова Х.Е. Хамширалик ишида илмий-тадқиқот ишлар. Тошкент. 2016й.
2. Г.П.Котельников “Сестринское дело профессиональные дисциплины”. Ростов н\д. 2007 год
3. Халматова Б.Т., Ўразалиева И.Р. Эшбоева К.Ў., Қосимова Д.И. “Ҳамширалик касаллик тарихи. Ҳамширалик амалиётида шахслараро мулоқат кўнималари” ўқув-услубий қўлланма. Тошкент – 2010 й
4. Перфильева Г.М. “Теория сестринского дела“ Москва – 2010 г
5. .Б.М.Маматқўлов. «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашнини бошқариш» (тиббиёт институтлари талабалари учун дарслик), М. Тошкент 2013й.
- 6.“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб хужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 25 декабрдаги № 777-сонли буйруғи. Тошкент шаҳар.
7. Рустамова Х.Е., Юрьев В.К. Тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва режалаштириш. 2019й.(эл.вариант)
- 8.Маматкулов Б.М., Мирзабаева С.А, Адилова З.У. Илмий текшириш ишларини амалиётга куллаш (Далилларга асосланган тиббиёт). Дарслик. Voris nashriyoti Тошкент, 2015. -80 б.

**Интернет сайtlар: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)**

## **Кўчма машғулот**

**Мавзу: Ҳамширалик жараёнининг босқичлари, уни ташкил этилиши.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларга Ҳамширалик жараёнининг босқичлари, уни ташкил этилиши қўнималарини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда Ҳамширалик жараёнининг босқичлари тўғрисида топшириқни ечишади.

**Ҳамширалик жараёни бир нечта босқичдан иборат, яъни:**

**Биринчи босқич** – бу бемор соғлиги ҳақида маълумот тўплаш ва уни хужжатлаштириш жараёни.

**Текширув мақсади** – маълумотни тўплаш, олинган маълумотни асослаш ва ўзаро боғлаш, ёрдам сўраб мурожат қилган вақтга бемор ҳақида, унинг соғлиги тўғрисида ахборотлар базасини яратиш.

- Беморни сўраб-суриштириш
- Оила аъзолари ва атрофдагиларни сўраб-суриштириш
- Тиббий ёрдам кўрсатиш бригадасининг бошқа аъзоларидан маълумот олиш
- Беморни физикал текшириш
- Беморнинг тиббий картаси ва бошқа тиббий ҳужжатлари билан танишиш
- Парвариш бўйича тиббий ва махсус адабиётларни ўқиши

**Беморнинг шикоятлари:** Шикоятларни аниқлаш бемор муаммоларини тасаввур қилиш имконини беради. Беморлар ҳар доим ҳам ўз дардлари ҳақида аниқ гапириб бера олишмаслигини эсда тутиш керак, шунинг учун уларнинг ёшини, маълумотини инобатга олиш лозим. Яхшиси таъкидлайдиган ёки рад этадиган жавобни қўзда тутадиган саволларни бермаган маъкул, чунки бу вазиятни нотўғри таҳлил қилишга сабаб бўлиши мумкин.

1. Асосий саволлар
2. БА бўйича қўшимча саволлар:

**Сўраб-суриштириш:** Беморни сўраб-суриштириш вақтида тўпланган маълумотлар субъектив текшириш каби қўриб чиқилади, лекин беморнинг шикоятлари реал асосга эга, шунинг учун сўраб-суриштиришни диққат билан ва қуидаги бўлимларни ўз ичига оладиган, маълум қолип бўйича олиб бориш керак бўлади:

1. Паспорт қисми.
2. Бемор шикоятлари ва уларни батавсил текшириш.
3. Касаллик анамнези.
4. Ҳаёт анамнези.
5. Беморни объектив текшириш.

Тўпланган маълумотлар ҳамширалик касаллик тарихига ёзиб қўйилади.

## **ПАСПОРТ ҚИСМИ**

1. Фамилияси, исми, шарифи.
2. Жинси.
3. Ёши.
4. Доимий турар жойи.
5. Иш жойи, мутахассислиги, лавозими.

**БЕМОРНИНГ ШИКОЯТЛАРИ:** Шикоятларни аниқлаш бемор муаммоларини тасаввур қилиш имконини беради. Беморлар ҳар доим ҳам ўз дардлари ҳақида аниқ гапириб бера олишмаслигини эсда тутиш керак, шунинг учун уларнинг ёшини, маълумотини инобатга олиш лозим. Яххиси таъкидлайдиган ёки рад этадиган жавобни қўзда тутадиган саволларни бермаган маъкул, чунки бу вазиятни нотўғри таҳлил қилишга сабаб бўлиши мумкин.

3. Асосий саволлар
4. Орган ва тизимлар бўйича қўшимча саволлар:
  - **нафас олиш тизими:** нафас олиш бурун орқали (қийналмасдан, қийналиб), бурундаги ажралмалар, бурундан қон кетиши, кўкрак қафасидаги оғриқлар (оғриқ қаерда эканлиги, жадаллиги ва табиати, нафас билан боғлиқлиги), хансираш, нафас сиқишининг хуружлари, қуруқ йўтал, балғам ажрайдиган хўл йўтал (балғам қуюқ, суюқ, кўпикли, сарғиш-кўқ, тиник, қон аралаш, ҳидсиз, қўланса ҳидли, сассиқ, балғамнинг ажралиши гавда холатига боғлиқлиги, қон туфлаш ва ўпкадан қон кетиши);
  - **юрак-томир тизими:** юрак уриши, ритмининг бузилиши, юрак соҳасидаги оғриқ (оғриқ қаерда эканлиги, интенсивлиги, тарқалиш соҳаси, пайдо бўлиш шароити);
  - **овқат ҳазм қилиш тизими:** иштаҳа, чанқов (чайнаш, ютиш, қизилўнгач орқали овқатни ўтиши, кекириш ва унинг хусусияти (ҳаволи, овқат аралаш, ноҳуш ҳидли, нордон), кўнгил айнаши, қоринда оғриқ бўлиши (овқат қабул қилиш ва овқат тури билан боғлиқлиги, оғриқ соҳаси ва тарқалиши), ошқозон ва ичаклардан қон кетиши, метеоризм, нажас хусусиятлари (ич кетиши ва қотиши, птолологик аралашмаларнинг борлиги);
  - **гепато-лиенал тизим:** қовурғалар остида оғриқ (уларнинг хусусияти, пайдо бўлиш шароити, жигар санчиғи), тери ва шиллиқ пардаларнинг сарғайиши (унинг оғриқ хуружи бошланишига боғлиқлиги), пешоб ва нажас рангининг ўзгариши;
  - **сийдик ажратиш ва таносил тизими:** сийдик ажратиш хусусиятлари (сийдик ажратиш сони, дизурия, сийдик тутилиши), сийдик ранги, бел соҳасида, қориннинг паст қисмида оғриқ бўлиши (уларининг хусусиятлари ва тарқалиши), суткалик диурез, никтурия, гематурия, ҳайз кўриш цикли (унинг бузилиши, оҳирги ҳайз кўриш санаси)
  - **ҳаракат тизими:** мушак, бўғим, суяклардаги оғриқ, ҳаракатдаги тинч ҳолатдаги оғриқ;

- **асаб тизими:** уйқу (нормал, бузилган, бузилиш хусусияти), бош оғриғи (хусусияти, кучи, жойлашиш соҳаси), бош айланиши, дикқат-эътиборнинг ва хотиранинг бузилиши.

## КАСАЛЛИК ТАРИХИ

Беморни сўраб-суриштиришда қўйидагиларни аниқлаб олинш керак:

- касаллик қачон ва қандай белгилар билан бошланганлиги, ўткир ёки аста-секин бошланиши;
- симптомлар динамикаси: уларнинг кучайиши ёки сусайиши. Вақт ўтиши билан пайдо бўлган янги симптомларни аниқлаш. Сўраб-суриштиришда касалликни узоқ вақт ичидаги ривожланиши билан қизиқиш керак, бу устивор муаммоларни ажратиб олишга ёрдам беради;
- bemorga қандай текширишлар ўтказилган ва қандай натижалар олинган. Аввалги ўтказилган даво ҳақида сўраб-суриштириш зарур: қайси препаратлар буюрилган, уларнинг дозалари, уларнинг таъсири, ножўя таъсирларнинг борлиги;
- албатта врачга мурожаат қилишидан олдинги даврда касаллик қандай кечгани ҳақида батафсил сўраб-суриштириш зарур. Сўраб-суриштириш вақтида сухбатни йўналтирувчи саволлар бериб назорат қилиб туриш керак, чунки кўпчилик ҳолларда bemorлар ўз эътиорини кераксиз тафсилотларга қаратишлари мумкин. Бундай ҳолларда касаллик кечиши ҳақидаги bemornинг ўзидан олинган маълумот жуда кўп (касаллик узоқ вақт давом этаётган бўлса) ёки жуда қисқа (ўткир кечаётган касалликларда ёки энди касаллик белгилари пайдо бўлаётганида) бўлиши мумкин.

## ҲАЁТ ТАРИХИ

- bemor қандай ўсан, ривожланган, қачон мактабга борган, меҳнат фаолияти қачон бошланган;
- ҳаёти давомида қандай касалликларни бошидан кечирганлиги, улар бирорта асоратлар билан кечганми, қандай даво қилинганлиги, стационар шароитида даволанганди, албатта аниқлаб олиш керак;
- меҳнат шароити, ишлаб чиқаришдаги заарли омиллар, майший заҳарланишлар борлиги, алкоголь истеъмол қилиш, чекиши натижасидаги заарланишлар борлиги аниқланади;
- bemornинг овқатланиш хусусиятлари;
- ота-онаси, яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар аниқланади, уларнинг аҳволи, ҳаёт даврида қандай касалликлар билан оғриганликлари, қайси касалликдан вафот этишганликларини аниқлаш.
- аллергологик анамнез аниқланади, бирорта дори воситага, кимёвий моддаларга, уй-рўзғор чангига, ўсимликларга ва бошқа нарсаларга аллергик реакциялар бўлганлиги. Буларни аниқлаш ривожланган

касаллик асосида аллергик реакциялар бўлганлигини ва келгусида медикаментлар билан даволаш вақтида шундай реакцияларни олдини олиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин;

- аёлларда ҳайз қўриш санаси, давомийлиги, даврийлиги аниқланади, ҳомиладорликлар бўлганлиги, улар қандай кечганлиги, туғруқ қандай кечгани сўралади. Климактерик даврнинг бошланиши, қандай кечаётганини билиш зарур;
- bemor жинсий ҳаётининг хусусиятлари ҳам аниқланади.

## ОБЪЕКТИВ ТЕКШИРИШ

Текшириш bemorни кўздан кечириш, умумий ахволни баҳолашдан бошланади, сўнгра пальпация, перкуссия ва аускультацияга ўтилади.

## БЕМОРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

Bеморни кўздан кечириш анамnez йиғиши мобайнида давом эттирилади.

Кўздан кечиришни маълум режа асосида бир қатор қоидаларга риоя қилган ҳолда, тарқоқ табиий ёруғликда олиб бориш маъқул, чунки сунъий ёруғлик тери ва шиллиқ қопламларнинг рангини ўзгартириб юборади. Агар bemor сунъий ёруғликда кўздан кечирилса, ёруғлик кучли бўлиши керак.

Кўздан кечирганда қуидагилар аниқланади: bemor ҳолати, умумий ахволи, териси, кўзга кўринадиган шиллиқ қопламлар ҳолати, сўнгра юз, бош, бўйин, гавда, қўл ва оёқларни кўздан кечиришга ўтилади.

## БЕМОРНИНГ УМУМИЙ АХВОЛИ

**Беморнинг умумий ахволи.** Беморнинг эс-хуши, ўриндаги вазияти, юз қиёфаси, тери ва шиллиқ қаватлар ҳолати ва касаллик симптомлари қанчалик намоён бўлганлиги билан баҳоланади.

*Қониқарли ҳолат* - bemornинг ўриндаги ҳолати актив, юз қиёфасида ўзгариш йўқ, эс-хуши жойида, bemor фаол.

*Ўрта оғирликдаги ҳолат* – шикоятлар қўпайган, bemor қўпроқ вақтини ўринда ўтказади, эс-хуши сақланган, юз қиёфасида касаллик белгилари бор, ички аъзолар томонидаги патологик ўзгаришлар намоён бўлади.

*Оғир ҳолат* - bemor доимо ўринда бўлади, шикоятлар ва касаллик белгилари анча қўпайган, эс-хуши кирди-чиқди бўлиши мумкин. Юз қиёфасида азобланиш белгилари бор. Актив ҳаракатларни қийналиб бажаради.

## ЭС-ХУШ ҲОЛАТИ

**Эс-хуши:** сақланган ёки кирди-чиқди бўлиши мумкин. Ступор (карахтлик ҳолати), сопор (чуқур ухлаш ҳолати), кома (эс-хүшининг бутунлай йўқолиши) ҳолатлари тафовутланади.

Эс-хуши кирди-чиқди бўлганида bemor саволларга қийналиб жавоб беради.

*Ступор* ҳолатида бемор қаттиқ қичқиришга жавоб беради, лекин жавоблари маъносиз бўлади.

*Сонор* ҳолатида саволларга жавоб бермайди, лекин рефлекслар сақланган бўлади.

*Кома* ҳолатида МНС функциясининг бутунлай сўниши кузатилади (эс-хуши бутунлай йўқолган, мушаклар бўшашган, сезиш ва ҳаракат рефлекслари бутунлай сўнган). Эс-хушининг йўқолиши узоқ ёки қисқа муддатли, қўзғалиш ва алаҳлаш даврлари билан биргаликда кузатилиши мумкин.

## ТАНА ҲОЛАТИ

Ўриндаги ҳолатлар: актив, пассив, мажбурий.

*Актив ҳолат* – bemor mustaqil ўтира олади, тура олади, ўрнида ҳаракат қила олади, ёнбошига ёта олади.

*Пассив ҳолат* – bemor ҳаракатсиз, ўз ҳолатини mustaqil ўзгартира олмайди. Bu xushsiz ётган, ёки узоқ давом этаётган ёғир касалликлар: параличлар, оғир шикастланишлар.

*Мажбурий ҳолат* – bemor ўзига қулай ҳолатда жойлашиб олади, бунда ноҳуш сезгилар (оғриқ сезгиси) камайиши кузатилади. Мажбурий ҳолат ташҳис учун аҳамиятга эга, чунки, у ёки бу касалликларда bemorлар касаллик учун хос ҳолатни эгаллашади.

## ГАВДА ТУЗИЛИШИ

Maъlum konstitutiyaiga эга шахслар баъзи бир шароитларда бирор бир касалликка мойилликлари, бошқа конституцияга эга шахслар эса, бошқа касалликларга мойилликлари қайд қилинган.

*Астеник тури:* кўл-оёқлари узун ва ингичка, кафтлари ингичка ва кафт бармоқлари узун, скелети ингичка. Бўйни узун, қовурға оралиқлари кенгайган бўлсада, кўкрак қафаси ингичка. Мушаклари ва тери ости клетчаткаси яхши ривожланмаган.

*Гиперстеник тури:* кўл-оёқлари ва бўйни калта ҳамда йўғон. Кўкрак қафаси кенг ва калта. Мушаклари яхши ривожланган.

*Нормостеник тури:* астеник ва гиперстеник турларнинг ўртасида.

## ТЕРИ ҚОПЛАМЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

*Тери ва шиллиқ қаватлар ҳолати:* ранги, эластиклиги, намлиги, шиш, нуқсонлар.

*Терининг ранги* бир қанча сабабларга боғлиқ: томирларнинг жойлашиш чуқурлигига, қонда гемоглобин ва эритроцитлар микдорини кўпайиши ва камайиши, терида пигментлар тўпланиши (билирубин, меланин).

*Терининг оқарииши* гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиб кетиши (анемия), томирлар спазмига боғлиқ.

*Гиперемия* (қизариш - томирларнинг кенгайиши) иссиқ ванна қабул қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, алкоголь қабул қилиш ёки қаттиқ ҳаяжонланишга боғлиқ. Баъзи дори воситаларини қабул қилишда гиперемия кузатилади – никотин кислотаси ва унинг ҳосилалари.

Доимий гиперемия эритроцитлар кўпайиб кетишига (эритремия) боғлиқ бўлиши мумкин.

*Кўкариш* - цианоз умумий ва маҳаллий бўлади. Умумий цианоз ўпка капиллярларида қон кислородга етарли тўйинмаслиги натижасида бўлади, ўпка касалликларида кузатилади.

*Маҳаллий цианоз* (периферик) акроцианоз ҳам деб аталади, юрак касалликларида бармоқ учлари, бурун учи, юзи, лаби, кулоқ супраларида кузатилади.

*Саргайиши* - тери ва шиллиқ қаватларининг саргайиши, билирубин пингментларининг қонда кўпайиши натижасида терида тўпланиши (ўт суюқлигининг умумий ўт йўлидан оқиб чиқиши қийинлашганда ошқозон ва ичак касалликларида ва ошқозон ости безининг бошчаси ўсмаларида, гемолизда – эритроцитларнинг парчаланиши, жигар ҳужайраларининг парчаланишида – цирроз, гепатитлар).

*Тери пигментацияси* нормада ва касалликларда (офтоб таъсирида) кузатилади.

*Депигментация* (теридаги оқ доғлар) – витилиго. Баъзи ҳолларда теридаги пигментация бутунлай бўлмайди (альбинизм). Терида чегараланган пигментация соҳаларини аниқлаш мумкин – сепкил, тугма доғлар.

Сочли соҳаларни синчиклаб кўздан кечириш керак (соҷ тўкилган соҳалар, аёлларда ҳаддан ташқари кўп соҷ ўсиши – вирил синдром).

Кўздан кечирганда нуқтасимондан (петехиялар), то қўшилиб кетган кенг (пурпурा) геморрагик тошмаларгача аниқлаш мумкин. Терида ҳар хил тошмаларни аниқлаш мумкин; юқумли ва тери касалликларда аҳамиятга эга бўлади.

## ЮЗИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

Юз қиёфасига патологик ҳолатлар, bemорнинг ёши, жинси таъсири қилиши мумкин.

*Кўз ва қовоқларни* кўздан кечириш буйрак касалликлари (нефрит), анемиялар, узоқ вақт йўталиш таъсиридаги шишларни аниқлашга имкон беради.

*Қовоқларнинг рангига* аҳамият бериш керак: тиреотоксикозда, Аддисон касаллигига – тўқ рангда.

*Ксантомаларнинг* борлиги холестерин алмашинуви бузилишини кўрсатади.

*Қовоқлар ёпилмасдан* кўзнинг очилиб туриши қўз нервларининг параличида кузатилади. Кўз юмулиб қолиши шишда, микседемада кузатилиши мумкин.

*Қорачиқларнинг ўзгариши* ҳам бир қатор касалликлар ташхисотида аҳамиятга эга бўлади.

*Қорачиқларнинг кенгайиши* коматоз ҳолатларда, атропин билан заҳарланишда кузатилади.

*Қорачиқларнинг ҳар хил бўлиши* (анизокария) нерв тизимининг зарарланишида кузатилади.

*Ғилайлик* қўроғошиндан заҳарланишда, ботулизмда, дифтерияда, бош мия зарарланишида (захм, сил, менингит, қон қуишлилар) кузатилади.

*Кўз оқ пардасининг* рангига аҳамият бериш керак – жигар ва ўт йўллари касалликларида сарғиш рангли бўлади.

*Буруннинг* кескин катталлашиши ва қалинлашиши ёки тузилишининг ўзгариши (эзилган бурун - гуммоз заҳм; юмшоқ тўқималар деформацияси – қизил волчанка) билан ўзига жалб қилиши мумкин.

*Оғиз бўйлигини* қўздан кечиришда унинг шакли, лабларнинг рангига, герпес, бичилиш бор-йўқлигига аҳамият берилади. Оғиз бўшлигининг шиллиқ қавати ҳолатини қўздан кечиришга аҳамият берилади (афта, пигментация, қон талашишлар борлиги).

*Милкларнинг ўзгариши* қандли диабетда, цинга (зангила), ўткир лейкозда кузатилиши мумкин.

*Тилни қўздан кечириши* тил ҳаракатининг бузилишини аниқлаши мумкин (МНС зарарланиши, интоксикация, инфекциялар); рангининг ўзгариши: малина рангидаги – скарлатинада, қизил – ошқозон яра касаллигига; тилнинг қуруқ бўлиши интоксикация ва инфекциялар учун хос; оқ караш боғлаши – гастрит.

## ПАЛЬПАЦИЯ

*Пальпация* (пайпаслаб қўриш) қўздан кечириш билан биргаликда олиб борилади. Пальпация қилишда бир қатор қоидаларга риоя қилиш керак бўлади: бемор ва ҳамширанинг ҳолати текшириш ўтказиш учун қулай, қўллари илиқ бўлиши керак. Палпацияни юмшоқ ҳаракатлар билан олиб борилади. Палпация ёрдамида терининг қуруқ, намлиги, эластиклиги, таранглиги (тургор) аниқланади. Нормада бурма қилиб олинган терини қўйиб юборса, у тезлик билан ёзилиши керак.

Палпация тери ости клетчаткаси қанчалик ривожланганлигини, шиш борлигини аниқлайди, шиш борлиги тахмин қилинаётган соҳани эзиб қўриб (эзилган соҳада чукурча қолади) аниқланади.

Пальпация ёрдамида мушаклар, лимфа тугунларининг ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Нормада лимфа тугунлари катталашмаган, оғримайдиган, ҳаракатчан, ўзаро ва атроф тўқималр билан чатишмаган бўлади.

Суякларни пальпация қилиш оғрийдиган соҳаларни, унинг букилганлигини, суяқ тўқимасининг ўсиб кетганлигини (остеофития), бўғимга суюқлиқ йиғилганлигини аниқлашга имкон беради.

Қоринни, юрак соҳасини ва перефериқ томирларни пальпация қилиб жуда кўп маълумот тўплаш мумкин.

## ПЕРКУССИЯ

Ички аъзолар жойлашишини эшитиб кўриш ёрдамида аниқлаш усули.

Бемор тана юзасини дукиллатиб кўриш ёрдамида, товушнинг ўзига хос ўзгаришига асосланиб, текширилаётган аъзо ҳолатини аниқлаш.

Перкуссия бевосита ва билвосита бўлади:

*Бевосита* – бармоқ билан бевосита танага зарба берилади.

*Билвосита* – текширилаётган соҳага жипс қўйилган бармоққа бошқа бармоқ билан зарба бериш.

Аъзонинг ҳавога тўлғанлигига, жойлашиш чуқурлигига қараб, ҳар бир аъзо ўзига хос товуш чиқаради. Бу ички аъзолардаги патологик ўзгаришлар борлиги ҳақида, унинг жойлашиши, аъзоларнинг чегаралари ҳақида тушунчага эга бўлиш имконини беради.

Перкуссия вақтида хосил бўлган тўлқинлар 6–8 см чуқурликкача боради, айнан шу чуқурликда аъзо топографиясини аниқлаш мумкин.

Перкутор товушнинг 3 хили тафовут қилинади:

1. баланд, аниқ – кучли, яхши ажратиб олинадиган товуш
2. тимпаник – ҳаво ва суюқлик бор аъзолар соҳасида эшитиладиган давом этувчи баланд товуш. Нормада ошқозон ва ичак соҳасида эшитилади.
3. тўмтоқ – нормада ҳавосиз тўқималар соҳасида хосил бўладиган бўғик, паст, тез сўнадиган товуш (сон соҳаси).

Куйидагилар фарқланади:

- солиштирма перкуссия, кўкрак қафаси ва қорин деворининг симметрик соҳаларида галма-галдан амалга оширилади;
- топографик перкуссия – аъзо ёки патологик ҳосиланинг чегараси, ўлчами ва жойлашишини аниқлаш

## АУСКУЛЬТАЦИЯ

Баъзи аъзо ва тизимларда содир бўлаётган физиологик жараёнларнинг кечишини акс эттирувчи товушларни аниқлайдиган текшириш усули.

Юракни аускультация қилганда нафас олиш ва чиқаришда, юрак клапанларининг ҳаракатланиши ва қоринча, бўлмачалар деворининг тебранишидан келиб чиқадиган шовқинлар эшитилади

Юрак ва ўпка патологиясида қўшимча товушлар пайдо бўлади ва товуш тембри ўзгариши.

Ҳамшира bemor ҳолатини бирламчи баҳолаб олиб ва олинган маълумотларни ёзиб бўлгач, олинган натижаларни умумлаштиради, тахлил қиласи ва маълум хulosaga келади. Бу хulosалар bemor муаммолари, яъни ҳамширалик ташхислари бўлиб қолади ва улар ҳамширалик парваришининг мақсади бўлади. Сиз ҳамширалик ташхисларини ажратиб олишингиз керак: ҳозирги, яъни bemornинг бугунги, эртага бўладиган ва стационардаги

ҳамширалик парвариши олиб бориладиган давр мобайнида мумкин бўлганлари.

*Потенциал* (яширин, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган) – парвариш даврида юзага келадиган ёки асосий касаллик сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммолар.

Ҳамширалик ташҳислари ҳамширалик касаллик тарихига “Ҳамширалик таҳлили ва асбоблар билан текшириш маълумотлари”дан кейин ёзиб қўйилади.

Ундан кейин сиз ҳамширалик жараёни харитаси бўйича ишлашга киришасиз. Унда ажратилган устунчаларни (графалар) тўлдирасиз. Беморни парвариш қилиш режасига ва уни амалга оширишга алоҳида эътибор беришингиз керак.

### **Ҳамширалик ташҳисининг ўзига хос хусусиятлари**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2013 йил 17 майда "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига қўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги 161-сонли буйруқ қабул қилиниши билан ҳар бир оила шифокорининг қабул меъёрлари, оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномалари тасдиқлаб берилди. Ушбу буйруққа асосан, ҳар бир бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаси кўптармоқли марказий поликлиника, ҚВП ёки оиласий поликлиникалар шифокорларининг қабул меъёрлари қўрсатиб берилди. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқларга асосан, ёши ва жинсидан келиб чиқиб, ҳар бир аҳоли бир йилда неча марта профилактик кўриқдан ўтиши аниқ белгиланди. Шунингдек, буйруқларга асосан, лаборатор текширувларни қайси давр оралиғи билан ўтказиш кераклиги қўрсатиб берилди. Буйруқнинг 2-иловасида оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномаси тасдиқланган бўлиб, вазирликнинг 2009 йилдаги 80-сонли буйруғидаги низомдан фарқли равишда оила ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини бажариш жараёнида қандай амалий қўнилмаларга эга бўлиши кераклиги қўрсатиб ўтилди. Бир ставкада ишловчи оила ҳамшираси 1 иш куни давомида 6 та хонадонда бўлиши керак. Оила ҳамшираси хонадонга бориб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориши, шунингдек, бир ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, ногирон, қариялар ва диспансер назоратидаги bemorlarни patronaj tizimi билан қамраб олиши, шифокор қўrsatmasiga binoan uy shifoхона шароитida муолажани бажариши қўrсатиб ўтилди. Мамлакатимиз mustaqillikка эришгандан буён барча соҳалар singari soғliқni сақлаш tizimiда ҳам бир қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда ва бу ислоҳотлар ўзининг ijobiy самarasini bering kelmoқda.

**Мулоқот техникаси.** Самарали мулоқот 5 элементдан ташкил топган:

- юборувчи – маълумот юборувчиси
- маълумот – юборилган маълумот
- канал – юборилаётган маълумот тури (оғзаки, ёзма, кўл ҳаракати).

- қабул қилувчи – маълумот қаратилган шахс
  - тасдиқлаш – маълумот қабул қилинганилиги ҳақида тасдиқ.
- Тўғри савол бериш орқали мулоқот самарали бўлиши мумкин. Саволлар «ёпиқ» бўлиши мумкин. Бу саволларга қисқа «ҳа» ва «йўқ» жавоби олинади. «Очиқ» саволларга нисбатан «ёпиқ» саволларга тўлиқ жавоб олиш мумкин. Масалан: «Сиз қила оласизми?», «Сиз хоҳлайсизми?», «Сизда борми?». «Очиқ» саволлар: «Айтолмайсизми?», «Менга кўрсата олмайсизми?», «Нима?», «Қачон?», «Қандай?» савол тўғри берилса, мулоқот самарасиз бўлади.

Тушунмовчиликнинг сабаблари ҳар хил:

- маълумотнинг берилиши тушунарсиз ёки жуда тез ёки жуда паст.
- маълумот бериш нотўғри олинган (масалан, инсон ёмон эшитишни ёки ёзма равишда берилган маълумотни ўқий олмаса).
- юборувчи маълумотни олганлиги ёки тушунганлиги ҳақида тасдиқ олмаган.

### **Назорат саволлари**

1. Беморнинг муаммолари қритерийлари.
2. Ҳамширалик ташхиси деб нимага айтилади?
3. Потенциал муаммо деб нимага айтилади?
4. Оралиқ муаммо нима?.
5. Долзарб муаммога таъриф беринг.

## **В КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **1 муаммоли вазият**

Бемор 50 еш эркак Шикоятлари. Кам – қувватлилик, терлаш, шилимшиқ йирингли балғам ажратиш, йўтал, зах ва совуқ хавода тана харорати кўтарилиади. Бемор 20 йил давомида чекади.

Объектив: Умумий ахволи ўрта оғирликда. Аускультацияда ўпкада қаттиқ нафас, тарқалган қуруқ ва нам хириллашлар эшитилади.

1. Хамширалик ташхисини қўйинг
2. текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **2 муаммоли вазият**

Бемор А. 45 ёнда. Шикоятлари: нафас чикаришининг кийинлашувига, мажбурий холат эгаллашга интилмоқда. Пациентда бўғилиш, йўтал, қийин ажралувчи балғам, ўлим вохимаси, экспиратор хансираш, АҚБ бироз кўтарилиган, пульс тахикардия. Юзлари керкиган, лабларида цианоз кузатилади. Ўпкада кўп миқдорда қуруқ ва нам хириллашлар эшитилмоқда, кўкрак қафаси бочкасимон.

1. Хамширалик ташхисини қўйиш
2. Текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **3-муаммоли вазият**

Бемор 42 ёнда шикоятлари 39 – 40 градусгача ошиши, қалтираш, қувватсизлик, бош оғриги, аввал қуруқ шилимшиқ балғам ажралиши, сўнгра зангсимон балғамли йўталга шикоят қиласди. Бемор кўп йиллардан буён спирти ичимликлар истеъмол қиласди.

Объектив кўрганда: умумий ахволи оғир, нафас олиши бир дақиқада 28 марта лунжлари қизарган, лаблар ва бурун учи кўкарган. Перкуссияда ўпкада тимпаник товуш аниқланади, аускультацияда сусайган везикуляр нафас ва крепитация эшитилади.

1. Хамширалик ташхисини қўйиш
2. Текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **4-муаммоли вазият**

Бемор 30 ёш касалхонага гипертермия ҳолатида келтирилди. Тана харорати 39 градус, нафас олиши тез-тез, юзаки. Бемор йўталганда зангсимон балғам ажратмоқда. Касаллик бир неча кун олдин совуқ қотиш натижасида бошланган. Аускультацияда майда пуфакчали нам хириллашлар ўнг ўпканинг пастки бўлагида эшитилади.

1. Хамширалик ташхисини қўйиш

2. Текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **5-муаммоли вазият**

Бемор 50 ёшда. Шикоятлари қийинчиллик билан кунига 100-150 млгача йирингли балғам ажратиши, харакатда хансираш, күп терлаш, тана хароратини құтарилиши. Анамнезида қўп йиллардан буён сурункали бронхит касаллиги билан диспансер назоратида туради. Объектив кўрганда умумий ахволи ўртача оғирликда нафас олиши минутига 24 марта, тана харорати 38,8 градус. Перкуссияда ўпкада икки томондан қутиласимон товуш аниқланади. Аускультацияда тарқоқ хуштаксимон қуруқ ва нам хириллшлар эшитилади.

1. Хамширалик ташхисини қўйинг
2. Текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **6-муаммоли вазият**

Бемор 16 ёшда шикоятлари: тана хароратини құтарилиши, тизза бўғимларидағи оғриқ, шиш, харакатнинг чекланишига. Анамнезида икки хафта олдин bemor ангина билан оғриган. Объектив кўрганда умумий ахволи ўрта оғирликда, пульс тезлашган, унг тизза бўғимида бўғим териси қизариши, махаллий ҳарорат, шиш кузатилади.

1. Хамширалик ташхисини кўйинг
2. Текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **7- муаммоли вазият**

Бемор 67 ёшда. Бирдан ахволи ёмонлашиб, юрак сохасида кучли санчувчи оғриқлар пайдо бўлди, bemor юрак сохасини ушлаган ҳолда деворга суюнди. Оғриқлар чап елка ва чап куракка бераётгани, пастки жағ тортишиб оғриётганидан шикоят қилди. Пациент юзида ўлим вохимаси кўриниб турибди. Объектив кўрганда: пульси минутига 90 марта, А\Б 140\90 мм.сим.уст.

1. Хамширалик ташхисини кўйинг
2. Текширув режасини тузинг
3. Парвариш режасини тузинг

### **Амалий топшириқлар**

1. Ҳамширалик жараёнини схемасини чизинг.
2. Ҳамширалик жараёнини биринчи босқичини схемасини тузинг ва асосланг?
3. Ҳамширалик жараёнини иккинчи босқичини схемасини тузинг ва асосланг?
4. Ҳамширалик жараёнини учинчи босқичини схемасини тузинг ва асосланг?

5. Ҳамширалик жараёнини тўртинчи босқичини схемасини тузинг ва асосланг?
6. Ҳамширалик жараёнини бешинчи босқичини схемасини тузинг ва асосланг?
7. Ҳамширалик ташхисининг врач ташхисидан фарқланувчи томонларини жадвалда акс эттиринг.
8. Бирламчи ва иккиламчи бемор муаммоларини таққослаб, Венн диаграммаси тузинг.
9. Бемордан маълумот тўплаш схемасини чизиб беринг.
10. Беморнинг долзарб муаммосига кўра концептуал жадвал тузинг.

## VI ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Анамнез</b>	бемор узидан ёки уни биладиган кишилардан сураб- суриштириш оркали олинган маълумотлар мажмуюи.	
<b>Бемор</b>	– касалликка чалинган, бетоб одам.	
<b>Беморни текшириш</b>	– bemornинг узига хос хусусиятларни ойдинлаштириб олиш.	
<b>Белги</b>	– у ёхуд бу касалликка ёки патологик холатларга хос булмаган, аммо улардан, уларда кечаётган жараёнлардан нишон берувчи даракчи.	
<b>БТСМ</b>	бирламчи тиббиё санитария маркази	
<b>Диспансеризация</b>	-режа асосидаги тиббий кўрик	
<b>Иммунитет</b>	- организмнинг антиген хусусиятига эга булган юкумли ва юкумсиз агент хамда моддалардан химояланиш лаёкати.	
<b>КТ</b>	- компьютер томография	
<b>МСКТ</b>	- магнитли сканирланган компьютер томография	
<b>ОМХ</b>	ДПМда шифокор раҳбарлигига ишловчи олий маҳсус маълумотли мутахассис ходим.	
<b>ҲҲК</b>	-ҳамшираларнинг халқаро кенгаши	
<b>ҲАХТ</b>	-ҳамширалик амалиётининг халқаро классификатори	

## **VII АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда хамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “ZUHRA BARAKA BIZNES”МСНJ босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Г.П.Котельников “Сестринское дело профессиональные дисциплины”. Ростов н\д. 2007 год
4. В.Г. Лычёв, Корманов В.К., “Сестринское дело в терапии. С курсом первичной медицинской помощи” Москва 2012 год.
5. Халматова Б.Т., Ўразалиева И.Р. Эшбоева К.Ў., Қосимова Д.И. “Ҳамширалик касаллик тарихи. Ҳамширалик амалиётида шахсларро мулоқат кўнималари” ўкув-услубий қўлланма. Тошкент – 2010 й
6. Перфильева Г.М. “Теория сестринского дела“ Москва – 2010 г
- 7.Б.М.Маматқўлов. «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашнини бошқариш» (тиббиёт институтлари талабалари учун дарслик), М. Тошкент 2013й.
- 8.“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб хужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 25 декабрдаги № 777-сонли буйруғи. Тошкент шаҳар.

### **Интернет маълумотлари**

- 1.www. Ziyonet. uz
2. www. edu. uz
3. www. tma. uz
4. www. sestra. ru
5. www. Medlinks. ru